



# ODILLIK MEZONI

ILMIY-AMALIY, HUQUQIY JURNAL

**2024 йил –**  
**“Ёшлар ва бизнесни**  
**қўллаб-қувватлаш йили”**



# 2024 ЙИЛ – “ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ

*Мамлакатимиз раҳбарининг айтиши билан инсоният тарихидаги энг кўп ёшлар қатлами билан яшаётганимизни инобатга олган ҳолда БМТ минбарига Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги БМТ конвенциясини қабул қилиш таклифини илгари сургани ҳам дунё миқёсида жамият тараққиётида ёшларнинг ўрни алоҳида эканидан далолатдир.*

Ҳар бир мамлакатнинг жадал ривожланиши, муайян ютуқларга эришиши, халқнинг фаровон бўлиши ўша давлатда ёшлар таълим-тарбияси ва келажагига бериладиган эътибор даражасига боғлиқ. Статистик маълумотларга назар ташлайдиган бўлсак, бугун дунё миқёсида ёшларнинг сони икки миллиарддан ортиб кетди. Жорий йилнинг 1 январь ҳолатига кўра Ўзбекистонда 14–30 ёшдагилар сони 9 миллион 685 минг 564 нафарни ташкил этмоқда. Бу Ўзбекистон умумий аҳолисининг 26,8 фоизи демак.

Шу маънода, Ўзбекистонда ёшлар масаласи давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Мамлакатимизда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга зарур шарт-шароитлар ва имкониятларни яратиб бериш борасида мустақкам ҳуқуқий база яратилган ва бу тизим замон талабларига ҳамоҳанг равишда такомиллаштирилиб борилмоқда. 2016 йил 14 сентябрда “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонун қабул қилиниб унда аҳолисининг ярмидан кўпроғи ёшлардан иборат бўлган мамлакатда ёшларга оид давлат сиёсатини изчил амалга ошириш, ёш авлодни ҳар томонлама етук ва баркамол, интеллектуал салоҳиятли, ўз қатъий позициясига эга, юртда амалга ошириладиган ислохотларга бефарқ бўлмаган, юртнинг эртанги муносиб келажаги учун дахлдорликка тайёр, мақсадга



интилувчан, серғайрат, ватанпарвар, садоқатли, комил шахслар сифатида тарбиялаш Ўзбекистонни дунёнинг энг ривожланган давлатлари сафидан ўрин олишининг муҳим омили экани инобатга олиниб ёшлар сиёсати борасида келгуси режалар белгилаб олинган эди. Мустақилликнинг илк йилларидан бугунга қадар парламент томонидан ёшларга оид 100 дан зиёд қонун ва қонуности ҳужжатлари қабул қилиниб 30 дан ортиқ халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар ратификация қилинган. Биргина ўтган 2023 йилда ёшлар билан боғлиқ амалга оширилган ишларга назар соладиган бўлсак ўтган йил мобайнида 338 минг йигит-қизга ёшлар етакчилари тавсияси билан 444 миллиард сўмлик ёрдам кўрсатилган. Бу маблағлар талабаларни чет тиллари ва касбга ўқитиш ҳамда меҳнат қуроолларини олиш учун сарфланган. Шунингдек, 2023 йилда “Ёшлар дафтари” орқали кўрсатиладиган ёрдам турлари 30 тага етказилган. 396 минг нафар ёш мутасадди раҳбарларга бириктирилиб, 94 минг нафар ёшларнинг бандлиги таъминланган ва 56 минг нафари касб-ҳунарغا



# “Қўллаб-қувватлаш йили”

ўқитилган. Ҳар бир маҳаллада “Ёшлар бандлиги дастури” асосида 236 минг нафар йигит-қиз иш билан таъминланиб, 189 минг нафар мактаб битирувчиси олий ва профессионал таълимга қамраб олинган.

Белгилаб олинган устувор вазифаларга кўра, жорий “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”да ҳар бир ҳудуд, вазирлик ва идоралар тизимида ёшлар билан ишлаш бўйича янгича ёндашув жорий этилади. Ёшлар етакчиси тавсияси билан бериладиган ёрдам турлари трансформация қилиниб, асосий эътибор уларни замонавий касб-ҳунарга ўргатишга қаратилади.

Гувоҳи бўлганимиз жорий йил давлатимиз раҳбари томонидан “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”, деб эълон қилинди. Бундан кўриниб турибдики, бу йил ҳам ёшларимиз учун кутилмаган ютуқларга бой бўлади. Умуман, ёшларнинг таълим олиши, касб-ҳунар эгаллаши, етук инсонлар бўлиб улғайиши йўлида замонавий, илғор-инновацион шарт-шароитларни яратиш бериш учун Ўзбекистон бор куч ва имкониятларини ишга солмоқда. Чунки, ёш авлодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, маънавий етук, жисмонан соғлом, ватанпар-



вар ва фидойи этиб тарбиялаш, ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилишга эътибор қанча кучайтирилса, унинг самараси ҳам шунча юқори бўлади. Шу боис Ўзбекистон жамиятнинг фаол қатлами сифатида эътироф этилувчи ёшлар қатламига “муаммо” деб эмас, балки юрт равнақини таъминловчи катта куч, давлатнинг стратегик ресурси сифатида қарамоқда. Натижада бугун юксак билимли, замонавий фикрлайдиган, қатъий позицияга эга ёшлар мамлакатнинг эртанги тараққиётида тобора ҳал қилувчи кучга айланиб борапти. Бу йўлда уларга етарли шароит яратиш, кучли рағбат ва имкониятлар эшигини очиб бериш керак, холос. 2024 йилнинг “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили” деб эълон қилиниши бу борада қилинажак ишларнинг дебочасидир.



**Ориф НУРИМОВ,**  
Пайсарқ туман иқтисодий суди раиси.

**“ODILLIK MEZONI”**

илмий-амалий, ҳуқуқий журнал

Муассис: Ўзбекистон Республикаси Судьялар  
олий кенгаши ҳузуридаги  
Судьялар олий мактаби

**Ҳамкорлар**

Ўзбекистон Республикаси  
Судьялар олий кенгаши,  
Ўзбекистон Судьялари ассоциацияси

**ТАҲРИР КЕНГАШИ**

Холмўмин ЁДГОРОВ  
Убайдулла МИНГБОЕВ  
Ҳожи-Мурод ИСОҚОВ  
Дилшод АРИПОВ  
Комил СИНДАРОВ  
Худойкул АЗИЗОВ  
Илхом НАСРИЕВ  
Малика ҚАЛАНДАРОВА  
Беҳзод МЎМИНОВ  
Собир ХОЛБАЕВ

**Бош муҳаррир**

Арслон ЭШМУРОДОВ

**Навбатчи муҳаррир**

Ҳамроқул ҚАРИШИЕВ

**Саҳифаловчи дизайнер**

Шокиржон АЛИБЕКОВ

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар  
Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация  
комиссияси Раёсатининг 2019 йил 31 январ-  
даги 261/8 сон қарори билан юридик фанлар  
бўйича диссертациялар асосий илмий нати-  
жаларини чоп этиш тавсия этилган илмий  
нашрлар рўйхатига киритилган.

**Манзил:** 100097, Тошкент шаҳри,  
Чилонзор тумани, Чўпон ога кўчаси, 6-уй  
**Электрон манзил:**  
odillikmezoni2019@umail.uz

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва  
ахборот агентлигидан 2019 йил 27 августда  
0972-рақам билан қайта рўйхатдан ўтган.

**Обуна индекси:** 1317

Ҳар ойда бир марта чоп этилади.

Журналда эълон қилинган материаллардан  
фойдаланилганда манба қайд этилиши керак.

Босишга 29.01.2024 да рухсат берилди.

Бичими 60x84 1/8, 8 босма табок.

Буюртма № 2. Адади 2020.

Баҳоси келишилган нарҳда.

“ATLAS PRINT MEDIA” МЧЖ

босмаҳонасида чоп этилди.

Босмаҳона манзили:

Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани,  
Дархан, Ипак берк кўчаси, 35-уй

**МУНДАРИЖА****КУН МАВЗУСИ****6****КЕЛАЖАККА ҚЎЙИЛГАН САРМОЯ****7****ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЁРҚИН ЙЎЛИ****МУШОҲАДА****8****ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ФАОЛИЯТИ УСТИДАН  
ПРОКУРОР НАЗОРАТИ ФУНКЦИЯЛАРИ****10****МУТАХАССИС МУЛОҲАЗАСИ****ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ  
САВОДХОНЛИГИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ  
ОМИЛЛАРИ****МУҲИМ МАВЗУ****12****РЕАБИЛИТАЦИЯ ЭТИЛГАН ШАХСЛАР  
ҲУҚУҚЛАРИНИНГ ТАСНИФИ****14****ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛ****ИХТИЁРИЙ ГУВОҲЛИК – ГУВОҲ  
ИММУНИТЕТИНИНГ МУҲИМ ЖИҲАТИ****ЖИНОЯТ ҚОНУНЧИЛИГИ****17****ЎЗИНИ ЎЗИ ЎЛДИРИШ ДАРАЖАСИГА  
ЕТКАЗИШНИНГ ПРОФИЛАКТИК ЧОРАЛАРИ****20****ЖИНОЯТ ВА ЖАЗО****КОНТРАБАНДА ЖИНОЯТИНИНГ  
ИЖТИМОЙ ХАВФЛИЛИГИ****СУДЬЯ МИНБАРИ****23****ЯНГИ МЕҲНАТ КОДЕКСИДА СУДГА  
МУРОЖААТ ҚИЛИШНИНГ МУДДАТЛАРИ****24****ФУҚАРОЛИК СУДЛАРИДА ДАВЛАТ  
БОЖИНИ УНДИРИШ МАСАЛАЛАРИ****ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ****26****МЕРОС ВА МЕРОСХЎР МУАММОСИ**

**27** ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

**СУДЪЯЛАР УЧУН МАСЛАХАТ**

ТАДҚИҚОТ **28**

**МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКНИНГ  
ЮРИДИК ТАРКИБИ ТУШУНЧАСИ ВА  
МОҲИЯТИ**

**30**

**НОДАВЛАТ СУД-ЭКСПЕРТИЗА  
ТАШКИЛОТЛАРИДА ЭКСПЕРТИЗА  
ТЕКШИРУВИНИ ЎТКАЗИШ  
ХАРАЖАТЛАРИ**

МУЛОҲАЗА **33**

**ТИББИЙ ХИЗМАТ СОҲАСИДА  
ШАРТНОМАВИЙ-ҲУҚУҚИЙ  
МУНОСАБАТЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШ**

**36** ТАҲЛИЛ

**СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАРНИ  
БОШҚАРИШ ҚОНУНЧИЛИГИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

ИБРАТ **39**

**ТЎЗФИГАН ГУНОҲ**

**40** ТИНГЛОВЧИ МИНБАРИ

**“РИЭЛТОР”МИ ЁКИ “МАКЛЕР”?**

**42**

**ИҚТИСОДИЙ СУДЛАРДА АПЕЛЛЯЦИЯ  
ИНСТИТУТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**43**

**КИБЕРЖИНОЯТЛАРНИ СУДДА  
КЎРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС  
ХУСУСИЯТЛАРИ**

**44**

**ОЗОДЛИКДАН МАҲРУМ ҚИЛИШ  
БИЛАН БОҒЛИҚ БЎЛМАГАН  
ЖАЗОЛАР: ТАРИХ ВА БУГУН**

**46**

**МАЪМУРИЙ СУД ҲУЖЖАТЛАРИНИ  
ИЖРО ЭТИШГА ОИД ҚОНУНЧИЛИКНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

**48**

**МУСТАҚИЛ СУД ҲОКИМИЯТИ —  
МУСТАҲКАМ ДАВЛАТ АСОСИ**

**49**

**ЖИНОЯТ ИШЛАРИНИ СУДДА КЎРИБ  
ЧИҚИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

**50**

**КИБЕРМАКОНДА ШАХСИЙ  
ДАХЛСИЗЛИК ҲУҚУҚИ**

**51**

**СУДЛАР ТОМОНИДАН ЖИНОЯТ УЧУН ЖАЗО  
ТАЙИНЛАШ: НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ**

**52**

**ЖИНОИЙ ЖАВОБГАРЛИКДАН  
ОЗОД ҚИЛИШ ҚОИДАЛАРИНИ  
ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

**53**

**НОГИРОНЛАРНИНГ УМУМЭЪТИРОФ  
ЭТИЛГАН ҲУҚУҚЛАРИНИ  
ТАЪМИНЛАШНИНГ АЙРИМ  
ЖИҲАТЛАРИ**

**54** СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ

**ДЕСЯТЬ ПРАВИЛ СУДЬИ**

ПРОЦЕСС **57**

**РОЛЬ АВТОРСКИХ ПРАВ  
В КОНТЕКСТЕ СОЦИАЛЬНЫХ СЕТЕЙ**

**60** ТЕМА ДНЯ

**РАСШИРЕНИЕ ПРАВ И  
ВОЗМОЖНОСТЕЙ ГРАЖДАН И  
ПРЕДПРИНИМАТЕЛЕЙ ДЛЯ ДОСТУПА  
К ПРАВОСУДИЮ:  
ПОВЫШЕНИЕ ПОТЕНЦИАЛА В  
ДОСТИЖЕНИИ СПРАВЕДЛИВОСТИ**



## КЕЛАЖАККА ҚҰЙИЛГАН САРМОЯ

**Президентимизнинг 2024 йилни “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”, деб эълон қилиши замирида халқимизнинг болажонлиги ва ёшларининг камолотига эътибори устувор бўлиб келгани ҳақиқати ётибди. Умуман олганда азал-азалдан ёшлар камалига алоҳида эътибор бизнинг қон-қонимизга сингиб кетган, десак муболага бўлмайди. “Бир болага етти қўшни ота-она” каби мақолларимиз ҳам бежизга пайдо бўлмаган.**

Мамлакатимиз мустақиллигини қўлга киритгандан буён ёшлар масаласида қонун ижодкорлиги ва уни мустаҳкамлаш борасида бугунги кунга қадар ёшлар сиёсати билан боғлиқ юздан зиёд қонун ва қонуности ҳужжатлари қабул қилинди. Халқаро ҳамжамиятнинг 30дан ортиқ ҳуқуқий ҳужжатлари ратификация қилинди. Биргина йилларни номлаш масаласида ҳам бу нарсаларга алоҳида эътибор қаратилганини кўриш мумкин. Мисол учун 2000 - йил — Соғлом авлод йили, 2008- йил — Ёшлар йили, 2010- йил — Баркамол авлод йили, 2014- йил — Соғлом бола йили, 2021 - йил — Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили ва жорий йилимизнинг “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”, деб эълон қилиниши ҳам фикримизнинг исботидир. Чунки ҳар бир ном остида ўша йўналишда катта-катта ишлар амалга ошириладигани, бу кейинги йилларда мазкур соҳани ривожлантириш учун локомотив вазифасини бажаради. Мустақилликнинг ўтган даври мобайнида йилларнинг бир неча марта келажакимиз эгалари бўлган ёшларга дахлдор номлар билан аталиши ҳам келажак эгалари борасида давлатимиз сиёсатининг йўналишини аниқлаштиради.

Хусусан, “Ёшлар дафтари” орқали кўрсатиладиган ёрдам турлари сони 30 тага етказилди. 396 минг нафар ёш мутасадди раҳбарларга бириктирилди ва 94 минг нафар ёшнинг бандлиги таъминланди. Шунингдек, 56 минг нафар ёшлар касб-хунарга ўқитилди. Ҳар бир маҳаллада “Ёшлар бандлиги дастури” асосида 236 минг нафар йигит-қиз ишли бўлди. 189 минг мактаб битирувчиси олий ва профессионал таълимга қамраб олинди. Минглаб талабаларнинг шартнома маблағлари тўланди. Хорижий тиллар ва замонавий касбларга ўқитиш харажатлари қопланди. Янги йилда иқтисодийимизга хорижий инвестицияларни жалб этиш, тадбиркорлик ва хусусий мулк учун кенг имкониятлар яратишни янада кучайтириш, илм-фан, инновация, IT каби соҳаларни, “яшил” ва рақамли технологияларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилади. Ёшлар келажакимиз борасида амалга оширилган бундай хайрли ишларни санасак сановига етиш қийин, аммо бор нарсани ўз вақтида эътироф этиш ҳам лозим.

Ана шу ўринда йилнинг номидан келиб чиқиб унинг иккинчи қисми, яъни бизнес билан боғлиқ жиҳатлари ҳақида икки оғиз. Умумий қилиб олганда бизнес— иш, машғулот, корхона, деган маъноларни беради. Бизнес деганда фақатгина жарақ- жарақ пуллари эмас, аввало ана шу пуллари топадиган шарт-шароит, муҳит назарда тутилади. Демак, бизнесни қўллаб-қувватлаш дегани бандликни, машғулликни,

корхоналарни қўллаб-қувватлаш демак. Шунингдек, бизнес деганда, фақат пул топишга қаратилган соҳани эмас, балки доимий равишда эътиборга, қўллаб-қувватлашга эҳтиёжи бор соҳани тушунишимиз лозим. Яъни давлат томонидан бизнес қанчалик қўллаб-қувватланса, бизнес ҳам мамлакатнинг ривожига, тараққиётига, хизматлар сифатининг ошишига, мамлакат имижининг кўтарилишига ва алаоқибат халқнинг фаровонлигига хизмат қилади. Бизнес қанчалик ривожланса, унга шунчалик кўп ишчилар керак бўлади, бу эса аҳоли, айниқса, ёшлар бандлигини таъминлайди, ёшларнинг ноқонуний миграцион жараёнларга жалб этилишини камайтиради.

Шу мақсадда 16.09.2023 йилда “Кичик бизнесни ривожлантиришни молиявий ва институционал қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарори қабул қилинди. Қарорга кўра, 2023 йил 1 октябрдан “Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш” комплекс дастури амалга ошириладиган бўлди.

### Дастурда иштирок этувчи кичик тадбиркорлик субъектларига, жумладан:

- фаолиятини йўлга қўйиш ёки кенгайтириш учун 2 йилгача имтиёзли давр билан 7 йилгача ҳамда айланма маблағлар учун револьвер тарзда 3 йилгача йиллик Марказий банк асосий ставкасидан 4 фоизлик юқори ставкада 1,5 миллиард сўмгача кредитлар ажратилади ва (ёки) асосий воситаларни сотиб олиш учун лизинг бериш, 100 миллион сўмгача кредитларни гаровсиз, 150 миллион сўмгача кредитларни гаров талаби 50 фоизгача пасайтирилган ҳолда ажратиш имконияти назарда тутилади;

- қиймати 1,5 миллиард сўмгача бўлган асосий воситалар 7 йилгача бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан қарзга берилади;

- инновацион ишланмаларни тижоратлаштириш, юқори технологик стартап лойиҳаларига давлат илмий дастурлари доирасида 2 миллиард сўмгача грант маблағлари ажратилади.

Демак юқоридаги маълумотлар ва фикрлардан кўринадики, жорий йилимизнинг ҳам ёшлар ва уларнинг бизнес фаолияти билан боғлиқлигида ҳам катта маъно бор. Бу — ҳар бир мамлакат тараққиётида муҳим ўрин тутувчи тадбиркорлик соҳасида ёшларнинг ўлушини янада кўпайтириш ва улар сафида етук ишбилармонлар салмоғини ошириш демак.

**Бегенч ЭШКУВАТОВ,**

ФИБ Самарқанд шаҳар судининг судьяси.

# ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЁРҚИН ЙЎЛИ

**Президентимиз Ўзбекистон халқига йўллаган Янги йил табригида 2024 йилни Ўзбекистонда “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”, – деб эълон қилди ва бу йил амалга ошириладиган ишларни қисқагина қилиб “Инсон қадрини улуглаш, аҳолимиз манфаатларини таъминлаш, бунинг учун кучли иқтисодий барпо этиш бизнинг асосий вазифамиздир”, – дея изоҳладилар. Шунингдек, табрикда жорий йилда амалга оширилиши ва эътибор қаратилиши лозим бўлган асосий жиҳатларга тўхталиб ўтилди. Унга кўра, Янги йилда иқтисодийтимизга хорижий инвестицияларни жалб этиш, тадбиркорлик ва хусусий мулк учун кенг имкониятлар яратиш янада кучаяди ва илм-фан, инновация, IT каби соҳаларни, “яшил” ва рақамли технологияларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилади.**

Янги иш ўринлари ташкил этиш, аҳоли даромадларини ошириш барча мутасаддиларнинг диққат марказида бўлади. Иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақалар миқдори кўпайтирилади. Хотин-қизлар ва нурунийларни, ёрдамга муҳтож инсонларни қўллаб-қувватлашга алоҳида аҳамият берилиб ижтимоий соҳалар ривожини мутлақо янги босқичга олиб чиқилади, шунингдек, жорий йилда Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, Қуролли Кучларимиз жанговар салоҳиятини ошириш устувор вазифалардан бўлиб қолади.

Аввалги йилларда бўлгани каби бу йил ҳам соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, уларни мамлакатда амалга ошириладиган сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ислохотларнинг фаол ва бевосита иштирокчиси, жамиятнинг ҳақиқий таянчи ва суянчига айлантириш мамлакатимизнинг устувор ва стратегик вазифаларидан бири бўлиб қолади. Хусусан, кейинги йилларда ёшлар сиёсати самарадорлигига оид жами 100 га яқин қонун ва қонуности ҳужжатлари қабул қилинди.

Бугунги кунда ҳаётга изчиллик билан татбиқ этиладиган ёшларга оид давлат сиёсати ёшларнинг замон талаблари даражасида таълим олиши, ўсиб-улғайиши, ўз билим ва салоҳиятини намоён этиши учун зарур шароитларни яратишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Умуман олганда халқаро экспертлар ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигига асосан уларнинг умумий аҳолидан келиб чиқиб уч мезон асосида баҳо берадилар. Ёшлар саломадлиги даражаси, ёшларга бериладиган таълим даражаси ва ёшларнинг ижтимоий таъминланганлик даражаси шулар жумласидандир. Ислохотлар силсиласида Президентимизнинг бевосита ташаббуси билан Ўзбекистонда илк бор ишсиз ёшлар бандлигини таъминлашга қаратилган мутлақо янги тизим – “Ёшлар дафтари”нинг жорий этилиши ёшларга оид сиёсатни янги сифат босқичига кўтарди. Натижада ўтган қисқа давр ичида республикада яшаётган 18-30 ёшдаги минглаб ижтимоий ҳимояга, иқтисодий ва психологик қўллаб-қувватлашга муҳтож, ишсиз ёшлар “Ёшлар дафтари”га киритилиб, уларнинг муаммоларини ҳал қилиш учун ҳудудларда “Ёшлар жамғармалари” орқали зарур маблағ ажратилди.

Мамлакатимизда бизнесни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилиб келиниши бежизга эмас. Дунё мамлакатлари тажрибасидан маълумки қайсики мамлакатда бизнес ривожлантирилиб, тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга эътибор берилар экан бу ўзининг самарасини бермасдан қолмаган. Чунки, ҳамма даврларда ва ҳамма давлатларда тадбиркор ва ишбилармонларга нисбатан

иқтисодийнинг локомотиви, деган қараш мавжуд. Шу маънода мамлакатимизда ёшлар тадбиркорлигига алоҳида эътибор қаратиладигани ҳам бор гап. Мисол учун 2020 йилдан бошлаб ёшлар тадбиркорлигини микрокредитлашнинг янги тизими йўлга қўйилиб ёшларга ўз бизнесини бошлаши учун таъминотсиз микрокредитлар бериш амалиёти жорий этилди. Ёшларни касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тартиби ва ташкил этилган ўқув курсларини тамомлаган ҳар бир битирувчи учун нодавлат таълим ташкилотларига сарфланган харажатларнинг 70 фоизи давлат томонидан компенсация қилиниши йўлга қўйилди. Натижада 30 ёшгача бўлган тадбиркорлар сони 5 баробар кўпайди. 2021 йилда ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилиб, Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобидан 100 миллион АҚШ доллари ажратилгани ёш тадбиркорларни янада руҳлантирди.

Жорий йилнинг “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”, деб эълон қилиниши ҳам мамлакатимизда амалга оширилиб келинадиган ислохотларнинг узвий ва мантиқий давоми бўлди. “Ўзбекистон – 2030” стратегиясининг ёшларга ва тадбиркорликка оид мақсадларига айнан уйғундир. Хусусан, “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида ёшларнинг замонавий касблар билан машғул бўлишини таъминлаш учун ҳар бир вилоятда биттадан “Креатив парк”лар фаолиятини ташкил этиш, уларга йилига камида 40 минг нафар ёшларни жалб қилиш, ҳар йили 500 нафар истеъдодли ёшларни хорижий нуфузли олий ўқув юртлигига ўқишга юбориш, мактаб битирувчиларининг камида 2 та хорижий тил ва 1 та касб эгаллашини таъминлаш, китобхон ёшлар сонини 5 миллион нафарга етказиш, “Топ-500”га кирадиган хорижий университетлар билан ҳамкорликда камида 50 та қўшма таълим дастури асосида “икки дипломли тизим”ни жорий этиш каби мақсадлар ўрин олган.

Ҳолбуки, соғлом, билимли, маданиятли ёшлар мамлакат тараққиёти ва келажагини белгилаб берувчи ҳамда жамиятда ижобий ўзгаришларни амалга оширишда ҳаракатлантирувчи кучдир. Ёшларга оид давлат сиёсати аввало ҳар бир давлатнинг ички сиёсати бўлиб, ёшлар ва давлат ўртасидаги муносабатларни мувофиқлаштиришга хизмат қилади. Бу соҳадаги изчил ва ҳаётий ислохотлар давр талаби ва мавжуд шарт-шароитдан келиб чиқиб, такомиллаштириб бориладиган улуғсиз жараёндир.

**Шаҳобиддин ҲАСАНОВ,**

*Жинойят ишлари бўйича Термиз туман суди раиси.*

# ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ФАОЛИЯТИ УСТИДАН ПРОКУРОР НАЗОРАТИ ФУНКЦИЯЛАРИ

## АННОТАЦИЯ:

*мақолада тезкор-қидирув фаолияти устидан прокурор назоратининг муҳим жиҳати таҳлил қилинган. Энг муҳими инсон ва фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва қонуний манфаатларни ҳимоя қилишда тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширадиган органлар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш масалалари атрофлича кўриб чиқилган. Ушбу мақолада миллий ва хорижий қонунчилик билан бирга, олимларнинг фикрлари ҳам таҳлил қилинган.*

**Калит сўзлар:** инсон, прокурор, назорат, ҳуқуқ, ҳимоя қилиш, функция, тезкор-қидирув фаолият, конституция, предмет, риоя.

“Тезкор-қидирув фаолияти тўғриси”даги қонуннинг 4-моддасига биноан, уни амалга оширувчи органлар ўз ваколатлари доирасида инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, соғлиғи, юридик ва жисмоний шахсларнинг мулкани ҳамда шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини жиноий тажовузлардан ҳимоя қилиш мақсадида тезкор-қидирув тадбирларини амалга оширадилар. Бу вазифалар ҳеч қачон мустақил хусусиятга эга бўлмаган ва улар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жиноятчиликни фош қилиш, олдини олиш ва тергов қилиш фаолиятига нисбатан ҳар доим бўйсунувчи хусусиятга эга бўлади.

Албатта, ушбу вазифаларни амалга оширишда қатъий белгилаб қўйилган тамойилларга оғишмай амал қилиш муҳим ҳисобланади. Жумладан, тезкор-қидирув фаолияти асосий тамойиллари қонунийлик, фуқаронинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ҳурмат қилиш ва уларга риоя қилишнинг конституциявий асосларига таянади. Ушбу тамойилларга қатъий риоя қилиш орқали шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиниш кафолатлари таъминланади.

Шахсларнинг конституциявий ҳуқуқ ва қонуний манфаатларни ҳимоя қилишда тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширадиган органлар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилишда прокуратура муҳим роль ўйнайди ва прокуратура фаолиятининг нисбатан янги соҳаси ҳисобланади.

“Тезкор-қидирув фаолияти тўғриси”даги Қонуннинг 27-моддаси прокурор назоратига бағишланган, аммо ушбу қонунда прокурорнинг тезкор-қидирув фаолиятининг қонунийлиги устидан назоратни амалга ошириш бўйича барча ваколатлари белгиланмаган.

Прокурор ваколатлари “Прокуратура тўғрисида”ги Қонун ва Бош прокурорнинг буйруқлари билан таъминланади. Бундан ташқари, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар томонидан қонунлар ижроси устидан прокурор назорати ваколатлари Жиноят-процессуал кодекси билан ҳам белгиланади. Бу ваколатлардан жиноят-процессуал қарорларнинг қонунийлиги устидан прокурор назоратини амалга оширишда ҳамда тезкор-қидирув фаолияти натижаларини амалга ошириш жараёнида қабул қилинган қарорларда фойдаланилиши мумкин.

Прокурор қонун ҳужжатларида ўзига берилган ваколатлардан фойдаланган ҳолда тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошираётган органлардан жисмоний ва

юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилишига чек қўйиш бўйича ўз вақтида чора-тадбирлар кўриши шарт, бузилган ҳуқуқларни тиклаш, етказилган зарарни қоплаш ва агар асослар мавжуд бўлса, айбдор мансабдор шахсларни қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарликка тортиш чораларини кўради.

Ўзбекистон Республикасининг давлат-ҳуқуқий институтлари тизимида прокуратуранинг ўрнини аниқ белгилаш прокуратура тизимининг моҳиятини, прокуратура функцияларини, унинг ҳуқуқий мақомини, ташкилий тузилмасини, фаолият усуллари ва шаклларини аниқлаш учун муҳим аҳамиятга эга. Прокуратуранинг ўрнини белгилашда албатта, манфаатлар мувозанатини, ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туришлик масалаларини ҳисобга олиш зарур, бу прокуратура ролининг пасайишига ёки аксинча, унинг ваколатларини номутаносиб равишда кенгайтиришга олиб келиши мумкин.

Прокуратуранинг давлат органлари тизимида мақсади ва ролини белгилаш – прокуратура давлат органлари тизимининг узвий элементи эканлигидан далолат беради. Яъни, у давлатнинг айрим функцияларини бажаради.

В.Клочковнинг таъкидлашича, функция деганда, ижтимоий тизим элементларидан бирининг бошқасига ёки бутун тизимга нисбатан хизмат роли (мақсади) тушунилади. Яъни, маълум бир ижтимоий институтнинг юқори даражадаги ижтимоий тизим эҳтиёжлари ёки уни ташкил этувчи ижтимоий гуруҳлар ва шахслар манфаатларига нисбатан бажарадиган роли сифатида баҳоланади.

Бизнингча, прокуратура функцияси деганда унинг Конституция ва қонунларда назарда тутилган ва прокуратура мақсади билан белгиланадиган, унинг вазифаларида ифодаланган, маълум бир предмет билан тавсифланган, ушбу муаммоларни ваколат доирасидан келиб чиқиб ҳуқуқий воситалар орқали ҳал қилишга қаратилган фаолиятининг ўзига хос тури тушунилади. Юқорида келтирилган тушунчалар прокуратура органларининг функциялари моҳиятан прокуратура фаолиятининг асосий йўналишларини кўрсатиб беради, шу билан бирга келтирилган таърифда юзага келадиган муносабатлар бир-бирига чамбарчас боғлиқлигини кўришимиз мумкин.

Прокуратуранинг вазифалари Қонуннинг бир қатор моддаларида белгилаб берилган. Хусусан, амалдаги Қонуннинг 2-моддасида, қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан



қўриқланадиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси каби вазифалари санаб ўтилган. Қайд этиш лозимки, Қонунда “функция” сўзи ўрнига “вазифалари”, деб келтириб ўтилган.

Ўзбек тилининг изоҳли лугатида вазифа сўзи – зиммада бўлган муайян иш, бажарилиши лозим бўлган иш, топширилган иш, амал доирасида бажариладиган иш каби тушунчаларни англатади.

Юридик адабиётларда функция тушунчасига кўплаб таърифлар мавжуд бўлса-да, аммо кўпчилиги ягона мазмунга эга эканлигига ишора қилади.

Прокуратура функцияси ҳақида А.П.Сафонованинг фикрича, прокуратурага қонун устуворлигини назорат қилувчи институт сифатида қарайдиган бўлсак, у тарихан ривожланаётган организм сифатида давлат олдида турган вазифаларни рўёбга чиқаришда хизмат қилган. Одамларнинг жамиятдаги ижтимоий-сиёсий мавқеи, фуқаронинг жамият, давлат ва унинг назорат-бошқарув характеридаги институтлари билан муносабати қандай эканлигига қараб прокуратуранинг функциялари ва институтлари ҳар хил бўлган.

Умуман олганда инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш функцияси тўғридан-тўғри Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг иккинчи бўлиmidан келиб чиқади. Унда давлат органлари ва мансабдор шахсларининг асосий роли инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини тан олиш, уларга риоя қилиш ва ҳимоя қилиш сифатида белгилаб қўйилган. Бинобарин, давлатнинг асосий мақсадларидан бири, инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларни таъминлаш, уларни бузилишдан ҳимоя қилиш учун реал имконият яратиш, шунингдек, бузилган ҳуқуқ ва эркинликларни ҳимоя қилиш механизмларини яратишдан иборат.

Таъкидлаш жоизки, янги қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлашнинг сиёсий-ҳуқуқий асосларини яратиб, янги босқичга олиб чиқди, миллий давлатчилик тараққиётининг тарихий муҳим босқичида давлат ва жамиятни янада ривожлантиришнинг устувор стратегик йўналишларини белгилаб берди. У кучга кириши биланоқ, давлатнинг асосий функцияларидан бири бўлган, яъни ҳуқуқни муҳофаза қилиш функциясини бажаришга киришди. Ушбу конституциявий функцияни рўёбга чиқаришда прокуратура алоҳида аҳамиятга эга. Тўғри, конституцияда прокуратуранинг асосий функциялари кўрсатиб берилмаган бўлса-да, аммо умумий мазмундан келиб чиқиб инсон ва фуқароларни ҳуқуқ ва эркинликларини тан олиш, ҳурмат қилиш ва ҳимоя қилишда асосий ролини ажратиб кўрсатиб ўтиш мумкин.

Демак, прокуратуранинг давлат органлари ва муассасалари тизими сифатидаги функцияси – бу Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган ижтимоий мақсадларни рўёбга чиқаришда аҳамиятли бўлиб, давлат механизмнинг таркибий қисми сифатида жисмоний ва юридик шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга оширади. Шунингдек, “Прокуратура тўғрисида”ги қонун ва бошқа қонунларда

назарда тутилган асосий вазифалар яъни қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат.

Дарҳақиқат, ҳар бир ҳуқуқий давлатда инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини эътироф этиш, уларга риоя этиш ва ҳимоя қилиш устувор вазифа бўлган давлатда қонунийлик алоҳида аҳамият эга бўлади, чунки қонунларга ҳар ким риоя қилган тақдирдагина ҳар бир инсон ўз ҳуқуқ ва эркинликларини чинакам амалга ошириши мумкин.

Қонун талабларининг ҳар қандай бузилиши у ёки бу даражада фуқарога кафолатланган ҳуқуқ ва эркинликларга риоя қилиш имкониятига таъсир қилади ва шубҳа остига қўяди, гарчи бу бузилиш бир қарашда кимнингдир манфаатларига бевосита дахлдор бўлмаса ҳам. Қонунларга риоя қилиш барча ҳокимият ва бошқарув органлари учун ҳуқуқий даражада мажбурийдир. Қонунга риоя қилиш нафақат давлат ва унинг органларининг, балки Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир фуқароси учун мажбурийдир. Инсон ва фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқаришда ўзга инсонларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 60-моддаси).

Мамлакатда қонун устуворлигини таъминлаш учун давлат махсус органлар ва муассасалар тизимини ташкил этиб, прокуратурага ҳуқуқни муҳофаза қилиш ролини юклади, бу эса фақат прокуратурага хос бўлган фаолият ҳисобланади.

Шундай қилиб, прокуратуранинг давлат органлари ва муассасалари тизими сифатидаги функцияси – бу Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган ижтимоий мақсадларни рўёбга чиқаришда аҳамиятли бўлиб, давлат механизмнинг таркибий қисми сифатида жисмоний ва юридик шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга оширади. Шунингдек, “Прокуратура тўғрисида”ги қонун ва бошқа қонунларда назарда тутилган асосий вазифалар яъни қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат.

**Дилшод ИСРОИЛОВ,**

*Судьялар олий мактаби*

*директорининг ўринбосари, доцент.*

## Фойдаланилган адабиётлар:

1. “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 25.12.2012 йилдаги ЎРҚ-344-сон.
2. Клочков В. В. Функции прокуратуры: понятие, соотношение с деятельностью, классификация // Прокуратура. Законность. Государственный контроль. Сб. науч. тр. М., 1995. С. 3.
3. Ўзбек тилининг изоҳли лугати. – Тошкент. 2006. 433 бет.
4. Сафонов А.П. Уроки истории Российской прокуратуры // Проблемы совершенствования прокурорского надзора (к 275-летию Российской прокуратуры): Матер, науч.-практ. конф. М., 1997. С. 33.
5. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2023.

# ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ САВОДХОНЛИГИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ

## АННОТАЦИЯ:

мақолада Миллий гвардия ҳарбий хизматчиларининг ҳуқуқий саводхонлигини шакллантириш усулларини кўрсатиш ва ҳарбий хизматни тартибга солувчи қонун ҳужжатларининг аҳамияти ҳамда ушбу соҳадаги асосий ҳужжат – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, миллий қонунчилик ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларини халқаро ҳуқуқ доирасида амалга оширишга оид бошқа нормалар мазмун-моҳияти баён этилган.

**Калит сўзлар:** энциклопедия, когнитив, мотивацион, гносеологик, интеграция, аспект, индивид, семантик, концепция, конструктив, контекст.

Ҳуқуқий саводхонликнинг оддий даражаси инсоннинг кундалик ҳаётига хос бўлиб, мустақил қарор қабул қилиш қобилиятида намоён бўлади ва тизимлаштирилган назарий билимларнинг мавжудлигини англатмайди, чунки у ҳуқуқий идрокка ва оммавий ҳуқуқий анъаналарга асосланади. Ҳуқуқий саводхонликнинг касбий (ихтисослаштирилган) даражаси амалий фаолияти ҳуқуқ соҳаси билан боғлиқ бўлган мутахассисларга (қоида тариқасида, адвокатлар) кундалик фаолиятида хосдир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 августдаги ПФ 3898-сон “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларининг маънавий-маърифий савиясини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари тизимида маънавий-тарбиявий ишлар самарадорлигини ошириш Концепциясининг 8-бандида куйидаги тушунчаларни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги кўрсатилган; ўзининг она Ватанига ва ўз касбига садоқат, ўзини фидо қилишга, миллий ва умуминсоний сифатларни оширишга, миллий маданият ва ҳаёт тарзига, қадриятларга, анъана ва одатларга асосланган дунёқарашни ривожлантириш; фуқаровий тотувлик ва диний бағрикенглик, миллатлараро тотувлик, диний масалаларни билиш ва бизнинг миллий ғояга қарама-қарши бўлган ғояларга танқидий муносабатда бўлиш, ғоявий иммунитетга эга бўлиш, ўзига ишониш, ҳушёр бўлиш ва эҳтиёткорлик.

Ҳарбий хизматчиларнинг мажбуриятларига куйидагилар қиради: а) Ҳарбий қасамёдга (мажбуриятга) содиқ бўлиш, Ўзбекистон Республикаси халқига фидокорона хизмат қилиш, Ўзбекистон Республикасини жасорат ва моҳирлик билан ҳимоя қилиш; б) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Ўзбекистон Республикаси қонунларига, умумий ҳарбий низомларнинг талабларига қатъий риоя қилиш ва қўмондонларнинг буйруқларини сўзсиз бажариш; в) ҳарбий шараф, ҳарбий шон-шухрат ва ҳарбий дўстликни қадрлаш; д) ҳарбий маҳоратни ошириш, қурол ва ҳарбий техникани доимий фойдаланишга шай ҳолатда сақлаш, ҳарбий мулкни асраш; е) интизомли, ҳушёр бўлиш, давлат ва ҳарбий сирларни сақлаш; г) халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган тамойиллари ва нормаларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига риоя қилиш.

Ҳуқуқий саводхонлик учта таркибий қисмга — когнитив (интеллектуал), мотивацион-қийматли ва тартибга солувчи (хулқ-атвор)га ажратилади. Ўз навбатида, шахснинг ҳуқуқий

саводхонлиги таркибида гносеологик (шахснинг ҳуқуқий онги, ҳуқуқ нормаларини билиши), қадриятга йўналтирилганлик (ҳуқуқий муносабатлар, ҳуқуқий қадриятлар йўналишлари) ва фаолият (қоидаларни амалга оширишга қаратилган қонуний хатти-ҳаракатларнинг барқарор шакллари) элементлари акс этади.

Миллий гвардия ҳарбий хизматчиларининг ҳуқуқий саводхонлигини шакллантириш жараёнига ҳарбий хизматнинг ўзига хос хусусиятлари сезиларли даражада таъсир қилади. Бу — ҳарбий фаолиятнинг юқори ижтимоий аҳамияти, ҳарбий бурчни бажариш учун масъулиятни ошириш, ўқув ва жанговар вазифаларни ўз вақтида бажариш билан боғлиқ хизмат вазифаларини виждонан бажаришга оид вазифаларни ўз ичига олади. Ҳарбий хизматни тартибга солувчи қонун ҳужжатларини ҳисобга олмасдан Миллий гвардия ҳарбий хизматчиларининг ҳуқуқий саводхонлигини шакллантириш усулларини белгилаш мумкин эмас. Ушбу соҳадаги асосий ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, миллий қонунчилик ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари; шунингдек, халқаро ҳуқуқ нормалари ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида ўз ифодасини топади.

**Ҳарбий хизматчиларнинг асосий ҳуқуқлари куйидагилардан иборат:**

- ҳарбий хизматчиларнинг эркинлиги, шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш;
- эркин ҳаракатланиш ва яшаш жойини танлаш ҳуқуқи;
- сўз эркинлиги;
- виждон ва дин эркинлиги;
- давлат ва жамият ишларини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқи;
- ишлаш ҳуқуқи;
- хизмат вақти ва дам олиш ҳуқуқи;
- ҳарбий нафақалар;
- соғлиқни сақлаш ва тиббий ёрдам олиш ҳуқуқи;
- таълим олиш ҳуқуқи ва маданий ҳуқуқлар;
- ҳарбий хизматчининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари устидан шикоят қилиш ҳуқуқи;
- ҳарбий хизматчиларга нисбатан суд жараёнида адвокат олишига ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш;
- ҳарбий хизматчиларни ҳарбий хизматдан бўшатиш ва ишга жойлаштириш ҳуқуқи.

Ҳуқуқий саводхонлик - бу ҳуқуқий қадриятлар, амалиёт ва тушунчаларни ҳуқуқий институтлар фаолиятига интеграциялаш ва ҳуқуқий матнларни талқин қилишда

фойдаланиш имконини берадиган махсус усул, шунинг учун уларнинг мазмунли фаолияти жамият сифатида қамраб олинади. Бизнингча, ҳуқуқий саводхонлик куйидаги мезонларга кўра ҳуқуқий тизимлар даражаларини фарқловчи маданий позициялар нуқтаи назаридан баҳоланади: 1) катта маданий (ҳуқуқий) оилалар ва улар ўртасидаги туб фарқларга кўра; 2) ҳар бир маданий катта оила доирасида қиёсий ҳуқуқий тадқиқотларни ҳисобга олган ҳолда; 3) бир хил ҳуқуқий тизимларни ҳуқуқий таққослашга асосланган. Шахснинг умумий маданиятининг мажбурий таркибий қисми сифатида ҳуқуқий саводхонлик шахснинг ҳуқуқий тушунчалар ва қонун ҳужжатларини билишини ўз ичига олади, қонунга ва ҳуқуқ тизими мутахассисларининг фаолиятига ҳурмат билан муносабатда бўлиш билан тавсифланади, шунингдек, бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳурмат қилишда намоён бўлади.

Шахснинг ҳуқуқий саводхонлигини ўрганишда шуни ҳисобга олиш керакки, шахснинг психологик тузилишига қараб, субъектнинг етакчи эҳтиёжлари ва қадриятлар тизимини танлаш, улар ҳаётий фаолиятининг мотивацион регуляторлари ва ҳаракатлар йўналиши бўлиб хизмат қилади.

Ҳуқуқшунос И.И.Балаклееснинг таъкидлашича, ҳуқуқий саводхонлик жамиятни фуқаролик фаолияти самарадорлигини ошириш йўлида бирлаштиради, у ҳуқуқий давлатчиликнинг кўрсаткичи бўлиб, ҳуқуқий қадриятларни, шунингдек, жамиятнинг ҳуқуқий соҳа ва ҳуқуқ назариясидаги ютуқлари натижаларини белгилайди.

Бу борада В.П.Салниковнинг концепцияси ўзига хосдир, ҳуқуқий саводхонлик ҳуқуқ ҳақидаги концептуал ғоялар ва конструктив ҳуқуқий сезгирлик нуқтаи назаридан, шунингдек, шахснинг қонун ижодкорлиги даражасидан келиб чиққан ҳолда кўриб чиқилади ва бунда ҳуқуқий ғоялар ҳуқуқий таълим учун асос бўлиб, қонунчиликни белгилайди. Демак, шахснинг ҳуқуқий саводхонлиги структурасини ўрганишга ҳуқуқий онг даражаси (назарий тайёргарлик) ва ҳуқуқий ҳодисаларни идрок этиш мазмуни нуқтаи назаридан, уларни амалий ўзлаштириш нуқтаи назаридан ёндашиш мумкин. Бу табақалаштирилган даражаларга кўра олимлар ҳуқуқий саводхонликнинг оддий (қундалик), касбий (ихтисослаштирилган) ва назарий (илмий) даражаларини ажратиб кўрсатадилар.

Шахснинг ҳуқуқий саводхонлигини аниқлашнинг назарий ва услубий ёндашувларини умумлаштириб, биз шундай хулосага келдикки, анъанавий равишда ушбу таъриф ҳуқуқий таълим, ҳуқуқий онг, шахснинг қонун чиқарувчи ижтимоий тизимнинг объективлигини идрок этишига ҳуқуқий баҳо бериш контекстида талқин қилинади. Шу маънода, анъанавий равишда шахснинг ҳуқуқий саводхонлиги ижтимоий онгнинг бир тури сифатида қабул қилинади ва шахснинг когнитив қобилиятлари (қонун қоидаларини билиш ва тушуниш, адолатга ишониш, мақсадга мувофиқлик ва уларни амалга ошириш зарурати) билан тавсифланади. Демак, ҳуқуқий саводхонликнинг муҳим белгилари: илмий (назарий) ҳуқуқий онг, оддий (оммавий) ҳуқуқий онг; ихтисослашган (профессионал) ҳуқуқий онгдан иборат.

Ҳуқуқий онг одамларнинг содир бўлаётган ёки ўзи хоҳлаган нарсага муносабатини ифодаловчи ғоялар ва

ҳиссий-баҳолаш муносабатларини ўз ичига олади. Ҳуқуқий онг – ижтимоий онг шакли, тартиб тушунчалар тизими сифатида қонуний тартибга солиш, оммавий ҳаёт, ҳаётий воқеликларни адолатли муурожаат ҳуқуқий мезонлари призмаси орқали шаклланади. "Ҳуқуқий онг" тоифаси "шахснинг ҳуқуқий саводхонлиги"нинг зарур таркибий қисми сифатида ишлайди. Бугунги кунда шахснинг ҳуқуқий саводхонлиги кўпгина илмий ишларда қонун ҳужжатларини, субъектив ҳуқуқ ва мажбуриятларни билиш, уларни амалга ошириш, ҳимоя қилиш қобилияти ва ҳоказолар сифатида белгиланади. Ва қуйидагиларни ўз ичига олади: мафкуравий-назарий ҳуқуқий ғоялар (мавжуд ёки исталган ҳуқуққа, умуман ҳуқуқий ҳаётга қарашлар тизими); ижобий ҳуқуқий туйғулар (қонунга ҳиссий муносабат, ҳуқуқий туйғулар); шахснинг ҳуқуқий соҳадаги ижодий фаолияти. Шу муносабат билан бизнинг вазифамиз шахснинг ҳуқуқий саводхонлигини янада кенгроқ миқёсда тақдим этиш, фаолият жиҳатида эътибор қаратиш, ундаги элементларнинг янада кенгроқ мажмуини ажратиб кўрсатишдир.

Ушбу ёндашувлардан келиб чиқиб, ҳуқуқий саводхонлик ҳуқуқий йўналишлар, ижодий фикрлаш ва ижодий ҳуқуқий идрок каби элементларни ҳисобга олишни назарда тутати. Бизнинг фикримизча, ҳуқуқий таълим жараёнининг самарадорлиги, ҳуқуқий кўникмаларни ривожлантириш мезони бўлиб хизмат қилади.

Юқоридаги қонунларни тушуниш учун ҳарбий хизматчилар ҳуқуқий билимга ва юқори даражадаги ҳуқуқий малакага эга бўлиши керак. Шу муносабат билан қонун ҳужжатларига мувофиқ, ҳарбий хизматни ўташ даврида давлат-ватанпарварлик ва ҳарбий тарбия билан бир қаторда, қўл остидагилар ва бошқа ҳарбий хизматчиларга ҳар куни шахсий таркибни ҳуқуқий тарбиялаш билан шуғулланиш мажбурияти юкланади. Муболағасиз айтиш мумкинки, ҳарбий хизматчилар томонидан ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва ҳарбий интизомни мустақамлаш бўйича барча вазифаларни муваффақиятли ҳал этишнинг энг муҳим шарти ҳуқуқий таълимнинг аниқ ташкил этилган тизимига боғлиқ.

**Олим УМБЕТОВ,**

*Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси  
Тошкент минтақавий ўқув маркази катта ўқитувчиси.*

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Балаклеец И.И. Правовая культура в условиях модернизации России: реалии, тенденции и перспективы : диссертация ... кандидата юридических наук. - Калининград, 2012. - 252 с.
2. Коротун А.В. Правовая компетенция социального педагога: теория и практика формирования в вузе: монография. - Екатеринбург: Ажур, 2014. - 210 с.
3. Правовая грамотность как основа развития гражданского общества. сборник статей Международной научно-практической конференции, 15 ноября 2019 г. / Аэтерна научно-издательский центр ; ответственный редактор: Сукиасян Асатур Альбертович. - Саратов : [б. и.] ; Уфа : Аэтерна, 2019. - 77 с.
4. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 08.08.2018 й., 07/18/3898/1622-сон.
5. Радченко П.А. Правовая компетентность офицера Вооруженных Сил Российской Федерации в контексте.
6. Сальников В.П. Правовая культура: проблемы формирования гражданского общества и правового государства // Демократия и законность. Самара, 1991. С. 152.



**Бекзод БАБАКУЛОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Ҳарбий судининг судьяси

## РЕАБИЛИТАЦИЯ ЭТИЛГАН ШАХСЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИНГ ТАСНИФИ

### АННОТАЦИЯ:

*ушбу мақолада реабилитация этилган шахсларнинг айрим мулкӣ, меҳнат, пенсия, уй-жой ва бошқа ҳуқуқлари илмӣ таҳлил қилиниб, уларни тиклашнинг қонунчилик асослари тадқиқ этилган.*

**Калит сўзлар:** меҳнат ҳуқуқи, уй-жой ҳуқуқи, пенсия, суд, реабилитация, жиноят процесси.

Мустақилликка эришилгунига қадар амалда бўлган жиноят процессуал қонунда реабилитация институти тан олинмаган, реабилитацияга оид етказилган зиёни қоплаш механизми деярли ишламас, маънавий зарарни ундиришни назарда тутмас, ғайриқонуний ушлаганлик, ҳибсда сақлаганлик ва бошқа мажбурлов чоралари қўллаганлик сабабли шахсга етказилган зиёни ундириш назарда тутилмаган ва сансалорликка йўл қўйиларди. Қонунга зид равишда жавобгарликка тортилган шахслар уларнинг қанча муддатга озодликдан маҳрум этилганлигига қарамай фақат икки ойлик иш ҳақи миқдоридан товуни пули олардилар.

Ҳуқуқшунос А.Саттаровнинг таъкидлашича, реабилитация масаласи Советларнинг Ўзбекистонда олиб борган қатағон сиёсатининг фожиали оқибатларини бартараф қилишда муҳим ҳуқуқий механизмлардан бири бўлди, бироқ шуни эътироф этиш лозимки, судлар қатағон қурбонларини фақатгина оқлаш билан чекланган бўлиб, уларнинг бошқа ҳуқуқлари тикланмасдан қолган.

Бугунги кундаги реабилитацияга оид қонунчилик ҳолати шундан далолат берадики, уни амалга оширишнинг механизмларини белгиловчи меъёрлар жиноят процессидан ташқари ҳуқуқ тизимининг (конституциявий ҳуқуқ, молия ҳуқуқи, бюджет ҳуқуқи, меҳнат ҳуқуқи, ижтимоий таъминот ҳуқуқи, уй-жой ҳуқуқи, ҳарбий ҳуқуқ каби) соҳаларида ҳам ўз ифодасини топган.

Конституциянинг 55-моддасига кўра ҳар кимга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органларининг ҳамда бошқа ташкилотларнинг, улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари ва ҳаракатсизлиги устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланди. Унда “реабилитация” сўзи ишлатилмасда, конституцион нормалар юридик табиатига кўра реабилитация моҳиятини акс эттириб, шахсни том маънода ноқонуний жиноий таъқиб ва ҳукмлардан муҳофаза қилиш, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини тиклашга йўналтирилган.

Шу маънода, соҳага оид илмий тадқиқотлар олиб борган олимлардан Д.Татьянин, Д.Хамадишин, А.В.Бажановларнинг реабилитация “комплекс институт” эканлиги ва уни амалга оширишни белгиловчи нормалар турли ҳуқуқ тармоқларига оидлиги ҳақидаги фикрлари ўринли бўлиб чиқади.

И.Петрухин, М.Пастухов ва А.Матвеевлар ҳам реабилитацияни кўп поғонали тармоқлараро ҳуқуқий институт деб талқин этишади.

С.Рогачёвнинг қайд этишича, реабилитация институтининг жиноят процессига ёки ҳуқуқнинг бошқа соҳаларига тегишли эканлиги масаласи илм-фан назариясида мунозарали масала, чунки ҳуқуқий тартибга солиш нафақат Жиноят-процессуал кодекси, балки бошқа қонунчилик мажмуи билан ҳам белгиланган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 174-моддасида “ҳодим билан меҳнат шартномаси тарафларнинг ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра, давлат органлари-

нинг ғайриқонуний қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида, шу жумладан ҳодимнинг қонунга хилоф равишда ҳукм қилиниши натижасида бекор қилинган тақдирда, унга етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаш ва маънавий зиёни компенсация қилиш қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади”, деб мустаҳкамланган.

Бундай ҳолатларда меҳнат шартномасини бекор қилиш асосларидан қатъи назар, ишга тиклаш тўғрисидаги меҳнат низолари Меҳнат кодексининг 558-моддаси тартибда бево-сита судда кўриб чиқилади. Ҳодим ғайриқонуний равишда бўшатиш деб топилиб илгариги ишига қайта тикланганда, унинг меҳнат дафтарчасига “\_\_ - сон рақамли ёзув бекор қилинди, олдинги ишига қайта тикланди”, – деб ёзилади.

Пенсия таъминотида оид қонунчиликда ҳам асосиз равишда жиноий жавобгарликка тортилган, қатағон қилинган ва кейинчалик оқланган фуқароларнинг қамокда бўлиш ва ҳибсда сақлаш жойларида турган вақти – бир ярим ҳисса баробарида уларнинг стажига имтиёзли тарзда қўшиб ҳисобланиши белгиланган. Бунда ёшга доир пенсия тайинлаш учун мурожаат қилган шахснинг аризасига бошқа ҳужжатлар қаторида реабилитация тўғрисидаги ҳужжатлар илова қилиниши талаб этилади.

Бизнинг фикримизча, Жиноят процессуал кодексининг 7-бўлимида реабилитация асослари, тартиби ва ҳуқуқий оқибатларига оид муҳим меъёрлар ишлаб чиқилган бўлсада, реабилитация механизмнинг нопроцессуал ёки моддий ҳуқуқий жиҳатлари айнан бошқа ҳуқуқ соҳалари, қонунчилик тармоқларида келтирилган.

Шу сабабли жиноят ва фуқаролик процессуал қонунчилигидан ташқари, меҳнат, уй-жой, пенсия, таълим, молия-бюджет, тиббиёт, ҳарбий ва бошқа соҳаларга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги реабилитацияга тегишли қондаларга мурожаат қилмасликнинг, Олий суд Пленумининг жиноят, фуқаролик, меҳнат қонунчилигининг судлар томонидан қўлланилиши амалиётига оид қарорларига ҳавола қилмасликнинг иложи йўқ.

А.Саттаров қайд этганидек, 1994 йилда қабул қилинган ЖПКда гарчанд муқаммал бўлмасда, реабилитация асослари, реабилитация этилишининг мулкӣ ва бошқа оқибатлари, мулкӣ зиёни қоплаш ҳажми ва тартиби, маънавий зиён оқибатларини бартараф қилиш, ҳуқуқларни даъво тартибда тиклаш масаласи тартибга солинган, қисман реабилитация асослари кенгайтирилиб, аксарият процессуал мажбурлов чоралари киритилган. Бундан ташқари жиноят процессига янги субъект “реабилитация этилган шахс” тушунчасининг киритилиши албатта ноҳақ айбланган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда муҳим қадам бўлди.

Д.Камалходжаевга кўра, “турли ҳуқуқ соҳалари нормалари ёрдамида айбсиз шахсларнинг ўз ҳуқуқларини тиклай олиши реабилитация кафолатлари ҳисобланади. Улар орасида энг катта мавқени ЖПКнинг 7-бўлимидаги нормалар эгаллайди”.

Тўғри, Жиноят процессуал кодексининг 302-моддасида “Реабилитация этилган шахс қонунга хилоф равишда ушлаб турилгани, эҳтиёт чораси сифатида қонунга хилоф равишда қамоқда сақлангани ёки уй қамоғига жойлаштирилгани, паспортининг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилиши қонунга хилоф равишда тўхтатиб турилгани, ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилингани туфайли вазифасидан қонунга хилоф равишда четлаштирилгани ёхуд тиббий муассасага қонунга хилоф равишда жойлаштирилгани натижасида унга етказилган мулкый зарарни ундириш ҳамда маънавий зиён оқибатлари бартараф этилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга” деб белгиланган.

Шунингдек, ЖПКнинг 310-моддасида жиноий таъқиб сабабли қонунга хилоф равишда четлаштирилган шахснинг ишга (лавозимига) тиклаш ва ишламаган вақтини стажга ҳисоблашдан иборат меҳнат ҳуқуқлари, ўқув юртидан ҳайдалган шахснинг таълим ҳуқуқлари, уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум бўлган шахснинг уй-жой ҳуқуқини тиклаш, паспорти (ҳаракатланиш ҳужжати) амал қилиши тўхтатиб турилган шахсга янги паспорт беришга оид қоидалар ўз ифодасини топган.

Бироқ, бизнинг фикримизча, кодексда шахснинг кўпроқ ижтимоий-иқтисодий манфаатига дахлдор ҳуқуқларини тиклаш ҳақида сўз юритилиб, 302-моддасида келтирилган “бошқа ҳуқуқлар” ибораси умумий тарзда қайд қилинган. Процессуал кодекснинг реабилитацияга оид диспозитив, ҳаволаки меъёрлари шахс ҳуқуқининг тўлақонли тикланишини таъминлай олмаслиги унинг механизми саёзлигини билдиради.

ЖПКнинг 18-моддасида “Шахс эгаллаб турган турар жой ёки бошқа бино ва ҳудудда тинтув ўтказиш, олиб қўйиш, кўздан кечириш, алоқа муассасаларида почта-телеграф жўнатмаларини хатлаб қўйиш ва уларни олиб қўйиш, телефонлар ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш, улар орқали узатиладиган ахборотни олиш фақат ушбу Кодексда белгиланган ҳолларда ва тартибда амалга оширилиши мумкин”лиги ва модданинг 2-қисмида “ишни юритиш жараёнида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузиш оқибатида унга етказилган зарар ушбу Кодексда белгиланган асослар ва тартибда ундирилиши лозим”, деб белгиланган.

Бироқ, шахснинг бузилган шахсий ҳуқуқларни (масалан, шахсий ва оилавий сирга оид маълумотлар ошкор этилиши, шахсга доир маълумотлар нотўғри ўзгартирилиши, шахснинг шаъни ва қадр-қимматига путур етиши) тиклаш хусусида қоидалар учрамайди.

Оқлов ҳукми эълон қилиниши билан шахснинг асосий ҳуқуқлари тиклансада, амалдаги мавжуд реабилитация қоидалари инсоннинг барча эркинликлари, ўз вақтида ололмай қолган ижтимоий имтиёзлари ёки бошқа кафолатларнинг барчасини олиш имконини бермайди. Масалан, реабилитация институтига оид нормаларида сиёсий ҳуқуқлар тартибга солинмаган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 4-моддасига кўра, суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайланиши мумкин эмас. Шунингдек, оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этганлик учун суднинг ҳукмига кўра озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайловда иштирок этиш ҳуқуқидан фақат қонунга мувофиқ ҳамда суднинг қарори асосида маҳрум этилиши мумкин. Демак, қонунчиликда белгиланган муддатда номзод сифатида рўйхатга олинмай қолган фуқаро ҳатто оқлов ҳукми чиққан тақдирда ҳам бу ҳуқуқидан фойдалана олмайди.

ЖПКнинг 302-моддасида шахснинг меҳнат қилиш, нафақа олиш, уй-жойдан фойдаланиш ва “бошқа ҳуқуқлари” қаторида

сиёсий ҳуқуқлари (давлат фуқаролик хизматида тиклаш), шахсий ҳуқуқлари (эркин ҳаракатланиш, давлат сирларини ташкил қилувчи маълумотлар билан ишлаш), иқтисодий ҳуқуқлари (лицензияланадиган фаолият билан шуғулланиш интеллектуал мулк ҳуқуқини тиклаш, банк операцияларини эркин амалга ошириш, шу жумладан кредит олувчи шахсларнинг қора рўйхатидан ўчириш), ижтимоий ҳуқуқларини (тиббий имтиёзларни ижтимоий нафақаларни олиш) тиклаш бўйича махсус реабилитация қоидаларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Демак, юқоридагилардан келиб чиқиб, реабилитация этилган шахслар ҳуқуқларини тиклашга оид қонунчиликни тартибга солиш механизми ва ҳолати юзасидан қуйидагича хулосаларга келиш мумкин:

Биринчидан, реабилитация механизмига оид процессуал ва моддий ҳуқуқ нормаларида қуйидагиларда ифодаланган айрим ҳуқуқий коллизиялар ва бўшлиқлар мавжуд (масалан, жиноят процесси иштирокчилари ичида оқланган ва реабилитация этилган шахснинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланмаган; терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган, суриштирув ва тергов органлари ёки суднинг мансабдор шахслари томонидан реабилитация этилган шахсларга етказилган ва давлат томонидан тўлаб берилган суммаларни ушбу айбдор шахслардан регресс тартибда ундириш йўلى-йўриги ва ҳисоботларини юритиш белгиланмаган).

Иккинчидан, айрим ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва Қуролли Кучлар тизимида реабилитация этилган ҳарбий хизматчиларнинг мулкый ва бошқа ҳуқуқларини тиклаш масалалари мураккаб хусусиятга эга. Яъни, бу тоифа шахслар ҳуқуқларини тиклашда махсус қонунчилик амал қилади. Хусусан, 2014 йил 4 мартда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизматининг қўшма қарорларига биноан “Реабилитация этилган ҳарбий хизматчиларнинг хизматга оид, пенсия олиш, уй-жойдан фойдаланиш ва бошқа шахсий ҳамда мулкый ҳуқуқларини тиклаш ва уларга етказилган мулкый зиённи қоплаш, маънавий зиён оқибатларини бартараф этиш тартиби тўғрисида” Низом тасдиқланган. Президент давлат хавфсизлик хизмати ва Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси, Электрон технологияларни ривожлантириш маркази янги ташкил этилган идоралар бўлиб, уларда ушбу ҳужжатлар ишлаб чиқилганлиги масаласи ёпиқлигича қолган. Шу боис, бизнинг фикримизча, махсус давлат хизматида оид қонунчиликда тегишли актларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш мақсадга мувофиқ.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Бажанов А.В. Возмещение имущественного вреда реабилитированному в уголовном судопроизводстве: автореф...дисс. канд. юрид. наук. - Москва, 2011 г. - С. 14.
2. Бетров С.А. Институт реабилитации в уголовном процессе России: автореф...дисс. канд. юрид. наук. - Санкт-Петербург, 2006 г. - 4 с.
3. Жиноят процессуал ҳуқуқи (умумий қисм). Дарслик. Муаллифлар жамоаси. - Тошкент: ТДЮУ нашриёти, 2017. - 400 б.
4. Камалходжаев Д. Реабилитация в уголовном процессе: автореф... дисс. канд. юрид. наук. - Ташкент, 1996 г. - С.12.
5. Матвеев А.Н. Правовой институт реабилитации в Российском уголовном процессе: автореф...дисс. канд. юрид. наук. - Москва, 2009 г. - С.16-17.
6. Рогачёв С.А. Реабилитация в уголовном процессе: автореф...дисс. канд. юрид. наук. -Москва, 2009 г. - С.5.
7. Сатторов А.Я. Жиноят процессида реабилитация институтини амалга ошириш механизмларини такомиллаштириш: юрид. фан. номз.дисс. - Тошкент, 2023. - 37, 43, 52 б.
8. Татьяна Д.В. Реабилитация в уголовном процессе России (понятие, виды, основания, процессуальный порядок): автореф...дисс. канд. юрид. наук. - Ижевск, 2005 г. - С.7.
9. Хамадишин Д.З. Механизм реабилитации лица в уголовном процессе: автореф...дисс. канд. юрид. наук. - Владимир, 2011 г. - С.11.

# ИХТИЁРИЙ ГУВОҲЛИК – ГУВОҲ ИММУНИТЕТИНИНГ МУҲИМ ЖИҲАТИ

## АННОТАЦИЯ:

мазкур мақолада гувоҳ иммунитети (гувоҳ бўлмаслик дахлсизлиги)нинг муҳим жиҳатлари таҳлил қилинган. Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчига яқин қариндош бўлган шахсларнинг ихтиёрий кўрсатув бериш масалалари атрофлича кўриб чиқилган. Миллий ва хорижий қонунчилик билан бирга олимларнинг фикрлари ҳам таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** ихтиёрий гувоҳ, иммунитет, одил судловга кўмаклашиш, яқин қариндошлар, жиноят процесси.

Жиноятни очиш жараёнида гувоҳнинг ўз ихтиёри билан кўрсатув бериш ҳуқуқи – гувоҳга оид иммунитет институтининг зарур субинститутларидан бири ҳисобланади. Зотан, муайян сабабларга кўра, айрим тоифадаги шахсларнинг гувоҳ сифатида кўрсатувлар бериш ёки бермаслик масаласини ўз ихтиёрларига биноан ҳал қилишлари жиноят процессида иштирок этувчи шахсларга берилган муҳим кафолатдир.

Бундай ҳолатда айрим тоифадаги шахсларнинг кўрсатув бериш мажбурияти, уларнинг ҳуқуқларига айланади.

Жиноят-процессуал қонунчилиги гувоҳ зиммасига юклайдиган процессуал вазифа, юридик тушунчада икки жиҳатни акс эттиради. Биринчидан, гувоҳнинг жиноят процессида амалга оширадиган вазифаси унинг бевосита мажбурияти билан боғлиқ.

Иккинчидан, гувоҳнинг жиноят ишини юритиш жараёнидаги асосий вазифаси – кўрсатув бериш унинг ҳуқуқи тарзида вужудга келади. Албатта, бундай ҳуқуқ жиноят ишида иштирок этадиган барча гувоҳларга тааллуқли эмас. Балки, фақат гувоҳ иммунитетига эга бўлган шахсларнинг айримларига тегишлидир. Жумладан гувоҳ сифатида кўрсатув бериш ҳуқуқи ЖПКнинг 116-моддасида назарда тутган шахсларга тааллуқлидир. Ушбу шахслар – гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг яқин қариндошлари ҳисобланиб, улар ЖПКнинг 116-моддасида ўрнатилган қоидага мувофиқ гумон қилинувчи, айбланувчининг шахсига оид маълумотлар ҳақида гувоҳ ёки жабрланувчи тариқасида фақат ўзларининг розиликлари билан сўроқ қилинишлари мумкин.

Аммо, Оила тўғрисидаги қонунчиликда “яқин қариндошлик” таснифи асосан қондошлик ришталари асосида шаклланган. Ҳаётда гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг ўғай ота-она, опа-сингил, ака-укаси ва бошқа шахслар ҳам яқин қариндошлари сифатида эътироф этилишлари мумкин. Ушбу шахсларга нисбатан ҳам гумон қилинувчи ёки айбланувчининг манфаатларига қарши кўрсатув беришдан воз кечиш талабига оид қоидалар тааллуқли бўлиши керак.

Бу борада хорижий мамлакатлар тажрибасига қарайдиган бўлсак бундай процессуал қоида Россия Федерацияси ЖПК (5-моддаси 40-банди), Арманистон Республикаси ЖПКнинг (86-моддаси 5-қисми 3-банди), Молдова ЖПК (90-моддаси 2 қисми) ва бошқа мустақил давлатларнинг қонунчиликларидан ўрин олган.

Жумладан, Россия Федерацияси ЖПКнинг 5-моддаси 40-бандига кўра, шахс ўзига ва ўзининг яқин қариндошларига нисбатан гувоҳлик кўрсатуви бермаслик ҳуқуқига эга. Айнан гувоҳнинг ўзига ва ўзининг яқинларига қарши кўрсатув беришдан воз кечиш ҳуқуқига эгаллиги ҳақидаги қоидалар Озарбайжон, Беларусь, Тожикистон, Қозоғистон ва бошқа мустақил республикалар қонунчиликларида назарда тутилган.

Юқорида қайд этилган деярли барча МДҲ давлатлари қонунлари гувоҳни ўзига ва ўзининг яқин қариндошларига қарши кўрсатув бериш мажбуриятидан озод этади. Ушбу қоидадан икки жиҳатни англаш мумкин. Биринчиси, бу процессуал нормаларда фойдаланилган “гувоҳ” тушунчаси ва иккинчиси гувоҳнинг гумон қилинувчига, айбланувчига ёки судланувчига “қарши гувоҳлик бериш” тушунчалари билан боғлиқ.

Биринчи тушунчанинг мазмуни шундан иборатки, юритилаётган жиноят ишида гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг яқин қариндошлари гувоҳ сифатида жиноят ишида иштирок этишлари мумкин. Иккинчи тушунчада бундай гувоҳлар жиноят ишига тааллуқли ҳолатлар юзасидан яқин қариндошлари бўлган гумон қилинувчига, айбланувчига ёки судланувчига “қарши кўрсатув бериш мажбурияти”дан озод этилганлар.

Шундай қилиб, ЖПКнинг 116-моддаси эътироф этган қонуннинг моҳиятини – гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг яқин қариндошлари томонидан гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчига тааллуқли ҳолатлар ҳақида ўз ихтиёрлари билан кўрсатув бериш ҳуқуқига эга эканлик тушунчаси ташкил қилади.

Ушбу масалага оид ҳолат оила-турмуш муносабатлари билан боғлиқ жиноят ишларини тергов қилиш чоғида бир мунча ўзига хос кўриниш олади. Жумладан, гувоҳларнинг аксар қисмига ўзларининг яқин қариндошларига тегишли ҳолатлар юзасидан сўроқ қилинаётганларида уларга розиликлари олиниши зарурлиги ҳақидаги ҳуқуқлари тушунтирилмайди. Ушбу масаланинг жиноят процессида шахснинг манфаатларига тўғридан-тўғри тааллуқли эканлигини инобатга олиб, мамлакатимиз ЖПКнинг 116-моддасига шундай ҳолатларни бартараф этувчи қоидаларни киритиш мақсадга мувофиқ.

Шу билан бирга ЖПКнинг 116-моддаси билан боғлиқ яна бир муаммони ҳал қилиш фурсати етган. Энди гувоҳнинг яқин қариндоши саналмиш гумон

қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг манфаатларига қарши кўрсатув бериш ҳуқуқидан фойдаланиши бир маротабаликми ёки кўп маротабаликми?, – деган саволга жавоб излаш керак. Бу масалада бир тушунчани аниқлаштириб олиш муҳим. Бу – шахснинг жиноят процессига қайси босқичдан гувоҳ сифатида жалб қилиниши билан боғлиқ. Масалан, суд муҳокама-масига чақирилган судланувчининг яқин қариндоши ҳисобланган кўшимча гувоҳлар ишнинг суд муҳокама-си босқичида шундай ҳуқуқдан фойдаланишлари мумкин. Дастлабки тергов даврида кўрсатув беришни ихтиёр этган гумон қилинувчи ёки айбланувчининг яқин қариндошлари жиноят процессининг барча босқичларида гувоҳ сифатида сўроқ қилинишлари лозим.

Юқоридаги фикрларга таяниб ҳамда аниқланган муаммонинг мазмунидан келиб чиқиб, ЖПК 116-моддасидаги қоидаларни такомиллаштириш зарур, деб ҳисоблаймиз. Назаримизда, ушбу вазифани бажаришда асосан тўрт жиҳатга эътибор қаратиш даркор.

Биринчиси, модданинг ҳозирги матнида қайд этилган яқин қариндошлар тушунчаси ва уларнинг доирасини аниқ белгилаш мақсадга мувофиқ.

Агар яқин қариндошлар тушунчасини аниқлашда мамлакатимиз Оила кодекси нормаларига таянадиган бўлсак, унда уларни тоифаларга бўлишимиз ва улар доирасини ҳаддан зиёд кенгайтиришимиз зарур. Шунингдек, уларнинг доирасидан бевосита бир оила сифатида шаклланган ва яшаб келувчи шахсларни чиқариб ташлаш лозим бўлади. Масалан: фарзандликка олган ва фарзандликка олинган шахслар, ўғай опа-сингиллар ва ака-укалар каби.

Иккинчи жиҳат – бу гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг яқин қариндошлари кўрсатувларининг мазмунига оиддир. Чунончи, ЖПКнинг 116-моддасида белгиланган “гумон қилинувчига, айбланувчига тааллуқли ҳолатлар ҳақида” жумласи аниқ процессуал-ҳуқуқий мазмунни акс эттирмайди.

Юқорида билдирилган фикрлардан хулоса қилиш мумкинки, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг яқин қариндошларига хос бўлган “кўрсатув бериш ихтиёри” кўпинча улар эга бўлган маълумотларнинг мазмуни билан бевосита боғлиқ.

Шу боис гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг яқин қариндошларини гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчига тааллуқли ҳолатлар ҳақида кўрсатув бермаслик ҳуқуқини кафолатлаш масаласини ушбу шахсларнинг (гувоҳларнинг) ҳамда жиноят процессида ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи иштирокчиларнинг (гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи) процессуал манфаатлари тушунчаси асосида ҳал қилиш зарур.

Айни шу масала ЖПК 116-моддасини такомиллаштиришнинг учинчи жиҳатини акс эттиради. Бошқача айтганда, жиноят иши бўйича гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг яқин қариндошлари гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчига тааллуқли ҳолатларни баён қилиш масаласида “сукут сақлаш” ҳуқуқи – гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг ва улар яқин қариндошларининг

манфаатларига зиён етказадиган, ҳимоя ҳуқуқларини поймол қиладиган мазмунга эга ҳолатлар ҳақидаги маълумотларни ошкор қилмаслик ҳуқуқи билан уйғун ҳолда тушунилиши лозим.

Ниҳоят, ЖПКнинг 116-моддасини такомиллаштиришда эътиборга олиниши лозим бўлган тўртинчи жиҳат – бу гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг яқин қариндоши сифатида жабрланувчининг гумон қилинувчига, айбланувчига ёки судланувчига тааллуқли ҳолатлар ҳақида ихтиёрий кўрсатув бериш масаласига аниқлик киритиш муаммоси билан боғлиқ.

Бу масала жиноят-процессуал қонунчилигининг эътиборидан четда қолган муаммолардан бири, десак муболаға бўлмайди. Чунки, ЖПК жабрланувчининг процессуал мақомини белгилашда унинг жиноят қурбони бўлганлигини, жиноятдан жисмоний, моддий ва маънавий зиён кўрганлигини эътиборга олган ҳолда, жабрланувчининг жиноят-процессуал муносабатларда иштирок этишини, ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни, ҳуллас жиноят процессининг тараф мақомида процессуал фаолият юритишни таъмин этувчи нормаларни шакллантирган. Унинг жиноят-процессуал муносабатлар механизмидаги иштироки қатъий ўринга эга. Жабрланувчининг ҳуқуқий мақоми, ҳуқуқ ва мажбуриятларига оид муаммолар кўплаб тадқиқотларнинг мавзусига айланган ва баҳсу мунозаралар марказида бўлган.

Жумладан, Е.Н.Клешинанинг фикрича, жиноят процессида жабрланувчининг иштирокини икки жиҳатда кўриб чиқиш мумкин. Биринчиси, моддий – жиноий-ҳуқуқий жиҳат бўлиб, у жабрланувчининг ҳуқуқ ва манфаатларига аниқ зарар етказилиши тушунчасида намоён бўлади. Иккинчиси, процессуал-ҳуқуқий тушунча саналиб, жиноий қилмиш оқибатида тақдим этилган ҳуқуқ ва мажбуриятлар воситасида ўзига етказилган зарарни исбот қилишда иштирок этади.

Д.П.Чекулаев бугунги қонунчилик нормасида жабрланувчи тушунчаси унинг процессуал мақомига мос келмаслигини таъкидлаб, жабрланувчига ўзининг таърифини беришга уринади. Олимнинг ёзишича, жабрланувчи – бу жиноят иши кўзғатилишига сабаб бўлган жиноят натижасида ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етказилган ёки етказилиш хавфи вужудга келган жисмоний шахсдир.

Мазкур фикрларни эътиборга олган ҳолда жабрланувчига берилган ЖПКдаги таърифни кўриб чиқадиган бўлсак, унга кўра жабрланувчи – бу жиноят натижасида ёки ижтимоий хавfli қилмиш оқибатида жисмоний, моддий ёки маънавий зарар етказилганлиги ҳақида етарли далиллар мавжуд бўлган шахсдир. Жабрланувчи деб топиш учун суриштирувчи, терговчи, прокурор қарор, суд эса ажрим чиқаради.

ЖПКнинг 55-моддасида жабрланувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланган. Унга мувофиқ жабрланувчи кўрсатув бериш ҳуқуқига эга. Бу дегани жабрланувчи жиноят иши ҳолатлари бўйича ўзида мавжуд бўлган маълумотларни суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судга тақдим этиш ҳуқуқига эга.

Бироқ, ушбу ҳуқуқ – ўзининг яқин қариндоши бўлган гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчига нисбатан амалга оширилиши мумкинлиги аниқ эмас. Зеро, модданинг биринчи қисмида жабрланувчининг ўзига қарши ёки яқин қариндошлари бўлган гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг манфаатларига зид кўрсатув беришдан озод бўлиш ҳуқуқи назарда тутилмайди. Аксинча, мазкур модданинг иккинчи қисми – жабрланувчининг зиммасига ҳаққоний кўрсатувлар бериш мажбуриятини юклайди.

Бундай ҳолатда жабрланувчи ўзининг яқин қариндоши – гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчига нисбатан кўрсатув беришдан воз кечиш ҳуқуқига эга эмас. Негаки, бир вақтнинг ўзида яқин қариндошларига кўрсатув беришдан тийилиш ҳуқуқи (ЖПКнинг 116-моддаси) ҳамда кўрсатув беришдан бош тортмаслик мажбурияти (ЖПКнинг 55-моддаси) ўзаро зиддиятли тушунчалардир.

Ушбу муаммонинг икки ечимини таклиф этиш мумкин. Биринчиси, жиноят процесси моделларида мавжуд бўлган процессуал муносабатларни тартибга солиш методига асосланади. Масалан “инглиз”ча жиноят процесси шаклига монанд равишда “жабрланувчи”нинг мақомини белгилаш. Яъни, англо-америкача судлов юритувининг процессуал ҳуқуқий анъаналарига кўра жабрланувчи тараф мақомида бўлмай, балки айблов тарафининг асосий гувоҳи ҳисобланади. Иккинчиси, жиноятдан жабр кўрган шахс жабрланувчи деб расмийлаштирилиши биланок ўзининг яқин қариндоши – гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчига тааллуқли ҳолатлар бўйича кўрсатув беришдан воз кечиш ҳуқуқидан маҳрум этилиши лозим.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг бугун амалда бўлган ЖПК 25-моддасида ҳам жабрланувчи айблов тарафига тааллуқли субъект сифатида эътироф этилган. Бу дегани жиноят процессида жабрланувчи ўзининг процессуал манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатларига эга, шулардан бири жиноят иши бўйича кўрсатув бериш ҳуқуқидир.

ЖПКнинг 325-моддасида жабрланувчининг шикоятига асосан жиноят иши қўзғатиш тартиби белгиланган.

Агарда жиноят иши ЖПКнинг 325-моддаси тартибида қўзғатилган бўлса, мазкур ишда жабрланувчи ўзининг яқин қариндоши – гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчига тааллуқли ҳолатлар бўйича кўрсатув бериш мажбуриятини бажариши лозим бўлади. Демак, ушбу масалада шаклланган амалиёт ҳамда процессуал нормалардаги айрим қоидаларнинг таҳлили натижаларига қарайдиган бўлсак, жабрланувчининг яқин қариндоши – гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчига тааллуқли ҳолатлар бўйича кўрсатув беришдан тийилиш ҳуқуқи деярли ишламай келмоқда.

ЖПКнинг 116-моддаси тақдим этадиган ўзига ва яқин қариндошларига қарши кўрсатув бериш мажбуриятдан озод бўлиш ҳуқуқи гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ва уларнинг яқин қариндошларига

тақдим этилган ҳимоя ҳуқуқининг муҳим элементи ва процессуал-ҳуқуқий кафолати ҳисобланади. Уларнинг ҳимоя ҳуқуқларини чеклаш фақат суд томонида ушбу масалани муҳокама қилиш орқали ҳал қилиниши зарур.

Шунингдек, модданинг ушбу қисмига таклиф қилинаётган ўзгартиришнинг муҳим жиҳати шундаки, унда гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг яқин қариндошлари бир вақтнинг ўзида ҳам гувоҳлик иммунитетидан озод бўладилар ҳам маълум қилган хабарларининг мазмунидан келиб чиқиб, шу заҳотиёқ жиноий жавобгарликка тортилишдан ҳимоя қилиниш имтиёзига эга бўладилар. Яъни, агар гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг яқин қариндошлари маълум қилган хабарларда ўзларининг хатти-ҳаракатларида жиноят аломатлари мавжудлигини кўрсатувчи маълумотлар мавжуд бўлса, уларни одил судловга кўмак берувчи шахс сифатида жиноий жавобгарликдан озод этиш ўринлидир. Мазкур норма жиноят-процессуал ҳуқуқида айнан рағбатлантирувчи нормага айланади. Ўз ўрнида айтиш лозимки, гувоҳлик иммунитетидан халос бўлиш билан боғлиқ процессуал тартиб (агар қонунчиликка жорий этиладиган бўлса) мутлақо янги тушунча сифатида жиноят-процессуал ҳуқуқидан жой олади.

Шундай қилиб, айрим шахсларнинг кўрсатув бериш мажбуриятдан озод бўлиш ҳуқуқи ҳамда ушбу шахсларни гувоҳлик иммунитетидан озод этиш масалалари кўпқиррали, мураккаб ва долзарб муаммо ҳисобланади. Шубҳасиз мазкур масаланинг тўғри ечимини топиш одил судлов самарасини ошириш, иш бўйича объектив ҳақиқатни аниқлаш учун кенгроқ имкон яратади.

**Азизбек ПЎЛАТОВ,**  
*Судьялар олий мактаби  
ўқитувчиси, ю.ф.д.*


## Фойдаланилган адабиётлар:

1. Клещина Е. Н. Проблемы потерпевшего в уголовном судопроизводстве: //Общество и право. 2004, № 4 (6). –С. 129-130.
2. Тошўлатов А. П. Ёлгон гувоҳликнинг жиноят ҳуқуқий ва криминалогик жиҳатлари. –Т.: ЎзР ФА И.М. Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти нашриёти.,2000. – Б.29.
3. Уголовно-процессуальный кодекс Российской Федерации. Федеральный закон от 18 декабря 2001 года N174-ФЗ.
4. Уголовно-процессуальный кодекс Азербайджанской Республики. Закон Азербайджанской Республики от 14 июля 2000 года № 907-ІГ.
5. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Беларусь. file://localhost/E:/Fah.
6. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Таджикистан. [http://continent-online.com/Document/?doc\\_id=30594304#pos=5;-150](http://continent-online.com/Document/?doc_id=30594304#pos=5;-150)
7. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Эстония <https://www.juristaitab.ee/sites/www.juristaitab.ee/files/elfinder/ruseadused/%D0%A3>.
8. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Беларусь. file://localhost/E:/Fah.
9. Чекулаев Д. П. Потерпевший в уголовном судопроизводстве: доступ к правосудию и компенсация причиненного ущерба. Автореф. дисс... канд.юрид.наук. Волгоград, 2005. –С. 9.



## ЎЗИНИ ЎЗИ ЎЛДИРИШ ДАРАЖАСИГА ЕТКАЗИШНИНГ ПРОФИЛАКТИК ЧОРАЛАРИ

*Жиноят учун жазо бергандан кўра, унинг олдини олган маъқуллиги умумэтироф этилган ҳақиқат. Бу – ҳар қандай ижобий қонунчиликнинг бош вазифасидир. Ҳозирги вақтда ҳуқуқбузарликлар ва бошқа гайриижтимоий, салбий ҳодисаларга нисбатан қўлланилган “жиноятчиликнинг олдини олиш”, “профилактика қилиш”, “огоҳлантириш”, “тўхтатиш”, “барҳам бериш” каби атамалар нафақат махсус адабиётларда, балки ҳар хил норматив ҳужжатларда, шунингдек вақтли матбуотда ҳам кўп учрайди.*



**Аброр МУХИДДИНОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Жиноят ҳуқуқи кафедраси катта ўқитувчиси, ю.ф.д (PhD)

Ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказишнинг олдини олиш ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг умумий, махсус, яқка ва виктимологик каби тўртта турини қўллаш орқали амалга оширишни тақозо этади.

Хусусан, ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказишнинг умумий профилактикаси ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасаларнинг мазкур жиноятнинг олдини олиш, унинг содир этилиши сабаблари ва унга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этишга қаратилган фаолиятдан иборат. Бу чора-тадбирлар моддий ва маънавий фаровонликни ошириш, шунингдек, ижтимоий кафолатлар ва имтиёзларнинг мавжудлиги ва кенглигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар мажмуи бўлибгина қолмай, балки жиноятчиликка қарши курашишнинг инновацион усуллари ва методларини жорий этиш бўйича сиёсий ислохотлар ўтказишни ҳам талаб этади.

Шунингдек, гоёвий, маънавий-маърифий ва ватанпарварлик тарбиясида тўғри йўналишни йўлга қўйиш, бепул махсус касб-хунар ва олий таълим олиш имкониятини таъминлаш имконини беради. Сабаби, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг мазкур тури аҳоли ўртасидаги ҳуқуқий тарғиботдек самарадор чора-тадбирни ўз ичига олади. Зеро, мазкур чора-тадбир ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг асосий мақсади ҳам ҳисобланади.

Шундай қилиб, ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказишнинг умумий профилактикаси самарали тур ҳисобланади, дейишимиз мумкин. Чунки, умумий профилактика жуда кўп мақсад ва вазифаларни қамраб олади.

Умумий профилактиканинг аҳоли ўртасида ҳуқуқий тарғибот ўтказиш чора-тадбири ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш жиноятининг камайишига ўзининг сезиларли ҳиссасини қўшади. Зеро, ўз қилмишининг ҳуқуқий оқибатини билган, ушбу жиноятни содир қилишга мойил шахс ўз жиноий қилмишидан ўз вақтида ихтиёрий қайтади. Шунингдек, ҳуқуқларини билган ва жабрланиш эҳтимолидаги шахс ўз ҳуқуқлари поймол бўлишининг олдини олади.

Ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказишнинг умумий профилактик чора-тадбирлари ҳақида фикр юритилар экан, ушбу жиноятнинг асосий салмоғи кузатилаётган

соҳага алоҳида эътибор қаратишимиз лозим бўлади. Юқорида таъкидлаганимиздек, ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш жиноятининг асосий қисми оилавий-маиший соҳада содир этилмоқда. Шу боис ҳам бу соҳадаги жиноятларнинг барвақт олдини олишга қаратилган профилактик чора-тадбирларни қонунда белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 сентябрь куни “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ЎРҚ-561-сон қонуни қабул қилинган бўлиб, унда хотин-қизларга нисбатан турли хил тазйиқ ва зўравонликларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар ҳамда айрим органларнинг бу борадаги ваколатлари белгилаб қўйилган. Шунингдек, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасининг зўравонликдан жабрланганларни реабилитация қилиш ва мослаштириш марказларида ижтимоий реабилитация қилишга ҳамда ўз жонига қасд этишнинг олдини олишга доир тадбирлар ўтказиш вазифаси белгилаб қўйилган бўлса-да, бу ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш жиноятининг олдини олишга тўла-тўқис ҳисса қўшади дея олмаيمиз.

Бундан ташқари, ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш жиноятдан фақат аёллар эмас, балки, вояга етмаган болалар ва қариялар ҳам азият чекади.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, оила-турмуш доирасида зўравонлик натижасида кўпроқ аёллар, болалар, кексалар ва ногиронлар жабр кўради. Жумладан, ҳар йили аёлларнинг 38 фоизи ҳамда 1,5 миллиардгача болалар оиладаги турли хилдаги зўравонликка, Европада эса ҳар беш нафар боладан бири жинсий зўравонликка дучор бўлмоқда.

Бизнингча, оиладаги зўравонликдан жабр кўрган ва жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларнинг зўравонлик қурбони бўлиб қолишларининг олдини олиш чораларини белгилаб берувчи норматив ҳуқуқий ҳужжатларга аниқ чораларни белгиловчи ўзгартиришлар киритиш ниҳоятда долзарб.

Аёлларни турли хил тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш ва уларга нисбатан турли хил зўрлик ишлатилишининг олдини олиш борасидаги чоралар, Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунида аниқ белгилаб қўйилган. Бироқ, оилада аёллар билан биргаликда

эркак (кўпинча ожиз аҳволдаги, қария, вояга етмаган ва ногирон)ларга нисбатан ҳам зўрлик ишлатилиши мумкин. Ваҳоланки, миллий қонунчилигимизда эркакларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш борасидаги чоралар белгиланмаган.

Шубоис, Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни 44-моддасини “оиладаги тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчига, шунингдек шахсларга тазйиқ ўтказаетган ёки уларга нисбатан зўравонлик содир этган шахсга ёхуд бир гуруҳ шахсларга нисбатан ҳимоя ордерини бериш” деган мазмундаги алоҳида хатбоши билан тўлдириш мақсадга мувофиқдир.

Шунингдек, қонуннинг 24-моддасида ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси ва уни амалга ошириш асослари келтирилган бўлиб, оиладаги тазйиқ ва зўравонликнинг кўпайиши ва бунинг натижасида жабр кўрган шахслар ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари кўрсаткичларининг ошиб бориши, қонунга айнан оилада тазйиқ ва зўравонлик содир этишга мойил бўлган ва ушбу ҳуқуқбузарликларни содир этган шахслар билан амалга ошириладиган махсус профилактик чора-тадбирларни белгилаб берувчи кўшимча киритиш нақадар долзарб аҳамият касб этишини кўрсатади.

Статистик маълумотларга кўра оилавий низолар ўз вақтида ҳал этилмаганлиги оқибатида 14 379 та ҳуқуқбузарлик содир этилган бўлиб, уларнинг 50 фоиздан ортиги (7 264 таси) Тошкент, Бухоро, Самарқанд ва Фарғона вилоятлари ҳиссасига тўғри келади. Шунингдек, ўз жонига қасд қилиш ҳолатларининг ҳар олтинчиси (3 829 тадан 600 таси, 15,6 фоизи) айнан ўз вақтида ҳал этилмаган оилавий келишмовчиликлар туфайли содир этилган.

Бундан ташқари, ўз жонига қасд қилиш ҳолатларининг аксариятида вақтида унинг олдини олиш чоралари мавжуд бўлган бўлса-да, бунга жойлардаги мутасадди ҳокимлар, сектор раҳбарлари томонидан жамоат ташкилотлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда олиб борилиши лозим бўлган чора-тадбирларга етарли эътибор қаратилмаганликлари натижасида уларнинг салмоғи ортмоқда дейиш мумкин.

Бу эса ўз навбатида ўзини ўзи бошқариш органларининг бу борадаги вазифаларини қонунда аниқ белгилаб қўйишни тақозо этади.

Юқоридагиларни инobatга олиб, Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуни 21-моддасига фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ваколатлари сифатида оила-турмуш доирасидаги зўравонликларнинг олдини олишда фаол иштирокини таъминлашни белгиловчи вазифа киритиш мақсадга мувофиқ.

Ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказишнинг махсус профилактикасини амалга оширишда бевосита умумий профилактик чора-тадбирлар мезонига таянилади. Бинобарин, умумий профилактика чора-тадбирлари махсус чора-тадбирлар учун манба ва асос бўлиб хизмат қилади, бундай умумий ижтимоий профилактиканинг самарадорлиги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишнинг бошқа махсус тадбирлари билан уйғунлиги, мослашувчанлиги ва мувофиқлигига боғлиқ.

**Ҳуқуқбузарликнинг махсус профилактикаси чора-тадбирлари ўз навбатида ҳажми, йўналиши, ҳудудийлиги, таъсир қилиш механизми ва шакли, ишлаб чиқиш ва қўллаш предмети бўйича таснифланади. Ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказишнинг олдини олишга қаратилган махсус чора-тадбирлар шартли равишда уч турга бўлинади:**

- 1) қонуний чоралар;
- 2) огоҳлантириш предметида кўра (ихтисослаштирилган ва ихтисослаштирилмаган);
- 3) ҳуқуқбузарнинг шахси билан боғлиқ.

Ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш жиноятининг махсус профилактикаси республикада, минтақа ёки шаҳар-туман миқёсида ёхуд алоҳида кичик ҳудуд ва объектда ушбу жиноятларнинг профилактикаси, уларнинг содир этилиш сабабларини ва уларга имкон берган шарт-шароитларни бартараф этишга, айрим тоифадаги шахсларни аниқлаш ва уларга профилактик таъсир кўрсатиш мақсадида амалга оширилади.

Мисол учун, бу тадбирлар режасида суициднинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш, айрим тоифадаги шахсларни аниқлаш ва уларга профилактик таъсир кўрсатишга қаратилган профилактик чора-тадбирлар ҳам ўз ифодасини топади.

Махсус тадбирларнинг ишлаб чиқилиши деганда, соҳавий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тасдиқланган махсус тадбирларнинг намунавий режалари ишлаб чиқилиши, мазкур махсус тадбирларнинг мавсумий ёки бошқа асослар юзага келганда ўтказилиши, куч ва воситалар ҳамда вазифаларнинг тақсимланиши кабиларнинг белгиланиши тушунилади.

Шунингдек, таъкидлаш жоизки ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш жиноятининг якка тартибдаги профилактикаси самарали профилактик йўналиш саналади унинг мақсади – ғайриижтимоий хулқ-атворли, ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш жиноятини содир этишга мойил бўлган, ушбу жиноятни илгари содир этган шахсларни аниқлаш, уларнинг ҳисобини юритиш ва уларга тарбиявий таъсир кўрсатишдан иборатдир.

Суицид даражасига етказиш жиноятининг якка тартибдаги профилактикаси самарали эканлигини яққол намоён этувчи асосий хусусиятларидан бири шундаки, унда шахснинг, унинг ижтимоий муҳитининг ўзига хос хусусиятлари, ижтимоий-маиший шароитлари ва турмуш тарзи, шахснинг ғайриижтимоий хулқ-атворини, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойиллигини, шунингдек содир этилган ҳуқуқбузарликнинг ижтимоий хавфлилик даражасини тавсифловчи бошқа омиллар ҳисобга олинган ҳолда белгиланади.

**Якка тартибдаги профилактика фаолияти ўзаро боғланган бир неча босқичдан ташкил топади:**

- хулқ-атвори, кайфияти ва қарашлари улар жиноят содир этиши мумкинлигидан далолат берувчи шахсларни аниқлаш;
- ушбу шахсларни ва уларга салбий таъсир кўрсатувчи манбаларни ўрганиш;
- бундай шахслар жиноят содир эта олмаслиги учун мумкин қадар ижобий муҳитни вужудга келтириш;

- салбий таъсир манбаларини бартараф этиш;
- жиноят содир этишига мойил шахсларга тарбиявий таъсир кўрсатиш (зарур ҳолда мажбурий тарзда);
- мазкур шахсларнинг хулқ-атвори ва турмуш тарзини назорат қилиш;
- олиб борилаётган иш натижаларини вақти-вақти билан текшириб туриш.

Юқорида таъкидлаганимиздек, биз кўриб чиқаётган жиноятда ўлим жабрланувчининг ўзи томонидан содир этилишини инobatга олиб, виктимологик профилактикага алоҳида эътибор қаратиш лозим.

**Ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикасини тадқиқ қилган ҳуқуқшунос олимлар И.Исмаилов ва Қ.А.Сайтқуловлар виктимологик профилактика чора-тадбирлар:**

- а) ҳуқуқбузарликдан жабрланиш эҳтимоли мавжуд бўлган;
- б) гайриижтимоий хулқ-атворли;
- в) ҳуқуқбузарлик содир этишига мойил бўлган;
- г) ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларга нисбатан амалга оширилади, деб ҳисоблайдилар.

Виктимологик профилактика учта асосий: махсус ва умумий ва яқка тартибнинг ўзаро боғлиқлигини ўрганиш даражасида олиб борилади.

Олимларнинг жиноятлар профилактикаси объектларига нисбатан ушбу талқинлари фақат шахс билан чекланган бўлиб, жамоат тартиби, фуқаролар хавфсизлиги, уларнинг ҳаёти каби масалалар унинг эътиборидан четда қолган.

Баъзи адабиётларда эса ҳуқуқбузарликлар профилактикаси амалиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш жинояти профилактикаси объектлари сифатида бир томондан, шахсда жамиятга зид йўналишни шакллантирувчи, воқеа ва жараёнларни, иккинчи томондан ушбу жиноятларнинг сабаб ва шароитлари, криминоген вазиятлар ҳамда бошқа детерминантларни тушуниш лозимлиги фикри илгари сурилиб, жиноятлар умумий профилактикаси объекти тариқасида жамиятда жиноятларнинг бўлишини тақозо қилувчи ва уни озиклантирувчи ижтимоий муносабатлар, асосан салбий хусусиятга эга бўлган ҳодиса, воқеа ва жараёнлар қамраб олиниши эътироф этилади.

**Демак, ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш жиноятининг виктимологик профилактикаси чора-тадбирларига қуйидагиларни келтириб ўтишимиз мумкин:**

- ➔ ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказишдан жабрланувчиларга нисбатан шахснинг индивидуал ва ижтимоий-психологик хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда профилактика тадбирларини ўтказиш;
- ➔ аҳолига, шу жумладан ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказишдан жабрланувчиларга шахслар ўртасидаги низоларни ҳал этиш усулларини ўргатиш;
- ➔ ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказишдан жабрланувчиларни аниқлаш ва ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирларни кўриш;

➔ ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказишдан жабрланувчиларга ёрдам кўрсатувчи ихтисослаштирилган муассасаларни ташкил этиш;

➔ ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказишдан жабрланувчининг жисмоний ва психологик хавфсизлигини таъминлашга қаратилган махсус комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, уни қонунда назарда тутилган ўзини ўзи мудофаа қилиш усуллари ва воситалари тўғрисида хабардор қилиш;

➔ гайриижтимоий хулқ-атвор нисбатан тез-тез кузатиладиган ёки ҳуқуқбузарликлар тез-тез содир бўлиб турадиган жойларни (ҳудудларни) мунтазам равишда назорат қилиш;

➔ ҳужум қилинган тақдирда зарурий мудофаа ва охири зарурат ҳақидаги маълумотларни кенг тарқатиш йўли билан аҳолига ҳуқуқий тарбия ва таълим бериш;

➔ жабрланувчиларга нисбатан ўтказилаётган турли хил таҳдидлар, тазйиқ, зўравонлик, шаън ва қадр қимматни камситишга қаратилган ҳар қандай жабр-зулмлар тўғрисида ахборот олиш мақсадида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муассаса ҳузурида ишонч, тезкор алоқа телефонларини, қутқарув хизматларини ташкил этиш;

➔ профилактика дастурлари ва тадбирлари лойиҳаларининг оммавий муҳокамаларини ташкил этиш, уларни амалга ошириш жараёнида муаммолар ва камчиликларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш мақсадида жаҳон Интернет ахборот тармоғида веб-сайтлар, блоглар, чатлар ташкил қилиш.

Юқоридагилардан хулоса қилиб, мазкур профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш, шунингдек, ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказишнинг олдини олиш бўйича илгари кўрсатилган чора-тадбирларни самарали қўллаш мазкур жиноятлар салмоғининг сезиларли даражада камайишига ёрдам беради дейишимиз мумкин.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Абдурасулова Қ.Р. Криминология. Дарслик. Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. М.Х.Рустамбоев. –Т.: ТДҶОИ нашриёти, 2008. Б-99.
2. Насилие в семье. [Электрон манба] – URL: <http://www.maailmakool.ee/wp-content/uploads/2017/11/prezentacyja-hlava-10.pdf>. (мурожаат вақти: 08.12.2021).
3. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 02.09.2019 йилдаги ЎРҚ-561-сон. [Электрон манба] – URL: <https://lex.uz/docs/4494709?ONDATE2=21.04.2021&action=compare> (мурожаат вақти: 01.10.2021).
4. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2021 йил 12 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларнинг профилактикаси ҳолати тўғрисидаги 2020 йил якуни бўйича ахбороти ҳақида”ги СҚ-245-IV-сон қарори. [Электрон манба] – URL: <https://lex.uz/docs/5343161>(мурожаат вақти: 01.10.2021).
5. Чуфаровский Ю.В. Криминология в вопросах и ответах: учеб. пособие. М.: Проспект, 2018. С. 55.
6. Криминология: учебник / отв. ред. В. Е. Эминов. М.: Проспект, 2015. С. 116.
7. Долгова А.И. Криминология. – 4-е изд., перераб. и доп. М.: Норма: ИНФРА-М, 2016. С. 269.
8. Исмаилов И., Сайтқулов Қ.А. Ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикаси чора-тадбирлари // Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуни ижросини таъминлашнинг асосий йўналишлари: Республика илмий-амалий конференция материаллари (2015 йил 12 март). – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, 2015. – Б.56.
9. Ниёзова С.С. Шахсга қарши зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларнинг виктимологик профилактикаси. Монография. //Т.:ТДҶОУ. 2017.– Б.34.

# КОНТРАБАНДА ЖИНОЯТИНИНГ ИЖТИМОЙ ХАВФЛИЛИГИ

## АННОТАЦИЯ:

Ушбу мақолада ижтимоий хавфлилик тушунчаси ва контрабанда жиноятининг ижтимоий хавфлилиги ҳақида батафсил маълумотлар берилган бўлиб, бу жиноятнинг ижтимоий хавфи бўйича олимларнинг фикрларига, чет эл давлатлари қонунчилигидаги бу масалага оид нормаларга тўхталиб ўтилган. Шунингдек, контрабанда жиноятининг бугунги кунда давлатимиз ҳаётидаги ижтимоий хавфи нималарда акс этаётганлиги ёритиб берилган.

**Калит сўзлар:** контрабанда, жиноятчилик, ижтимоий хавфлилик, иқтисодий контрабанда, чегара, контрабанда жинояти предметлари.





Контрабанда жиноятининг ижтимоий хавфини таҳлил қилишга бағишланган махсус адабиётларда бу масала кенг ёритилмаган. Илмий манбаларда асосан “контрабанданинг ижтимоий хавфи - давлатнинг ташқи савдо монополиясига жуда катта зарар етказиши мумкинлиги” ҳақида айтилади. Айрим тадқиқотларда контрабанда хавфи “асосан халқаро уюшган жиноятчилик билан белгиланади ва қоида тариқасида гиёҳвандлик воситалари, психотроп, токсик, захарли моддалар, курол-яроғ, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ва бошқаларнинг ноқонуний айланиши билан” боғлиқдир.

Контрабанданинг ижтимоий хавфлигининг ўзига хос хусусиятларининг энг тўлиқ тавсифи ўз вақтида профессорлар С.В.Дяков, А.А.Игнатиев ва М.П.Карпушин томонидан таклиф қилинган бўлиб, улар ушбу тажовузнинг зарарли хусусиятлари, унинг жамият учун ортиб бораётган хавфини очиб беришга ҳаракат қилган. Жумладан: 1) давлат монополияси, ташқи савдо бузилади; 2) бюджетга импорт қилинадиган товарлардан белгиланган божлар тушмаганлиги сабабли давлатга тўғридан-тўғри иқтисодий зарар етказилади; 3) мамлакатда курол ва ўқ-дорилар контрабандаси муносабати билан жамоат хавфсизлиги манфаатлари бузилади; 4) контрабандачиларга катта миқдордаги пулни ташкил этадиган даромад олиш учун замин яратилади; 5) чет элда контрабанда пуллари маълум доиралар томонидан давлат ҳудудида хорижий разведка хизматларининг душманлик фаолиятини молиялаштириш учун ишлатилиши мумкин.

Муаллифларнинг фикрига кўра, “контрабанданинг зарарли хусусиятларининг ҳар бири унинг ижтимоий хавфининг ўзига хос хусусиятларидан бирини тавсифлайди”. Бундан ташқари, ушбу хусусиятларнинг фақат энг тўлиқ ўрнатилган тўплами, кўриб чиқиладиган жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги тўғрисида яхлит тасаввур яратади. Ушбу қоидани ёдда тутган ҳолда, юқоридаги баъзи хусусиятларни конкретлаштириш, шунингдек, контрабанданинг ижтимоий хавфлигининг бошқа обектив кўринишларини аниқлаш керак. Бошқача айтганда, ижтимоий хавфлилик содир этилган ҳаракатнинг ижтимоий оқибатларини ифодалайди, гарчи контрабанда, унинг меъёрий ва конструктив хусусиятлари бўйича расмий таркибга эга жиноятларни англатса ҳам.

Контрабанданинг ижтимоий хавфлигининг иқтисодий жиҳати шундан иборатки, у давлатда ўрнатилган ташқи савдо фаолияти тартибини сезиларли даражада бузади, шунингдек, тегишли жисмоний ва юридик шахслар томонидан товарлар, транспорт воситалари ва бошқа предметлар божхона чегараси орқали олиб ўтилганлиги учун уларнинг амалга оширадиган божхона тўловлари ва бошқа тўловлардан даромад олинмаганлиги сабабли давлат бюджетининг даромад қисмини камайтиради.

**Божхона тўловлари Божхона кодексининг 289-моддаси билан тартибга солинади, унга мувофиқ божхона чегарасидан ўтишда ва ушбу норматив ҳужжатда назарда тутилган бошқа ҳолларда қуйидаги тўловлар жисмоний ва юридик шахслар – декларантлар томонидан тўланади:**

-  божхона божи;
-  қўшилган қиймат солиғи;
-  аксиз солиғи;
-  божхона йиғимлари.

Қонунчиликда бошқа божхона тўловлари ҳам белгиланиши мумкин.

Айни пайтда, товарлар контрабанда қилинганда, давлат бюджетига тушиши керак бўлган пулларнинг жуда катта миқдори йўқолишига олиб келади.

Шундай қилиб, божхона тўловлари давлат бюджетининг даромад қисмини шакллантиришнинг асосий манбаларидан бири ҳисобланади.

Божхона контрабандасида давлат ва жамият манфаатларига катта зиён келтирадигани — бу курол-яроғ, наркотиклар ва одам савдоси билан боғлиқ қонунбузилиши ҳолатларидир.

Курол-яроғ ва ўқ-дориларнинг давлат ҳудудига ноқонуний кириб келиши ёки транзит мақсадларида кириб келган курол-яроғлар Ўзбекистон Республикасида яшаётган фарз ниятли кишилар қўлига тушиши натижа-сида кўплаб инсонларни ҳаётдан айириши ёки соғлигининг тикланмас даражада ёмонлашишига сабаб бўлиши мумкин. Агарда ноқонуний курол-яроғ ёки портловчи моддаларни, давлат тузумига қарши гуруҳлар, шахслар ёки диний экстремистик оқим фаоллари қўлга киритса, мазкур ҳолат нафақат фуқаролар балки давлат ва жа-

миятга ҳам жиддий зарар етказиши, кўплаб шахслар қурбон бўлишига сабаб бўлиши мумкин.

Кўриб чиқилаётган жиноятнинг ижтимоий хавфлиги-нинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш нуқтаи назаридан гиёҳванд моддалар контрабандаси алоҳида эътиборга лойиқдир. Мазкур жиноятнинг бу турдаги предметларини аниқлаш ва олиб қўйиш божхона хизмати ва чегара қўшинларининг энг муҳим вазифаларидан биридир.

Гиёҳванд моддалар контрабандаси нафақат жамият учун катта хавф туғдиради, балки у ҳар қандай давлатнинг энг юқори ижтимоий қадриятларидан бири - одамларнинг соғлигига путур етказиши, ноқонуний гиёҳванд моддалар бозорини тўлдирди ва мазкур моддалар сонининг кўпайишига олиб келади, гиёҳванд моддаларнинг тарқалиши ва истеъмол қилинишига бевосита ҳисса қўшади, ваҳоланки, гиёҳванд моддалар савдоси энг юқори жиноий фойда келтиради.

Гиёҳванд моддалар контрабандаси, улардан фойдаланишга одатланиб қолган шахслар томонидан содир этилган ўғирлик, талончилик ва товламачиликнинг кўпайиши билан боғлиқдир. Бу миллатнинг генофондини объектив равишда бузади ҳамда давлат ва унинг халқининг миллий хавфсизлигига, уларнинг ҳаётий манфаатларига ҳақиқий таҳдид соладиган омилга айланди.

### Наркотизациянинг муҳим босқичлари қуйидагилардан иборат:

- Бошланғич эйфория, қисқа вақт давом этади;
- Толерантлик;
- Богланишлик;
- Абстиненция;

Ҳозирги пайтда наркотик моддаларнинг дорихоналарда ва тиббий муассасаларда сотилиши қатъиян ман этилади (айрим истисно ҳолатлардан бошқа). Давлат томонидан оний, морфий, кокаин, гашиш каби наркотик моддаларнинг назорат қилиниши бошқа моддалар - токсикоманик моддаларнинг истеъмол қилинишига олиб келди. Токсикоманик моддалар психотроп моддалар ҳисобланиб, уларнинг муттасил истеъмоли инсон организми заҳарланишига сабаб бўлади.

Жиноятчиликка қарши кураш амалиёти шуни кўрсатадики, контрабанда бошқа бир қатор ўта хавфли тажовузларни келтириб чиқаради. Контрабанда объект белгиларининг ўзига хос хусусиятлари туфайли у Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят кодекси махсус қисми моддаларида назарда тутилган жиноятларнинг бошқа элементларига ўхшамайди. Шунинг учун ушбу жиноятни ҳуқуқий таҳлил қилишда уни бошқа ҳар қандай жиноятлардан (божхона қонунчилигини бузиш жиноятдан бошқа) ажратиш муаммоси юзага келмайди. Бироқ, бу бошқа жиноятларнинг ба-жарилиши учун шароит яратадиган бир қатор тажовузлар билан бирга келади. Ушбу жиноятларга нисбатан контрабанда фаол криминоген омил бўлиб хизмат қилади, бу унинг ижтимоий хавфлигининг яна бир томонини белгилайди, шу билан бирга хавф даражасини оширади.

Юқоридагилар шуни кўрсатадики, контрабанда натижасида келиб чиқадиган жиноятлар доираси жуда кенг. Аммо кўриб чиқилаётган тажовузнинг ижтимоий хавфини яна бир хусусияти бор. Бу замонавий контрабанданинг айрим шакллари уюшган жиноятчилик тузилмалари, жумладан чет элда фаолият юритадиган халқаро мафия гуруҳлари билан тобора кўпроқ боғлиқлигидан иборатдир.

Контрабанда уюшган жиноятчиликнинг жиноий кўринишларининг доирасига кирган. Бу жиноят қимор ўйинлари, фоҳишабозлик, гиёҳванд моддалар ва қурол-яроғ савдоси билан бир қаторда ўта юқори жиноий даромадларни олишнинг асосий манбаларидан бирига айлантирилган. Шундай қилиб, контрабанда миллий ва халқаро уюшган жиноятчиликнинг жиноий шакллари типик ташқи хусусиятларига эга бўлди. Бу хусусият контрабанданинг криминалогик хусусияти бўлиб, унинг ҳозирги даврда ижтимоий хавфлилик даражаси ошишининг яна бир томонини белгилаб берди.

Маълумки, контрабандачи товарлар ёки бошқа қимматбаҳо буюмларнинг божхона чегараси орқали ноқонуний олиб ўтилиши натижасида ҳар доим маълум бир жиноий (иқтисодий ва ахлоқий жиҳатдан асосиз) моддий фойда олади. Контрабанда содир этиш орқали шахс товарларни ёки бошқа қимматбаҳо нарсаларни тасарруф этиш, шу жумладан уларни қайта тақсимлаш учун ҳақиқий имкониятга эга бўлади. Бундан ташқари, контрабанда ҳар доим белгиланган бож ёки бошқа божхона тўловларини (ҚҚС, аксиз солиғи, йиғимлар) тўлашдан бўйин товлаш орқали субъектни ноқонуний бойитиш билан боғлиқдир.

Профессор М.П.Карпушин шундай деб ёзган эди: “контрабанданинг хавфи шундаки, уни содир этиш орқали алоҳида заиф иродали фуқаролар (неустойчивые граждане) ўзларини жамият ҳисобидан бойитиш – бировнинг ҳисобидан яшаш, ишлаб топилмаган даромад олиш имкониятига эга бўладилар”.

Шу ўринда, айрим хорижий давлатлар жиноят қонунчилигида контрабанданинг ижтимоий хавфи юқори бўлган жиноят сифатида жорий этилганлигига тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Бу эса ўз навбатида контрабанда жиноятининг жамият хавфсизлиги, инсон саломатлиги ва давлат суверенитетига хавфини ҳамда мазкур жиноят тури жорий этилишининг ижтимоий зарурияти глобал миқёсидаги амалга оширилишини англаб олиш имконини беради.

Хусусан, Туркменистон Республикасида контрабанда жинояти божхона назоратини четлаб ёки божхона назоратидан яшириб ёхуд божхона ҳужжатлари ёки виситаларига ўхшатиб ясалган ҳужжатлардан алдаш йўли билан фойдаланиб, декларациясиз ёки бошқа номга ёзилган декларациядан фойдаланиб ўтказилиши учун алоҳида рухсат талаб этиладиган товар ва предметларни Туркменистон Республикасининг божхона чегарасидан ўтказишда ифодаланиб, қонун билан тақиқланган ижтимоий хавфли қилмиш ҳисобланади.

2015-йил 1-январдан кучга кирган Қозоғистон Жиноят кодексининг 234-моддасида ҳам Иқтисодий

контрабанда учун жавобгарлик белгиланган. Унга кўра, Божхона иттифоқига аъзо давлатлар чегарасидан ўтказилиши тақиқланган ёки ўтказиш учун тегишли рұхсат талаб этиладиган товар ёки бошқа предметларни божхона назоратини четлаб ёки божхона назоратидан яшириб ёхуд божхона ҳужжатлари ёки воситаларига ўхшатиб ясаган ҳужжатлардан алдаш йўли билан фойдаланган ҳолда ёки декларациясиз ёхуд бошқа номга ёзилган декларациядан фойдаланиб кўп миқдорда ўтказганлик учун жавобгарлик назарда тутилган. Шунингдек, фуқаролик муомаласидан чиқарилган ёки фуқаролик муомаласи чекланган предметлар контрабандаси учун ҳам жиноий жавобгарлик белгиланган. Мазкур жиноят объектив томондан Божхона иттифоқига аъзо давлатлар чегарасидан муомаладан чиқарилган ёки муомаласи чекланган товар ёхуд бошқа предметларни божхона назоратини четлаб ёки божхона назоратидан яшириб ёхуд божхона ҳужжатлари ёки воситаларига ўхшатиб ясалган ҳужжатлардан алдаш йўли билан фойдаланган ҳолда ёки декларациясиз ёхуд бошқа номга ёзилган декларациядан фойдаланиб ўтказганликда ифодаланади.

Россия Федерациясида кучли таъсир қилувчи захарли, захарловчи, портловчи моддалар, радиоактив материаллар, радиация манбалари, ядровий материаллар, ўқотар қуроллар ёки уларнинг асосий қисмлари, портловчи қурилмалар, ўқ-дорилар, бошқа қуроллар, бошқа ҳарбий техника, шунингдек хом ашё, материаллар, қурол ёки ҳарбий техникани яратишда ишлатилиши мумкин бўлган ускуналар, технологиялар, илмий-техник маълумотлар ёки интеллектуал фаолият натижалари контрабанда жиноятининг предмети ҳисобланиб, уларни Россия ҳудудига олиб кирилиши қонун билан тақиқланган. Шунингдек, Россияда алоҳида муҳофаза этиладиган давлатнинг маданий ёдгорликлари, айрим ёввойи ҳайвонлар ҳамда табиий флора ва фаунаси ҳам давлат муҳофазасига олинган бўлиб, уларнинг давлат чегарасидан олиб чиқилиши ҳам контрабанда жинояти сифатида қаралади.

Шунингдек, миллий қонунчилигимизда кучли таъсир қилувчи захарли, захарловчи, радиоактив, портловчи моддалар, портлатиш қурилмалари, қурол-яроғ, ўқотар қурол ёки ўқ-дорилар, гиёвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ёки диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастликни тарғиб қилувчи материаллар, ядровий, кимёвий, биологик ва оммавий қирғин қуролининг бошқа турлари, шундай қуролларни яратишда фойдаланилиши мумкинлиги аён бўлган материал ва мосламалар контрабанда жиноятининг предмети бўлиб ҳисобланса, Россия, АҚШ, Германия, Англия, Франция, Қозғистон, Грузия каби мамлакатларда юқорида номи тилга олинган ашёлар билан биргаликда, истеъмол товарлари, ноёб маданият ва санъат асарлари, алкоголь, тамаки маҳсулотлари ҳам контрабанда жиноятининг предмети бўлиб ҳисобланади.

Кўпгина мамлакатлар томонидан контрабанда жинояти энг хавфли жиноят турларидан бири сифатида эътироф этилмоқда. Давлат чегаралари мавжуд экан контрабанда жинояти содир этилаверади. АҚШ, Германия, Англия, Франция каби ривожланган мам-

лакатларда ҳам контрабанда жиноятлари содир этилиши давом этилаётганлиги бунинг ёрқин далилидир. Бу давлатлар ўз олдига бундай турдаги жиноятнинг олдини бутунлай олишни мақсад қилиб қўймаган. Улар асосий эътиборни жиноятчилик кўрсаткичларининг камайтирилишига эришишга қаратганлар.

Контрабанда жиноятининг ижтимоий хавфлилиги ва унга нисбатан жиноий жавобгарликнинг заруриятига оид юқорида келтирилган фикрлар ҳамда контрабандага жиноий жавобгарлик белгиланишига оид қонунчилик нормаларига асосланган ҳолда қуйидаги таклифни келтириб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Жиноят кодексининг 246-моддаси учинчи қисмига *“Башарти, ушбу модда кўрсатилган жиноят иштирокчиликда содир этилиши режалаштирилган бўлиб, иштирокчилардан бири ёки бир нечтаси ўз қилмиши тўғрисида ҳокимият органларига ихтиёрий равишда хабар қилиб, жиноятни очишга фаол ёрдам берган ва бунинг натижасида жиноятнинг олди олинган бўлса, жазодан озод қилинади”*, деган жумлани киритиш мақсадга мувофиқ.

Зеро, контрабанда жинояти трансмиллий жиноят бўлганлиги учун шахсларнинг бир гуруҳга ёки уюшган гуруҳга бирлашиши ёхуд унинг манфатларини кўзлаган ҳолда содир этилиши мумкин. Мазкур таклифни келтиришдан мақсад режалаштирилаётган контрабанда жиноятини олдини олиш яъни, жиноят иштирокчиликда содир этилганда иштирокчиларнинг жиноят охирига етмасидан бу йўлдан қайтишига имкон яратиш. Сабаби, режалаштирилаётган контрабанданинг олдини олиш, содир этилган контрабандани бартараф этишдан кўра фойдалироқ.

Шундай қилиб, юқорида айтилган фикр ва мулоҳазалар контрабанда хавфининг юқори даражага эга эканлигини ва унга қарши давлат ва халқаро даражада самарали ҳужумкор кураш зарурлигини кўрсатади. Кўриб чиқилаётган мазкур жиноятни баҳолашга ва унинг барча зарарли хусусиятларини аниқлашга фақат тизимли, комплекс ёндашув қодирдир.

**Саламат УТЕБАЕВ,**

*Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети докторанти.*

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Беспалько В.Г. Доказывание по делам о контрабанде: Автореф. дис канд. юрид. наук М., 2001.
2. Дьяков С.В., Игнатъев А.А., Карпушин М.П. Ответственность за государственные преступления. М., 1988. С. 158 - 159.
3. Икромов Л.Т. Суд кимёсидан амалий машгулот. Электрон дарслик. 2005 йил, 239-бет.
4. Курс советского уголовного права. Т. 3, Л., 1973. С. 292.
5. Курс советского уголовного права. Часть Общая. Л., 1968. Т.1. С. 260.
6. Ляпунов Ю.И. Общественная опасность деяния как универсальная категория советского уголовного права. М., 1989.
7. См.: Организованная преступность - 3. М., 1996. С. 65.
8. Уголовный кодекс Республики Туркменистана. [хтпс://онлайн.закон.кз/Досумент/?дос\\_ид=31295286](http://онлайн.закон.кз/Досумент/?дос_ид=31295286)
9. Уголовный кодекс Республики Казахстан [хтпс://онлайн.закон.кз/досумент/?дос\\_ид=31575252](http://онлайн.закон.кз/досумент/?дос_ид=31575252)
10. Уголовный кодекс Российской Федерации [хтп://www.консультант.ру/досумент/сонс\\_дос\\_ЛАВ\\_10699](http://www.консультант.ру/досумент/сонс_дос_ЛАВ_10699).

## ЯНГИ МЕҲНАТ КОДЕКСИДА СУДГА МУРОЖААТ ҚИЛИШНИНГ МУДДАТЛАРИ

**Яхши ходим билан ташкилот ўртасида низо юзага келмайди, деган фикрни бугун замон ёқламайди. Чунки, меҳнат қонунчилигидаги ўзгаришлар ходим манфаатини биринчи ўринга қўяр экан, иш берувчи билан қайсидир масалада ўзаро келишмовчилик келиб чиқиши тайин.**

Табиийки, меҳнат муносабатларига оид низолар йилдан-йилга кўпайиб бормоқда ва даъво аризаларининг қанотланганлиги кўрсаткичи ҳам юқори бўлмоқда. Ушбу ҳолат иш берувчилар томонидан меҳнат тўғрисидаги қонунчилик нормаларига тўлиқ риоя этилмаётганлигидан далолат беради. Чунки, эски тахрирдаги Меҳнат кодексида 294 та модда мавжуд бўлган бўлса, янги тахрирдаги Меҳнат кодекси 581 та моддадан иборат. Бу эса судьяларнинг янги тахрирдаги Меҳнат кодекси талабларини ўзлаштириши ва мукамал ўрганиши, уни амалиётга татбиқ қилиши учун муайян суд амалиётини шакллантиришни талаб этади.

Янги Меҳнат кодексининг қабул қилиниши муносабати билан суд амалиётида меҳнат муносабатларидан келиб чиқадиган фуқаролик ишларини кўриш жараёнида юзага келаётган муаммоларнинг ечимини топиш ва бир хилдаги суд амалиётини шакллантириш мақсадида эски тахрирдаги Олий суд Пленумининг "Судлар томонидан меҳнат шартномасини бекор қилишни тартибга солувчи қонунларнинг қўлланилиши ҳақида"ги 1998 йил 17 апрелдаги 12-сонли қарорини қайта кўриб чиқиш зарурияти туғилди.

2023 йил 20 ноябрда янги тахрирдаги Олий суд Пленумининг "Судлар томонидан меҳнат шартномаси (контракт) ни бекор қилишни тартибга солувчи қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Ушбу Пленум қарорини тайёрлашдан мақсад меҳнат низоларининг айрим тоифаларини кўриб чиқишнинг ўзига хос хусусиятларини таҳлилий шарҳлаш орқали қонунларнинг тўғри ва бир хилда қўлланилишини таъминлашдан иборатдир. Бу қарорда меҳнат қонунчилиги нормаларини амалда қўллашнинг турли жиҳатлари кўрсатиб ўтилган.

**Янги Меҳнат кодексига фуқаролик-ҳуқуқий шартномасини тузиш ва мазкур шартнома асосида юзага келган муносабатларни якка тартибдаги меҳнатга оид муносабатлар, деб эътироф этиш масаласида янги норма киритилди. Шунингдек, янги Меҳнат кодексида судга мурожаат қилишнинг муддатлари юзасидан ҳам ўзгаришлар киритилди.**

Эски тахрирдаги Меҳнат кодексида ишга тиклаш низолари бўйича ходимга у билан меҳнат шартномаси бекор қилингани ҳақидаги буйруқнинг нусхаси берилган кундан бошлаб, бир ой муддат белгиланган эди. Янги Меҳнат кодексида ушбу муддат, яъни ишга тиклаш тўғрисидаги низолар бўйича ходимга у билан меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги ҳақидаги иш берувчи буйруғининг нусхаси топширилган кундан эътиборан уч ой этиб белгиланди. Ушбу ҳолат ҳам ходимларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва ҳимоя қилиш учун муҳим аҳамият касб этади.



**Шахноза МУХАММАТКУЛОВА,**  
фуқаролик ишлари бўйича  
Ургут туман судининг судьяси

Шу муносабат билан Пленум қарорининг 6- ва 7-бандларида меҳнат шартномаси бекор қилинган куни ходим йўқ бўлганлиги ёки ҳужжатларни олишни рад этганлиги муносабати билан унга меҳнат дафтарчасини ёхуд электрон меҳнат дафтарчасидан кўчирмани ҳамда меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги буйруқнинг кўчирма нусхасини бериш имконияти бўлмаган тақдирда, иш берувчи кейинги иш кунидан кечиктирмай ходимга меҳнат дафтарчасини олиш учун келиши ёхуд меҳнат дафтарчаси почта орқали юборилишига розилик бериши зарурлиги ҳақида билдиришнома юбориши шартлигига ҳамда иш берувчи ходимнинг меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги буйруқнинг кўчирма нусхасини почта орқали юбориш учун розилигини олмасдан почта жўнатмасини топшириш ҳақидаги билдиришнома билан юборишга ҳақли эканлигига судларнинг эътиборини қаратиш ҳақида тушунтиришлар берилди.

Хусусан, суд амалиётида меҳнат шартномасини бекор қилишда эски тахрирдаги Меҳнат кодексининг 97-моддаси (тарафларнинг келишуви билан) ва 99-моддаси (ходимнинг ташаббуси билан) қайд этилган нормалар юзасидан кўплаб низолар келиб чиқарди, шу сабабли янги Меҳнат кодексида меҳнат шартномасини тарафларнинг келишуви билан бекор қилишда тарафларнинг келишуви меҳнат шартномасига доир қўшимча келишув билан ёзма шаклда расмийлаштирилиши, унда меҳнат шартномаси бекор қилинадиган сана, қўшимча келишув тузилган сана ва тарафларнинг реквизиитлари кўрсатилиши шартлиги ҳақида янги норма киритилди. Шунингдек, янги Меҳнат кодексида дастлабки синов муддатлари юзасидан ҳам ўзгаришлар ўрин олди.

Эски тахрирдаги Меҳнат кодексида дастлабки синов муддати уч ойдан ошиб кетиши мумкин эмаслиги белгиланган эди. Янги Меҳнат кодексида дастлабки синов муддати уч ойдан, ташкилотларнинг раҳбарлари ва ўринбосарлари, бош бухгалтерлар ҳамда ташкилотлар алоҳида бўлинмаларнинг раҳбарлари учун эса олти ойдан ошмаслиги кераклиги белгиланди. Шу муносабат билан Пленум қарорининг 10- ва 11-бандларида меҳнат шартномасида дастлабки синов шартлари батафсил баён қилинган.

Қарорнинг 12-бандида эса судлар дастлабки синовдан ўта олмаганлиги сабабли ходим билан меҳнат шартномасини иш берувчи ташаббусига кўра бекор қилинишининг қонунийлигига оид даъволарни кўришда иш берувчи бундай асослар билан фақат дастлабки синовнинг натижалари қониқарсиз бўлгандагина меҳнат шартномасини бекор қилишга ҳақли эканлиги, ходимнинг меҳнат шартномасида белгиланган ишни бажара олмаслиги аниқ фактлар асосида тасдиқланган бўлиши лозимлиги ҳақида батафсил тушунтиришлар берилган.

Демак, меҳнат ҳуқуқи бузилган ҳар қандай ходим судга мурожаат қилар экан, даъвоси адолатли қарор топишига умид қилиши судларга бўлган ишончининг илк қадамидир.

## ФУҚАРОЛИК СУДЛАРИДА ДАВЛАТ БОЖИНИ УНДИРИШ МАСАЛАЛАРИ

**Фуқаролик судларига мурожаат қилишда ва иш якуни бўйича тўланадиган давлат божи миқдорини ҳисоблаш судьяларга катта масъулияят юклайди.**

**Чунки, давлат божи мажбурий тўловлар қаторида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини шакллантиришнинг таркибий қисмини ташкил этади.**

Фуқаролик ишлари бўйича судларда давлат божини тўлаш билан боғлиқ масалалар Ўзбекистон Республикасининг “Давлат божи тўғрисида”ги қонуни, Фуқаролик процессуал кодексининг 13-боби, Олий суд Пленумининг 2009 йил 24 ноябрдаги “Фуқаролик ишлари бўйича суд харажатларини ундириш амалиёти тўғрисида”ги 14-сон қарори билан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат божи тўғрисида”ги қонуни 3-моддасига мувофиқ давлат божи деганда, юридик аҳамиятга молик ҳаракатларни амалга оширганлик ва (ёки) бундай ҳаракатлар учун ваколатли муассасалар ёки мансабдор шахслар томонидан ҳужжатлар берганлик учун олинadиган мажбурий тўлов тушунилади.

Ҳар қандай манфаатдор шахс бузилган ёки низолашиладиган ҳуқуқи ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат қилар экан унда, қандай аризалар бўйича давлат божи тўланади?, – деган савол туғилиши табиий.

### **“Давлат божи тўғрисида”ги қонуннинг 5-моддасида фуқаролик ишлари бўйича давлат божи қуйидагилардан ундирилиши белгиланган:**

*судларга бериладиган даъво аризаларидан, алоҳида тартибда юритиладиган ишларга доир аризалардан;*

*ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорлари юзасидан низолашиш ҳақидаги аризалардан;*

*ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорларини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги аризалардан;*

*чет давлат судининг ҳамда чет давлат ҳакамлик суди (арбитражи)нинг ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш ҳақидаги аризалардан;*

*ҳужжатларнинг дубликатларини ва кўчирма нусхаларини (шу жумладан, такрорий равишда бериладиган суд ҳужжатларининг кўчирма нусхаларини) берганлик учун.*

### **Шунингдек, қуйидаги суд ҳужжатларига нисбатан келтирилган апелляция, кассация, тафтиш шикоятларидан:**

*ҳал қилув қарорлари устидан;*

*иш юритишни тугатиш тўғрисидаги, даъвони кўрмасдан қолдириш тўғрисидаги, суд жарималарини солиш тўғрисидаги ажримлар устидан;*

*ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорлари юзасидан низолашиш ҳақидаги ажримлар устидан;*

*ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорларини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ажримлар устидан;*

*чет давлат судининг ҳамда чет давлат ҳакамлик суди (арбитражи)нинг ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги ажримлар устидан.*

Судларга мурожаат қилишда тўланиши лозим бўлган давлат божи миқдори арз қилинган талабнинг мулкый ёки номулкый эканлигига боғлиқ бўлади ва Давлат божи ставкалари бўйича аниқланади.

Даъвогарнинг талаби мулкый хусусиятга эга бўлган ҳолларда давлат божи даъво баҳосининг 4 фоизидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Мулкый хусусиятга эга бўлган, бир неча мустақил талаблардан иборат даъво аризаларидан, умумий даъво суммасидан келиб чиққан ҳолда давлат божи ундирилади.

Бир неча мустақил талабларни ўз ичига олган, номулкый хусусиятга эга бўлган даъво аризаларидан ҳар бир талаб учун алоҳида давлат божи ундирилади.

Шунингдек, бир вақтнинг ўзида мулкый ва номулкый характерга эга бўлган мустақил талаблардан иборат бўлган аризалардан давлат божи ҳар бир талаб бўйича алоҳида, мулкый ва номулкый характердаги аризалар учун белгиланган тегишли ставкалар бўйича ундирилади.

Даъво суммаси кўпайтирилганда давлат божининг етишмаётган қисми даъво миқдорининг кўпайтирилганлиги инобатга олинган



баҳосига мувофиқ ундирилади, даъвогар томонидан даъво талаблари камайтирилганда эса, давлат божи қайта ҳисоблаб чиқилмайди.

Жисмоний ва юридик шахслар судга мурожаат қилар экан, юқоридаги кўрсатилган ҳолатлар бўйича давлат божининг барчасини бир йўла тўлаши шарт, деган хулосага келмаслиги керак.

Чунки, ФПКнинг 133-моддаси талабига кўра, суд тарафларнинг мулкӣ аҳволига қараб, улардан бири ёки иккаласининг давлат даромадига ундириладиган давлат божи миқдорини тўлашни кечиктириши ёки бўлиб-бўлиб тўлашга йўл қўйиши, шунингдек бу харажатларнинг миқдорини камайтириши мумкин.

Мазкур масалани ҳал қилишда, суд давлат божининг қиймати ёки бир йўла тўлашга қурби етмаслиги ҳолатларини тасдиқловчи ҳолатлар мавжудлиги ҳақидаги далилларни (масалан, иш ҳақи, бошқа даромадлари, банкда маблағи мавжудлиги, унинг эғалигида бўлган мулклар ҳақидаги маълумот, вояга етмаган фарзандлари, бошқа боқимандалари борлиги ва бошқа маълумотларни) текшириши лозим.

Қонуннинг 8-моддасида фуқаролик ишлари бўйича судларда давлат божини тўлашдан озод қилинадиган жами 43 та субъектлар рўйхати белгиланган.

**Шу ўринда, судларда давлат божини ундиришнинг айрим ўзига хос хусусиятлари ҳақида қуйидагиларни кўрсатиб ўтиш лозим:**

*Қонуннинг 19-моддасига кўра, давлат божини тўлашдан озод қилинган даъвогар ўз талабларини даъво берилганидан кейин улар жавобгар томонидан ихтиёрий равишда тўлиқ ёки қисман қаноатлантирилганлиги туфайли қўллаб-қувватланган ҳолларда давлат божининг суммаси жавобгардан суд ажрими бўйича бюджетга ундирилади.*

Мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқи тўғрисидаги, мол-мулкни талаб қилиб олиш ҳақидаги, мол-мулкдаги улушга бўлган ҳуқуқни эътироф этиш тўғрисидаги, умумий мол-мулкдан улуш ажратиш ҳақидаги ва меросхўрларнинг ўзларига тегишли мол-мулк улушини талаб қилиб олиш тўғрисидаги даъво аризалари учун давлат божи ушбу мол-мулк ёки унинг улуши қийматидан келиб чиққан ҳолда тўланиши лозим.

Давлат божи тўлашдан озод қилинган давлат органлари ҳамда бошқа шахслар томонидан юридик ва жисмоний шахсларнинг манфаатларини кўзлаб билдирилган талабларини қаноатлантириш рад этилган ёки улар қисман қаноатлантирилган тақдирда, давлат божи ари-



за қайси шахсларнинг манфаатларини кўзлаб тақдим этилган бўлса, шу шахслардан даъво талабларининг қаноатлантирилиши рад этилган қисмига мутаносиб равишда ундирилади.

Суд буйруғи бекор қилинган тақдирда, ундирувчи томонидан тўланган давлат божи қайтарилмайди. Даъво ундирувчи томонидан қарздорга нисбатан даъво ишини юритиш тартибида кўзғатилган тақдирда у тўланиши лозим бўлган давлат божи ҳисобига ўтказилади.

Шунинг билан бирга амалиётда давлат божи ундиришда айрим ҳолларда мунозарали ва ўз навбатида ечимини топиш зарур бўлган ҳолатлар мавжуд.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 122-моддаси 9-бандига кўра, даъвогар томонидан аризани кўрмасдан қолдириш тўғрисида ариза берилган бўлса ариза кўрмасдан қолдирилади.

Шу кодекснинг 123-моддаси мазмунидан келиб чиқиб, суднинг 122-моддаси 9-бандига асосан аризани кўрмасдан қолдириш ҳақидаги ажримига нисбатан шикоят берилмайди.

Бироқ, ариза ушбу асос билан кўрмасдан қолдирилганда қонун талабига мувофиқ иш юзасидан муайян тарафдан давлат божи ундирилиши мумкин.

ФПКнинг 142-моддасида суд харажатлари билан боғлиқ масалалар бўйича суд ажрими устидан хусусий шикоят (протест) берилиши мумкинлиги белгиланган.

Шу сабабли, ФПК 123-моддасини “*Ушбу Кодекснинг 122-моддасида назарда тутилган асослар бўйича аризани кўрмасдан қолдириш ҳақидаги суд ажримининг давлат божи ундиришга оид қисми устидан хусусий шикоят (протест) берилиши мумкин*”лиги ҳақидаги тўртинчи қисм билан тўлдиришни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

**Атабек МАТКАРИМОВ,**  
Хоразм вилоят суди раисининг ўринбосари.

## **МЕРОС ВА МЕРОСХЎР МУАММОСИ**

***Мерос — марҳум мерос қолдирувчининг вафотидан кейин қоладиган мол-мулки ҳисобланади. У меросхўрларга тенг улушларда тегишлидир.***

Азал -азалдан мерос масаласи кенг эътиборда бўлиб келган. Ҳатто Ислом динида ҳам мерос, мерос мол-мулкни адолатли тақсимлаш масалаларига катта эътибор билан қаралган ва мерос илми дин илмлари ичида энг муҳимларидан бири қилиб қўйилган. Мерос мол-мулкни тақсимлашда мерос қолдирувчига қариндош бўлган ҳар қандай меросхўрга, у эркак бўлсин ёки аёл бўлсин меросдан улуш берилган. Бу ҳақида Куръон оятлари ва кўплаб ҳадисларда айtilган: *“Ота-оналар ва қариндошлар қолдирган нарсада эркакларга насиба бор. Ота-оналар ва қариндошлар қолдирган нарсада аёлларга ҳам насиба бор. У оз қолсин, кўп қолсин – ўлчаб қўйилган насибадир”* (Нисо сураси, 7 оят).

Қонунчилигимизда ҳам мерос мол-мулкни ҳамма меросхўрлар тенг равишда олиши учун ҳуқуқий тартиб белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида меросхўрларнинг навбати билан мерос ишига чақирилиши кўрсатилган. Унга кўра, ЎЗР ФК 1135-моддасига асосан биринчи навбатдаги меросхўрлар деб – марҳум мерос қолдирувчининг ота-онаси, турмуш ўртоғи ва фарзандлари кўрсатилган. Агар ушбу меросхўр мавжуд бўлмаса, ёки ўз улушларидан воз кечса, иккинчи навбатдаги меросхўрлар чақирилган.

Ҳозирда амалиётда мерос иши, агар низо йўқ бўлса, нотариуслар томонидан очилади. Мерос иши марҳум мерос қолдирувчининг вафот этган кунидан олти ой ўтиб расмийлаштирилади. Меросхўрлар мерос мол-мулкдан ўзига тегиши керак бўлган улушининг тақдирини белгилаш учун нотариусга мурожаат этади. Улар ўз улушларини олиши ёки ундан воз кечиши мумкин. Мерос улушини олишда, меросхўр мерос мол-мулкдан ўзига тегадиган улушини олиш ҳуқуқига эга, агар воз кечадиган бўлса, унда ўз улушини бошқа меросхўр фойдасига ёки ҳеч кимнинг фойдасини кўрсатмасдан воз кечиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида мерос мол-мулкка мерос иши марҳумнинг ўлимидан кейин 6 ой ўтиб расмийлаштирилиши кўрсатилган, лекин мерос мулкни қабул қилиб олиш ва ундан воз кечиш тўғрисидаги мурожаатларга муддатлар кўрсатилмаган. Ушбу ҳолатлар мерос ишини амалга ошириш ва ҳал этишда бир қанча муаммоларни келтириб чиқармоқда. Масалан; биринчидан, 20 йил олдин вафот этган марҳумнинг мерос мол-мулкни олиш тўғрисида меросхўрлардан ҳеч қанақанги мурожаат бўлмаганлиги боис, у қандай ҳолатда, қўриқлаш ишлари амалга оширилганми, тасарруф этилганми, коммунал ва бошқа тўловлар тўланганми ва бошқа шу каби ҳолатлар очиқлигича қолмоқда. Бу мол-мулкдан амалиётда фойдаланилаётган бўлса ҳам ҳеч қанақа қонуний ҳал этилмасдан қолган. Ё меросхўрга ёки давлатга ўтмаган. 20 йил ўтгандан кейин набираси ёки қандайдир қариндошининг меросни қабул қилиб олиш тўғрисидаги мурожаати билан нотариусга келиши ҳолатлари учрамоқда. Бу эса марҳум мерос қолдирувчининг меросхўрлар ва мерос мол-мулк таркибини тўғри аниқлаш ва ушбу ҳолатда қонунчиликни қўллаш амалиётида кўпгина муаммолар келтириб чиқаради.

Иккинчидан, мерос қолдирувчининг қарздор бўлиши ва қарзни тўлаш мажбуриятининг мавжуд бўлишлиги. Кўпгина ҳолларда, мерос қолдирувчи вафот этса ва унинг қарздорлиги мавжуд бўлса, меросхўрлар мерос ишини расмийлаштиришни хоҳлашмайди ва мерос мол-мулкни олиш бўйича мурожаат этмайди. Ушбу ҳолларда ҳар хил зиддиятлар ва низолар келиб чиқади. Аслида меросхўр мерос мол-

-мулкка даъво қилар экан, мерос қолдирувчининг фақат бойликларини эмас, балки мерос қолдирувчининг ўз вақтида бажара олмаган мажбуриятларини бажаришини ҳам ўз зиммасига олиши керак.

Чет эл тажрибасини қарайдиган бўлсак, мерос мол-мулкни қабул қилиб олиш ёки ундан воз кечиш тўғрисидаги мурожаатларга муддат қўйилган. Масалан, Россия Федерацияси қонунчилигида бу муддатлар 6 ой ичида деб кўрсатилган. Агар меросхўр мурожаат этиш муддатини узрли сабабларга кўра ўтказиб юборса, суд орқали тиклаши ва мерос мол-мулкдан ўз улушини олиши (ёки воз кечиши) мумкин. Агар ушбу амалиёт қонунчилигимизга жорий этиладиган бўлса, ҳеч бир меросхўрнинг ҳуқуқлари чекланмайди, аксинча, мерос мол-мулкни низоларсиз улушларга бўлиш, қонунчиликни амалда тўғри қўллаш, мажбуриятларнинг ўз вақтида бажарилиши ва бошқаларга ёрдам беради.

Ҳозирги вақтда нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатлар “Нотариус” ААТ орқали амалга оширилиб келинмоқда. Ушбу тизим орқали мерос иши ҳам амалга оширилади, ушбу тизим орқали, биз биринчи навбатда марҳум мерос қолдирувчининг мерос мол-мулкка мерос очилган ёки очилмаганлиги, васият берилган ёки берилмаганлигини текшираемиз. Агар ҳеч қандай мерос иши очилмаган бўлса, тизим орқали мурожаат этаётган меросхўрнинг мурожаатига асосан мерос иши очилади. Ва бу жараёнда марҳум мерос қолдирувчининг меросхўрлар таркиби (ота-онаси, турмуш ўртоғи, фарзандлари) шаклланади. Шаклланган меросхўрлар рўйхати асосида нотариус меросхўрларни мерос мол-мулкдаги улушини олиш ёки олмаслик тўғрисида мурожаатларини қабул қилиб олади. “Нотариус” ААТ билан нотариал ҳаракат амалга оширилаётганлиги боис, меросхўрларни яшириш имкони йўқ. Ҳозирги амалиётда, нотариуслар меросхўрларнинг ҳамма мурожаатларини, айниқса агар меросхўр ўз улушини олмаслик тўғрисида муносабат билдирса, уларнинг воз кечиш тўғрисидаги аризаларини мажбурий олиши ва ундан кейин мерос гувоҳномасини бериши, агар бир меросхўр ҳеч қандай муносабат билдирмаса, унинг ҳам улуши очиқ қолдирилиши каби ҳаракатлар кўп ҳолларда мурожаат этаётган меросхўрларга нисбатан ноҳақлик бўлиб қолмоқда. Аслида меросхўрларнинг бу мажбурияти эмас, балки ҳуқуқи бўлиши керак.

Юқоридагилардан хулоса қиладиган бўлсак, мерос масаласи фуқаролик муносабатларида анча мураккаб масаладир ва унинг ҳар бир жараёни қонуний равишда адолатли ҳал қилиниши керак. Марҳум мерос қолдирувчининг вафоти ҳамма меросхўрлар билиши мумкин бўлган жараёндир. Худди шунингдек, унинг мол-мулки ҳам. Агар меросхўр ушбу мерос мол-мулкдан ўз улушини оламан деса нотариусга мурожаат этади, агар олмайди ҳам бўлса, унинг учун воз кечиш аризасини ёзиши мажбурий эмас, яъни мурожаат қилмаслиги ҳам мумкин. Бизнинг фикримизча, меросхўрлар уч хилдаги мурожаатни амалга ошириши мақсадга мувофиқ буларди; мерос-мол мулкни қабул қилиб олиш, ундан воз кечиш ёки ўз улушини очиқ қолдириш тўғрисида.

Бундай имкониятнинг берилиши меросхўрлар ҳуқуқини чекламайди, аксинча марҳум мерос қолдирувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини қонуний тартибда ҳал этишга имкон яратлади.

**Динара БЕКНИЯЗОВА,**

*Қорақалпоғистон Республикаси Тахиятош туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус.*

# ИТАЛИЯ ТАЖРИБАСИДА МАСЛАХАТЛАШУВ ИНСТИТУТИ

**Маслаҳатлашув жараёни барча давлатлар суд тизимида ҳал қилувчи роль ўйнайди ва ҳуқуқий равшанлик, изчиллик ва конституцияга риоя қилишга интилишида пойдевор бўлиб хизмат қилади. Ушбу механизм судьяларга юқори судлардан йўл-йўриқ сўраш, ҳуқуқий талқин қилиш ва қарорлар қабул қилишда яхлит ва хабардор ёндашувени қўллаб-қувватлаш орқали мураккаб ҳуқуқий ҳудудда ҳаракат қилиш имконини беради.**

Италияда судьялар учун маслаҳат жараёни муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бир қанча асосий имтиёзларни тақдим этади ва ҳуқуқ тизимида мураккаб ҳуқуқий масалаларга ойдинлик киритиш, мувофиқлик ва бир хиллик, кенгайтирилган суд қарорларини қабул қилиш, ҳуқуқий тамойилларнинг сақланиши, ҳуқуқ фанининг ривожланиши, суд-ҳуқуқ тизимида бўлган ишончида муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

Италия ҳуқуқ тизимида Маслаҳатлашув жараёни судьянинг мураккаб ҳуқуқий масалалар ёки қонунни талқин қилиш масалалари бўйича юқори судлардан (Кассация суди ёки Давлат кенгаши) йўл-йўриқ ёки маслаҳат сўраш жараёнини ўз ичига олади. Ушбу амалиёт “*questione di legittimità*” (қонунийлик масаласи) сифатида танилган.

Италияда “*questione di legittimità*” (қонунийлик масаласи) амалиёти Италия ҳуқуқ тизимида баён этилган махсус қоидалар билан тартибга солинади. Бу амалиётни тартибга солувчи асосий қоида ва қонунлар мавжуд.

Италия Фуқаролик процессуал кодексининг 360-моддаси: Ушбу моддада фуқаролик ишлари бўйича “қонунийлик масаласи” тартиби кўрсатилган. Бу судьяга талқин ёки тушунтиришни талаб қиладиган ҳуқуқий масалага дуч келганида йўл-йўриқ олиш учун саволни Кассация судига юбориш имконини беради.

Италия Жиноят-процессуал кодексининг 380-моддаси: Жиноят ишлари бўйича ушбу модда судьяларга қонун масалаларини изоҳлаш учун Кассация судига юбориш имконини беради. Судья мураккаб ёки тушунарсиз бўлган қонун масалалари бўйича ажрим талаб қилиши мумкин.

Италия Конституциясининг 111-моддаси: Ушбу модда Конституциянинг қонунийлиги ва устунлиги тамойилини белгилайди. Бу судьяларнинг қонунларни Конституция ва ҳуқуқий нормаларга мувофиқ талқин этиши ва қўллаши, ҳуқуқ тизимининг қонунийлигига ҳисса қўшишини таъминлайди.

Давлат Кенгаши Низоми: Маъмурий ишлар бўйича Давлат Кенгаши ҳуқуқий масалалар бўйича раҳбарлик қилиш тартибини бошқаради. Маъмурий ҳуқуқ доирасидаги махсус қоидалар Давлат Кенгаши томонидан саволлар қандай тақдим этилиши ва ҳал қилинишини белгилайди.

## Италия суд тизимида консултация тартиби

*Мураккаб ҳуқуқий масалаларни аниқлаш:* Қуйи суд судьялари ўз ишларида айниқса, мураккаб, тушунарсиз ёки йўл-йўриқ учун прецедент бўлмаган ҳуқуқий масалаларни аниқлайдилар. Бу масалалар қонунни талқин қилиш, конституциявий масалалар ёки ҳуқуқий таълимот масалаларини ўз ичига олиши мумкин.

*Саволни шакллантириш:* Судьялар ўзлари аниқлаган мураккаб муаммоларни ҳал қилувчи аниқ ва батафсил ҳуқуқий саволларни тузади. Саволлар аниқ ва кўриб чиқиладиган иш билан бевосита боғлиқ бўлиши керак.

*Олий судга тақдим этиш:* Қуйи суд судьяси шакллантирилган ҳуқуқий масалаларни Кассация судига (фуқаролик ва жиноий ишлар бўйича) ёки Давлат кенгашига (маъмурий ишлар юзасидан) расмий равишда тақдим этади. Ушбу топшириш тизимли ва расмий жараён, жумладан, ҳуқуқий масалалар ва саволларни акс эттирувчи ёзма сўров орқали амалга оширилади.

*Олий суд томонидан кўриб чиқиш ва қарор:* Юқори суд тақдим этилган саволларни кўриб чиқади. Улар кўтарилган ҳуқуқий масалаларни муҳокама қиладилар ва маслаҳат хулосаси ёки қарорини тақдим этадилар. Ушбу қарор қуйи суд учун кўрсатма бўлиб хизмат қилади, лекин мажбурий эмас.

*Қуйи судга қайтиш:* Маслаҳат хулосаси ёки қарори судьяга қайтарилади, у буни ўз қароридан кўриб чиқади, лекин унга қатъий риоя қилиши шарт эмас. Бироқ, фикр катта аҳамиятга эга ва кўпинча қуйи суднинг қарор қабул қилиш жараёнида таъсир қилади.

*Қуйи суд қарори:* Олинган кўрсатмалар ва бошқа тегишли ҳуқуқий тамойилларга асосланиб, қуйи суд судьяси иш бўйича якуний қарор чиқаради.

Ушбу тартиб ҳуқуқий талқин ва қонуннинг суд ҳокимиятининг турли даражаларида қўлланилишида бир хилликни таъминлашга қаратилган. Бу қуйи суд судьяларига мураккаб ҳуқуқий масалаларни кўриб чиқишда юқори судларнинг тажрибасидан фойдаланиш имконини беради.

Ушбу амалиётни Ўзбекистон суд тизимида ҳам қўллаш яхши натижаларга олиб келади. Қуйи судлардаги янги тайинланган ёш судьялар ҳукм, қарор чиқаришда малакали мутахассисларнинг тажрибасидан фойдаланиб иш олиб боради. Юқорида келтирганимиз Италия тажрибасига қўшимча сифатида қуйи суд судьялари муаммоли масала ва саволни Судьялар олий кенгаши, Судьялар олий мактаби ва Судьялар ассоциациясининг тажриба, малака ва юксак ҳаётий амалиётга эга бўлган мутахассисларига йўллаб уларнинг ҳам фикри, амалиёти, тажриба ва малакасидан фойдаланиши анчагина самарали бўлар эди.

Шуни таъкидлаш керакки, юқори судларнинг маслаҳатлари таъсирли бўлсада, якуний қарор судьянинг воқолатида қолади, у ўз ҳукмини чиқаришда маслаҳат фикрини ва бошқа ҳуқуқий мулоҳазаларни ҳисобга олиб иш юритади.

**Абдуманнон САИДОВ,**

Судьялар олий мактаби кабинет мудири.

# МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКНИНГ ЮРИДИК ТАРКИБИ ТУШУНЧАСИ ВА МОҲИЯТИ

## АННОТАЦИЯ:

мақолада маъмурий ҳуқуқбузарликнинг юридик таркиби тушунчаси ва моҳияти ёритиб берилган бўлиб, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш ва шахслар томонидан содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликларни малакалашда эътибор қаратиладиган айрим жиҳатлар келтирилган.

**Калит сўзлар:** ҳуқуқбузарлик, маъмурий ҳуқуқбузарлик, объект, объектив томон, субъект, субъектив томон, ҳаракат ёки ҳаракатсизлик, жисмоний шахс, қасд, эҳтиётсизлик, мотив.

Ҳуқуқбузарликлар ўзининг мазмуни, юридик хусусиятлари ва таркибига эга бўлиб, турли қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

МЖТКнинг 10-моддасига кўра, маъмурий ҳуқуқбузарлик деганда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига, мулкчиликка, давлат ва жамоат тартибига, табиий муҳитга тажовуз қилувчи ғайриҳуқуқий, айбли (қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида) содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик тушунилади.

Ҳуқуқбузарлик ижтимоий маънода фуқаролар, жамият ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига хавфни вужудга келтирувчи хулқ-атвор бўлиб, у ижтимоий муносабатларнинг ривожланишига тўсқинлик қилади ва уларнинг бузилишига олиб келади. Ҳуқуқбузарлик қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасидан содир этиладиган хулқ-атвор бўлиб, унинг натижасида жамият, давлат ва фуқаролар манфаатларига моддий ёки маънавий зарар етказилади.

**Маъмурий ҳуқуқбузарлик уч хил аломатни ўз ичига олади:**

- 1) ғайриҳуқуқий ҳаракат ёки ҳаракатсизлик;
- 2) айбдорлик;
- 3) жавобгарликка тортиш.

Маъмурий ҳуқуқбузарликларни малакалаш шахслар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликларга ҳуқуқий баҳо бериш учун қонуний асос бўлиб хизмат қилади. Анъанавий қарашларга кўра, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўрт муқаррар элемент; ҳуқуқбузарликнинг объекти, объектив томони, субъекти ва субъектив томонини ўз ичига олади. Бунда муайян маъмурий ҳуқуқбузарлик таркиби маъмурий қонунчиликда яхлит бир бутун ҳодиса сифатида эмас, балки унинг аломатлари тарзида ифодаланади.

Ҳуқуқбузарлик таркиби деганда ғайриижтимоий қилмишни қонун билан ўрнатилган маъмурий ҳуқуқбузарлик деб ҳисоблаш учун зарурий белгилар йиғиндиси тушунилади.

Шахс, унинг қилмишида маъмурий ҳуқуқбузарлик таркибининг барча элементлари мавжуд бўлгандагина, маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг объекти – бу маъмурий ҳуқуқ меъёрлари билан ўрнатилган ва муҳофаза этиладиган ижтимоий муносабатлар ҳисобланади. Бу биринчи навбатда давлат бошқаруви соҳасида вужудга келадиган ижтимоий муносабатлардир. Давлат бошқарувини ташкил этиш ва амалга ошириш жараёнида нафақат маъмурий ҳуқуқ меъёрлари билан, балки маъмурий-ҳуқуқий воситалар билан муҳофаза этиладиган бошқа ҳуқуқ тармоқлари (конституциявий, молия, ер, меҳнат ва ҳ.к.лар) меъёрлари билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар ҳам вужудга келади.

Шу сабабли, маъмурий ҳуқуқбузарлик объектига Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс билан ҳимоя қилинадиган ҳар қандай муносабатларни киритиш мумкин.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик ноҳўя хатти-ҳаракатнинг объекти бўлиб ҳар қандай ижтимоий муносабат эмас, балки маъмурий жазо чораси билан муҳофаза қилинадиган муносабатлар ҳисобланади.

**Маъмурий ҳуқуқ назариясида ҳуқуқбузарлик объекти, одатда уч гуруҳга бўлинади:**

биринчидан, маъмурий ҳуқуқбузарликнинг умумий объекти – давлат бошқаруви жараёнида вужудга келадиган ижтимоий муносабатлар. Масалан, МЖТКни 10-моддасининг 1-қисмида маъмурий ҳуқуқбузарлик объекти умумий ҳолда – “шахс, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, мулкчилик, давлат ва жамоат тартиби, табиий муҳит” кўрсатиб ўтилган;

иккинчидан, маъмурий ҳуқуқбузарликнинг турдош объекти – мазмуни ва ўзаро яқин хусусиятларига қараб ягона тизимга келтирилган объектлардир. Бунга мисол сифатида МЖТКнинг махсус қисмида келтирилган бобларни назарда тутиш мумкин;

учинчидан, маъмурий ҳуқуқбузарликнинг бевосита объекти – ҳуқуқбузарлик оқибатида бевосита зарар етказилган аниқ объект ҳисобланади.

Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг объектив томони – ҳуқуққа хилоф қилмиш, яъни маъмурий ҳуқуқбузарлик объектига қаратилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик, унинг хусусиятлари, шунингдек, уни содир этиш (ёки содир этмаганлик) шароитлари ҳисобланади.

**Маъмурий ҳуқуқбузарлик объектив томондан икки кўринишга эга:**

биринчидан, маъмурий ҳуқуқбузарликни ҳаракат натижасида содир этиш. Ҳаракат – инсоннинг фаол хулқ-атвори ҳисобланади. Аксарият маъмурий ҳуқуқбузарликлар объектив томондан шахсларнинг ҳаракати орқали содир этилади. Масалан, чегара режимини бузиш (МЖТКнинг 224-моддаси), ДХХ Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчисининг қонуний талабларига бўйсунмаслик (МЖТКнинг 196<sup>1</sup>-моддаси), ўрнатилган бошқа маъмурий-ҳуқуқий режимлар билан ўрнатилган қоидаларни бузишда ифодаланган ҳуқуқбузарликлар – ҳаракатлар натижасида содир этилади;

иккинчидан, маъмурий ҳуқуқбузарликнинг ҳаракатсизлик натижасида келиб чиқиши. Ҳаракатсизлик – инсоннинг белгиланган вазифа, мажбуриятни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлигида ифодаланадиган пассив хулқ-атвори. Масалан, Давлат хавфсизлик хизматининг ҳуқуқбузарлик шарт шароитлари ва сабабларини бартараф этиш чора-

ларини кўрмасликда (МЖТКнинг 196-моддаси) ифодаланган ҳуқуқбузарлик – ҳаракатсизлик натижасида келиб чиқади.

Ҳуқуқбузарликни содир қилиш усули, воситалари, етказилган зарарнинг миқдори ҳам кўп ҳолларда унинг объектив томонини ташкил қилувчи белгилар қаторига қўшилади.

**Ҳуқуқбузарликни содир этиш шароитлари.** Маъмурий ҳуқуқбузарлик объектив томонининг элементи сифатида уни содир этиш вақти ва услуги назарда тутилади. Масалан, МЖТКнинг 224-моддасида назарда тутилган банд чегара режими қоидаларини бузиш ҳақида бўлиб "Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида"ги қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 5 июлдаги 504-сон қарорига мувофиқ белгиланган тартибда чегара зонасида ҳаракатланиш учун ҳудудий ички ишлар органларидан рухсатнома олмасдан ҳаракатланишни назарда тутати.

Ҳуқуқбузарликнинг субъекти маъмурий ҳуқуқда маъмурий ҳуқуқбузарлик таркибининг асосий элементларидан бири сифатида тавсифланади. Ҳуқуқбузарлик субъектининг мавжудлиги маъмурий жавобгарликнинг муҳим шарт ҳисобланади, яъни маъмурий жавобгарлик фақат биринчи навбатда мазкур ҳуқуқбузарликни содир этган шахс мавжуд бўлган ҳолда келиб чиқиши мумкин.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган пайтда ўн олти ёшга тўлган шахслар (ушбу Кодексда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса) маъмурий жавобгарликка тортилади.

Жиноятчининг ёши ва ақли расолиги муаммолари уларни ҳуқуқшунос олимлар томонидангина эмас, балки бошқа турли соҳа мутахассислари томонидан комплекс ўрганишни тақозо қилади.

Мазкур шахслар доирасига 16 ёшга тўлган ақли расо шахс, мансабдор шахс, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, ҳарбий хизматчилар ва интизом устави тадбиқ этиладиган бошқа шахслар ҳам киради.

Ҳуқуқбузарликнинг субъектив томони эса шахснинг ҳуқуқбузарлик содир этиши билан бевосита боғлиқ бўлган, ўзи содир этаётган қилмишига бўлган муайян руҳий муносабатини қамраб оладиган, аниқ айб шакли, шунингдек, шахснинг жиноятни содир этиш пайтидаги мотив ва мақсадлари билан тавсифланган руҳий ҳолатидир.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик қасддан ва эҳтиётсизликдан содир этилиши мумкин. Айб – маъмурий ҳуқуқбузарлик субъектив томонининг зарурий белгисидир.

МЖТКнинг 11-моддасига кўра, башарти маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс ўз ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги гайриҳуқуқий эканлигини билган бўлса, унинг зарарли оқибатларига кўзи етиб юз беришини истаган бўлса ёки бу оқибатларнинг келиб чиқишига онгли равишда йўл қўйган бўлса бундай маъмурий ҳуқуқбузарлик қасддан содир этилган, деб ҳисобланади.

**Маъмурий ҳуқуқбузарликни қасддан содир этиш икки кўринишда бўлиши мумкин:**

а) *тўғри қасд*, яъни маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс ўз ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги гайриҳуқуқий эканлигини билади, унинг зарарли оқибатларига кўзи етади ва унинг юз беришини истайдиган;

б) *эгри қасд*, яъни маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс ўз ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги гайриҳуқуқий эканлигини билади, унинг зарарли оқибатларига кўзи етади ва бу оқибатларнинг келиб чиқишига онгли равишда йўл қўяди.

МЖТКнинг 12-моддасига асосан маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс ўз ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги зарарли оқибатларга олиб келиши мумкинлигини олдиндан кўра билган, лекин калтабинлик билан уларнинг олдини олиш мумкин, деб ўйлаган бўлса ёхуд бундай оқибатларнинг келиб чиқиши мумкинлигини олдиндан кўриши лозим ва мумкин бўлгани ҳолда олдиндан кўра билмаган бўлса, бундай маъмурий ҳуқуқбузарлик эҳтиётсизлик орқасидан содир этилган, деб ҳисобланади.

Эҳтиётсизлик орқасидан содир этилган айбнинг икки шакли: ортиқ даражада ўзига ишониш, яъни шахснинг ўз ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги зарарли оқибатларга олиб келиши мумкинлигига олдиндан кўзи етган бўлса ҳам, лекин енгилтаклик билан уларнинг олдини олиш мумкин деб ўйлаши ва бепарволиги, унинг қонунда кўрсатилган оқибатларининг келиб чиқиши мумкинлигига олдиндан кўзи етиши лозим ва мумкин бўлгани ҳолда уларга олдиндан кўзи етмагани билан фарқланади.

Бепарволикда ҳуқуқбузар зарарли оқибатларнинг келиб чиқиши мумкинлигига олдиндан кўзи етмайди. Кўпинча бу ҳол шу нарса билан боғлиқ бўладики, ҳуқуқбузар ўзи амалга оширган ҳаракат нималарга олиб келиши мумкинлигини ўйлаб ҳам кўрмайди.

Субъектив томоннинг мажбурий белгиси бўлган қасд ёки эҳтиётсизлик кўринишидаги айбдан ташқари яна факультатив белгилари (мақсад, баҳона) ҳам бўлиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда маъмурий ҳуқуқбузарликлар юридик таркибининг ёритиб берилиши, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга кадрлар тайёрлашда ҳамда келгусида шахсларни маъмурий жавобгарликка тортиш бўйича маъмурий процессуал ҳужжатларни расмийлаштиришда ва ҳуқуқбузарларнинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо бериш орқали мазкур соҳадаги муносабатларни тартибга солишда қонунчилик ҳужжатларини тўғри қўллашда муҳим аҳамият касб этади.

**Абдугани ХОЛБЎТАЕВ,**

*Жамоат хавфсизлиги университети мустақил изланувчиси, ю.ф.ф.д (PhD).*

## Фойдаланилган адабиётлар:

1. Алимов Х.Р., Соловьева Л.И. и др. Административное право Республики Узбекистан. Учебник для юридических вузов. - Т.: Адолат, 1998.
2. Икрамов Ш.Т., Хамедов И.А., Маъмурий ҳуқуқ дарслик – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2016.
3. Ma'muriy huquq: Darslik / Н.Т. Odilqoriyev, I. Ismailov, N.T. Ismailov va boshq.; prof. Н.Т. Odilqoriyev va В.Е. Qosimovning umumiy tahriri ostida. – Т.: O'zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, 2010.
4. Судебная психиатрия / Под ред. Б.В. Шостаковича. – М., 1997. – С. 87.; Назаренко Г.В. Эволюция понятия невменяемости // Государство и право. 1993. № 3. – С. 61.; Антонян Ю.М., Бородин С.В. Преступность и психические аномалии. – М., 1998.
5. Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига шарҳлар. Муаллифлар жамоаси. Т.Адолат. 2000.
6. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси – Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, 3-сон, 6-модда.
7. Ўзбекистон Республикасининг "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида" 2014 йил 14 майдаги УРҚ-371-сон Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил 19 май, 20-сон, 221-модда.
8. "Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида"ги 2023 йил 13 сентябрдаги УРҚ-868-сон Қонуни // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (www.lex.uz), 2023 йил 13 сентябрь.
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 5 июлдаги "Ўзбекистон Республикаси ҳудудидида чегара режими тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 504-сон қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (www.lex.uz), 2018 йил 6 июль.
10. Х.Р. Алимов, А.А. Махмудов, Н.Т. Исмоилов. Маъмурий ҳуқуқ; Дарслик. – Т., Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси, 2002.

# НОДАВЛАТ СУД-ЭКСПЕРТИЗА ТАШКИЛОТЛАРИДА ЭКСПЕРТИЗА ТЕКШИРУВИНИ ЎТКАЗИШ ХАРАЖАТЛАРИ

## АННОТАЦИЯ:

*мақолада жиноят ишлари бўйича нодавлат суд-экспертиза ташкилотларида ўтказиладиган тадқиқотлар учун тўловни амалга оширишга доир ноаниқликлар муҳокама қилинган. Бунда аввало, давлат экспертиза муассасаларида экспертиза ўтказиш харажатлари таҳлил қилиниб, амалдаги Жиноят-процессуал кодексида нодавлат суд-экспертиза ташкилотларида ўтказиладиган текширувлар учун тўловни амалга оширишга етарли асослар мавжуд эмаслиги кўрсатиб берилган. Шунингдек, назарда тутилган ҳолда ҳамда илгор хорижий тажрибаларга таяниб, амалдаги жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштиришга доир таклифлар ишлаб чиқилган.*

**Калит сўзлар:** *жиноят иши, процессуал харажат, экспертиза текшируви, давлат экспертиза муассасаси, нодавлат суд-экспертиза ташкилоти, эксперт, ҳақ тўлаш.*

Экспертиза текшируви жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлаш ҳамда далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолашдаги энг муҳим тергов ҳаракатларидан биридир. Дарҳақиқат, экспертиза терговга қадар текширув, жиноят ишларини тергов қилиш ва суд муҳокамаси чоғида нисбатан кўп ўтказиладиган тергов ҳаракатларидан бири ҳисобланади. Бу борадаги статистик маълумотларга қарайдиган бўлсак 2022 йилда тергов қилинган (олдини олиш мумкин бўлган) жиноят ишларининг 70 фоизи экспертиза тергов ҳаракати билан боғлиқлиги аниқланган. Шунингдек, мазкур жиноят ишлар бўйича ўрта даражадаги мураккабликдаги камида 1 тадан экспертиза ўтказилган бўлса, 2022 йилда экспертиза учун давлат бюджетидан 151 087 200 000 сўм маблағ сарфланган деб тахмин қилса бўлади. Ушбу таҳлиллар жами жиноят ишлари бўйича амалга оширилганда ҳамда иш бўйича биттадан ортиқ мураккаблик даражаси турлича бўлган экспертизалар ўтказилган деб ҳисобланса юқоридаги маблағлар бир неча юз миллиардларни ташкил этиши мумкин. Бизнингча, айнан юқоридаги омилларга таяниб тергов ҳаракатлари орасидан фақат экспертиза текшируви учун сарфланадиган суммалар процессуал харажатларнинг алоҳида тури сифатида ЖПКнинг 318-моддаси 6-бандида мустаҳкамланган.

Масаланинг яна бир жиҳати процессуал харажатларнинг мазкур тури ўзининг юридик табиатига кўра ўзига хос жиҳатларга эгаллиги билан боғлиқ. Яъни, экспертиза текшируви ўтказадиган шахслар, шу жумладан экспертиза муассасаларининг барчаси ҳам жиноят ишини юритишга масъул давлат органи (ёки мансабдор шахс) ҳисобланмайди. Ушбу шахсларнинг айримларида ҳам процессуал ваколат, ҳам процессуал вазифалар мавжуд бўлади. Масалан, ИИБ Экспертиза-криминалистика Бош маркази ёки ДХХ Экспертиза-криминалистика маркази ходимлари бир томондан жиноят ишини юритишга масъул бўлган терговга қадар текширув органи ходими сифатида процессуал ваколатга эга бўлишса, иккинчи томондан топшириқ (қарор ёки ажрим) асосида экспертиза текширувини ўтказишдан иборат процессуал вазифаларни бажарадилар. Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза маркази, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий маркази экспертлари, шунингдек, бошқа корхона, муассаса, ташкилот ходими ёки бошқа жисмоний шахсларда эса эксперт ёки мутахассис сифатида фақат процессуал вази-

фалар мавжуд бўлади. Ушбу процессуал ваколатлар эса, экспертиза тайинлаш ҳақидаги қарор (ажрим)ни чиқариш, ижро этиш учун экспертга топшириш ҳамда ЖПКнинг 187-моддасига мувофиқ эксперт хулосасини баҳолашда намоён бўлади. Зеро, экспертнинг хулосаси суриштирувчи, терговчи ёки суд учун муқаррар далилий кучга эга ҳисобланмайди. Хулосага қўшилмаслик қарорда ёки ажримда асослаб берилади. Бу эса, экспертиза муассасаларида экспертиза ўтказиш учун сарфланган суммаларда процессуал ваколатларга доир харажатларга хос белгилар ҳам мавжудлигидан далолат беради.

Моҳиятан, ЖПКнинг 318-моддаси 3-бандидаги экспертларга бажарган вазифаси учун ҳақ тўлаш ҳамда муҳокама қилинаётган масала ўртасида айрим ўхшашликлар ва фарқли жиҳатларни ҳам эътироф этиш жоиз. Жумладан, эксперт ишда жисмоний шахс сифатида ёки хизмат топшириғи тартибидан ташқари ҳолатда иштирок этади ҳамда ўтказган текшируви учун унга ҳақ тўланади. Экспертиза муассасаси бўлса, биринчидан, юридик шахс мақомида бўлади, иккинчидан, ўтказилган экспертиза харажатлари давлат бюджетидан ажратилган маблағлар ҳисобидан қопланади. Экспертиза ўтказиш учун сарфланган маблағлар ҳақида гап кетганда, ҳақли савол туғилади: Экспертиза ўтказиш учун қанча маблағ сарфланади ва улар нима учун ишлатилади? Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза маркази маълумотларига кўра, ўтказиладиган тадқиқотлар учун мураккаблик даражасига қараб 408 000 сўмдан, 12 036 000 сўмгача ҳақ белгиланган. Марказда бир йилда ўртача 30 000 та экспертиза текшируви ўтказилиши инobatга олинса, биргина ушбу муассасада сарфланган жами суммалар бир неча ўн миллиардларни ташкил этишини тахмин қилса бўлади. Бунга қолган яна 7 та (1. Ички ишлар вазирлиги Экспертиза-криминалистика Бош маркази, 2. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Республика суд-тиббий экспертиза илмий амалий маркази, 3. Давлат хавфсизлиги хизмати Экспертиза-криминалистика маркази, 4. Электрон технологияларини ривожлантириш маркази, 5. Ўзбекистон Республикаси Куролли кучлари Суд-тиббий экспертиза маркази, 6. Давлат божхона кўмитаси Марказий божхона лабораторияси, 7. Фавқулодда вазиятлар вазирлиги экспертиза бўлини маси) давлат экспертиза муассасасида ўтказиладиган экспертиза текширувлари ҳам қўшиб ҳисобланганда, жами сарфланган суммаларнинг умумий миқдори бир неча юз миллиардларни ташкил этиши мумкин.

Таъкидлаш жоизки, юқорида тахмин қилинган маблағлар фақат жиноят ишлари бўйича тайинланган қарор ва ажримлар асосида ўтказиладиган экспертиза текширувлари учун сарфланмайди. Уларнинг аксарияти фуқаролик, иқтисодий ишлар ҳамда маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича ўтказиладиган 60 дан ортиқ экспертиза текширувлари учун ҳам сарфланишини эътиборга олиш лозим. Шунингдек, юқоридаги маълумотлар жиноят ишлари бўйича экспертиза муассасаларида ўтказилган экспертиза текширувлари учун сарфланган суммалар жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органи томонидан қопланади деган хулосани бермайди. Негаки, Ўзбекистон Республикасининг "Суд экспертизаси тўғрисида"ги қонунига мувофиқ, давлат суд-экспертиза муассасалари фаолияти бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади ҳамда улар фақат фуқаролик ишлари ва иқтисодий ишлар бўйича суд экспертизаларини ўтказганлик учун тўлов ундиришга ҳақли ҳисобланади.

Шу нуқтаи назардан, ЖПКнинг 318-моддаси 6-банди ЖПКнинг 320-моддаси тартибида маҳкумлардан ундириб олинadиган ёки давлат ҳисобига ўтказиладиган процессуал чиқимлар доирасини белгилаш, яъни улар қаторига экспертиза муассасаларида экспертиза ўтказиш харажатларини ҳам киритишга асос бўлиб хизмат қилади. Ушбу харажатлар: экспертиза муассасаларида экспертиза ўтказиш учун сарфланган барча суммалар, жумладан экспертиза учун ишлатиладиган сарф материалларини сотиб олиш ва эксперт (махсус) ускуналарни жорий таъмирлаш бўйича давлат суд-эксперт ташкилотлари томонидан сарфланган маблағлар; экспертиза ўтказиш ёки бошқа қонуний харажатлар натижасида шикастланган ёки йўқолган ашёнинг қиймати (ЖПК 212-модда) кўринишида бўлиши мумкин.

Экспертиза ўтказиш харажатлари, шунингдек тадқиқотнинг мураккаблик даражасидан келиб чиқиб дифференциал кўринишга эга бўлиши мумкин. Мураккаблигига кўра, экспертиза тадқиқотлари оддий, ўрта ва мураккаб даражаларга ажратилади. Бироқ, суд-экспертиза фаолиятига оид ҳеч бир ҳужжатда ушбу даражаларни фарқлашнинг аниқ мезонлари белгиланмаган. Фақатгина Х. Сулаймонова номидаги Республика суд -экспертиза марказида ўтказиладиган тадқиқотлар учун ҳақ миқдорларини тасдиқлаш ҳақидаги ҳужжатда бу ҳақда айрим маълумотларни учратиш мумкин. Яъни, унда тадқиқотлар мураккаблик даражаси бўйича 1 та экспертиза тадқиқотини ўтказишга сарфланадиган ўртача вақт меъёрлари (соат) белгиланган. Бунда оддий мураккабликдаги тадқиқотлар энг камида 17 соат, мураккаб экспертизалар бўлса 170 соатга қадар вақт талаб этиши кўрсатилган. Бундан хулоса қилиш мумкинки, тадқиқот даражасига таъсир этадиган омиллардан бири уни ўтказиш учун сарфланадиган вақт ҳисобланади. Сарфланадиган вақт ҳажми ҳамда мураккаблик даражаси бундан ташқари, тадқиқот нархини аниқлашнинг умумий қабул қилинган параметрлари ҳисобланган - қўйилган саволларнинг сони ва мураккаблиги, текширувларнинг мураккаблиги, тадқиқотни яқунлаш муддати, қўшимча харажатлар (масалан, экспертнинг ҳодиса жойига чиқиш харажатлари)га ҳам боғлиқдир. Ушбу мезонлардан фақатгина "саволнинг мураккаблиги даражаси"ни аниқлаш бир оз мураккаблик тўғрисида мумкин. Хусусан, иш ҳолати бўйича қўйилган айрим саволларга жавоб бериш катта ҳажмли иш ҳужжатларини, мисол учун

30 жилдли жиноят иши ҳужжатлари (ёки молиявий ҳисоботлар)ни ўрганиш заруратини юзага келтириши мумкин. Бундай ҳолатда, энг оддий саволга жавоб бериш катта иш ҳажмини талаб этиши, шунингдек экспертизанинг мураккаблик даражаси ҳамда уни ўтказиш учун сарфланган суммалар миқдорининг ортишига сабаб бўлиши мумкин.

Юқоридаги таҳлиллар бир қарашда экспертиза муассасаларида экспертиза ўтказиш учун сарфланган харажатларни тартибга солиш механизмларида камчиликлар йўқ, деган хулосани бериши мумкин. Бироқ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Суд-экспертлик фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори талабларидан келиб чиқадиган айрим масалалар бу борада қўшимча муҳокамаларни тақозо этади. Хусусан, ушбу қарор нодавлат суд-экспертиза ташкилотларига рухсат берилиши, жиноят ишлари бўйича нодавлат суд-экспертиза ташкилотларига тайинланадиган экспертизалар учун тўлов қилишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришни талаб этмоқда. Ушбу қарорга кўра нодавлат суд-экспертиза ташкилотларида барча экспертизалар, шу жумладан жиноят ишлари бўйича тайинланган экспертизалар ҳам шартномага мувофиқ ҳақ эвазига ўтказилиши, тўлов эса суд экспертизасини тайинлаган ваколатли давлат органи (мансабдор шахс) ёки манфаатдор жисмоний шахслар томонидан амалга оширилиши белгиланган. Экспертизани ўтказиш учун хизмат ҳақи олдиндан тўланмаганлиги ўз навбатида текшириш объектлари ва иш материалларини текширув ўтказмасдан қайтаришга асос бўлади. Маълумот ўрнида, айни кунда Республикамизда 8 та давлат экспертиза муассасаларидан ташқари, яна 3 та нодавлат экспертиза ташкилотлари, яъни "PROEX" нодавлат суд-экспертиза ташкилоти МЧЖ, "GARANT" нодавлат суд-экспертиза ташкилоти МЧЖ ва "SUD EKSPERT" нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари МЧЖ юридик шахс сифатида фаолият кўрсатмоқда. Ушбу ташкилотларга 44 та турдаги экспертиза бўйича тадқиқотларни амалга ошириш ҳуқуқи берилган бўлиб, улар орасида давлат суд-экспертиза ташкилотларида ўтказиш имконияти бўлмаган текширув турлари ҳам учраши мумкин. Жумладан, "SUD EKSPERT" нодавлат суд-экспертиза ташкилоти МЧЖ томонидан 8 та турдаги тадқиқотлар ўтказилиши йўлга қўйилган бўлиб, тўлов миқдорлари 1 980 000 сўмдан 7 920 000 сўмгача белгиланган. Бундан ташқари, миқдорнинг талабига кўра тадқиқот муддатини икки баробарга қисқартириш лозим бўлганда ушбу миқдорларга яна 30 фоиз қўшимча тўлов қилиниши белгиланган. Шунингдек, жисмоний шахс ҳисобланган хусусий экспертлар ҳам нодавлат суд-экспертиза ташкилоти билан тузилган фуқаролик-ҳуқуқий шартнома асосида фаолият юритиши мумкин.

Эндиликда, тергов органи томонидан нодавлат суд-экспертиза ташкилотида ўтказиладиган текширувни амалга ошириш зарурати юзага келганида, бунинг учун аввалдан тўлов қилиш талаб этилади. Айнан ушбу омиллар жиноят ишлари бўйича давлат экспертиза муассасаларидан ташқарида ўтказиладиган экспертизалар учун олдиндан тўлов қилишнинг процессуал асосларини мустаҳкамлашни тақозо этмоқда. Яна ҳам соддароқ баён этадиган бўлсак масалан, ЖКнинг 186<sup>3</sup>-моддаси 4-қисми "а" банди билан

кўзғатилган жиноят иши бўйича давлат суд- экспертиза муассасаси тадқиқот турларига кирмайдиган “Дори воситаларининг суд экспертизаси” бўйича “SUD EKSPERT” нодавлат суд-экспертиза ташкилоти МЧЖда экспертиза ўтказиш зарурати юзага келди. Нодавлат суд-экспертиза ташкилоти тергов органидан мураккаб турдаги экспертиза ҳисобланган ушбу текширув учун 4 620 000 (тўрт миллион олти юз йигирма минг) сўми аввалдан тўлаб беришни сўраган. Суд органида тегишли ажримни чиқариб, уни ижро этиш учун тегишли органнинг молия бўлинмаларига юбориш ва тўловни амалга ошириш зарурати юзага келган. Ушбу масала (казусли ҳолат) бўйича Жиноят-процессуал кодекси ўрганилганда, таассуфки, ундаги ҳеч бир нормада ушбу тўловни амалга оширишнинг ҳуқуқий асоси мавжуд эмас. “Суд экспертизаси тўғрисида”ги қонунда ҳам нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари билан боғлиқ масалалар алоҳида тилга олинмаган. Унда фақат, бошқа ташкилот ходимлари ва бошқа жисмоний шахслар томонидан суд экспертизалари ўтказилганлиги учун тўлов суд экспертизасини тайинлаган орган (шахс) томонидан қонунчиликка мувофиқ амалга оширилиши ҳақида умумий қоида белгиланган. Бундан кўринадики, амалдаги Жиноят-процессуал кодексида юқоридаги вазият бўйича “SUD EKSPERT” нодавлат суд-экспертиза ташкилоти МЧЖ ҳисобига аввалдан тўловни амалга оширишга ҳамда терговчининг бу ҳақдаги қарорининг хулоса қисмида асос сифатида кўрсатиши мумкин бўлган норма мавжуд эмас. Қолаверса, тергов ва суд органлари давлат бюджетидан молиялаштирилиши боис, улар томонидан сарфланадиган ҳар қандай маблағларнинг ҳисоб-китоби, шу жумладан экспертиза текшируви учун тўланадиган маблағлар ҳам аниқ ва ҳуқуқий жиҳатдан етарли бўлган асосларга эга бўлиши шарт.

Ушбу масала юзасидан хорижий давлатлар қонунчилиги ўрганилганда, Эстония ва Беларусь Республикаси жиноят-процессуал қонунчилигида ушбу масала нисбатан кенгроқ тартибга солинганлиги маълум бўлди. Жумладан, Эстония жиноят-процессуал кодексининг 175-моддаси биринчи қисми, 3-бандида “давлат экспертиза муассасалари, бошқа давлат ташкилотлари ёки юридик шахслар томонидан экспертиза ўтказиш учун ёки шахснинг мастлик ҳолатини аниқлаш мақсадида ўтказилган гувоҳлантиришда сарфланган харажатлар” мазмунида баён қилинган меъёр қайд этилган. Мазкур нормада юридик шахслар томонидан ўтказиладиган экспертиза текшируви дейилганда айнан нодавлат экспертиза ташкилотлари билан боғлиқ харажатлар назарда тутилмоқда.

Юқоридагиларга таяниб, жиноят ишлари бўйича нодавлат суд-экспертиза ташкилотларида ўтказиладиган экспертиза текширувлари учун тўлов қилишнинг процессуал асосларини шакллантириш орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги “Суд-экспертлик фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4125-сон қарорининг тўлақонли ижросини таъминлаш мақсадида, 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Жиноят-процессуал кодексига қуйидаги ўзгариш ва қўшимчаларни киритиш тақлиф этилади:

1) 318-модда 4-бандини қуйидаги мазмунда таҳрир қилиш:

**“давлат экспертиза муассасалари, бошқа ташкилотларда ёки юридик шахслар томонидан экспертиза ўтказиш учун сарфланган харажатлар”:**

2) 318-модданинг иккинчи қисмини 4 сонидан кейин 6 сони билан тўлдириш.

Мазкур тақлифларнинг амалда жорий этилиши нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари томонидан ўтказиладиган экспертиза текшируви учун ҳақ тўлаш тартибини такомиллаштириш билан биргаликда, жиноят ишларини юритиш давомида бошқа ташкилотларда, шунингдек юридик шахслар томонидан экспертиза ўтказиш учун сарфланган харажатларни ундириб олишнинг ҳуқуқий асосларини шакллантиришга ҳам хизмат қилади.

**Абдулла СУЛТОНОВ,**

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси тадқиқотчиси, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори(PhD).*

## Фойдаланилган адабиётлар:

1. В.Бегман. Сколько должно стоить производство экспертиз? [https://zakon.ru/blog/2023/05/22/skolko\\_dolzno\\_stoit\\_proizvodstvo\\_ekspertiz](https://zakon.ru/blog/2023/05/22/skolko_dolzno_stoit_proizvodstvo_ekspertiz)
2. “SUD EKSPERT” Нодавлат суд-экспертиза ташкилоти МЧЖда ўтказиладиган тадқиқот учун ҳақ миқдорлари. (<https://sudekspert.uz/uz/narxlar/>. 20.12.2023 й.х.).
3. Султонов А.А. Ишни судга қадар юритиш босқичида процессуал харажатларни тўлаш механизмини такомиллаштириш: Юрид. фанлар бўйича фалсафа доктори ... дис. – Т., 2020. Б–189.
4. Ўзбекистон Республикаси ИИВ ҳуқуқий статистика ва тезкор-ҳисоб маълумотлар маркази маълумотлари.
5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х.Сулаймонова номидаги Республика суд-экспертиза марказида ўтказиладиган тадқиқотлар учун ҳақ миқдорлари. Экспертиза тадқиқотини ўтказиш учун тўлов нархлари ҳақида маълумот. ([https://sudekspert.uz/?page\\_id=200#page-content](https://sudekspert.uz/?page_id=200#page-content). Мурожаат вақти: 13.11.2023 й.).
6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х.Сулаймонова номидаги Республика суд-экспертиза марказида иллик ўтказилган экспертизалар ҳақида маълумот. [https://sudekspert.uz/?page\\_id=282](https://sudekspert.uz/?page_id=282).
7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2023 йил 24 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х.Сулаймонова номидаги Республика суд-экспертиза марказида ўтказиладиган тадқиқотлар учун ҳақ миқдорларини тасдиқлаш ҳақида”ги 61-ум-сон буйруғи. (<https://e-qaror-respublika.gov.uz/oz/document/show.pdf>).
8. Ўзбекистон Республикасининг “Суд экспертизаси тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 01.06.2010 йилдаги ЎРҚ-249-сон. <https://lex.uz/docs/1633102?query=экспертизаси+тўғрисидаги+sr-1>.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги “Суд-экспертлик фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4125-сон Қарор. (<https://lex.uz/docs/4172023>).
10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 24 мартдаги “Нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш бўйича низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги 180-сон қарори. (<https://lex.uz/docs/4774077>. Мурожаат вақти: 23.10.2023 й.).
11. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х.Сулаймонова номидаги Республика суд-экспертиза маркази сайти маълумотлари. Нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари ([https://sudekspert.uz/?page\\_id=1035](https://sudekspert.uz/?page_id=1035). 12.11.2023 й.х.).
12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 28 октябрдаги “Жабрланувчилар, гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар ва ҳолисларга тўланиши лозим бўлган маблағларни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 570-сон Қарори. (<https://lex.uz/docs/6647112>. Мурожаат вақти: 23.11.2023 й.).
13. Уголовно-процессуальный кодекс Эстонии от 12 февраля 2003 года RT I 2003, 27, 166 (с изменениями и дополнениями по состоянию на 01.09.2023 г.) <https://www.juristaitab.ee/sites/default/files/seaduste-tolked/2001.09.2023.pdf>.
14. Ш.А.Абдуқодирова. Нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш йўналишлари. “Ўзбекистон суд-экспертизаси” ҳуқуқий, ижтимоий, илмий-амалий журнали. 2022/1.21-Б ([http://mtsudex.uz/Files/Ўзбекистон\\_суд\\_экспертизаси\\_4\\_сон.pdf](http://mtsudex.uz/Files/Ўзбекистон_суд_экспертизаси_4_сон.pdf)).



# ТИББИЙ ХИЗМАТ СОҲАСИДА ШАРТНОМАВИЙ-ХУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШ

## АННОТАЦИЯ:

мақолада тиббий хизмат кўрсатишга оид муносабатларни шартномавий ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштиришнинг ҳуқуқий асослари илмий-назарий таҳлил қилинган ва мазкур шартнома доирасида тарафларнинг умумий ҳуқуқ ва мажбуриятлари масалалари таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** жигар, юрак ва ўпка трансплантацияси, замонавий тиббиёт технологиялари, буйрак кўчириб ўтказиш амалиёти, ЭКУ (сунъий уруғлантириш), суррогат оналик, ЁРТ (ёрдамчи репродуктив технологиялар).

Мамлакатимизда мустақиллик йилларига қадар тиббий хизмат борасидаги қонунчилик 1922 ва 1964 йилларда РСФСРнинг Фуқаролик кодекслари асосида қабул қилинган ЎзССР ҳуқуқ меъёрларида, шунингдек шу даврдаги ЎзССРнинг 1927-1937 ҳамда 1978-йилларда қабул қилинган конституцияларида ўз аксини топмаган. Ўтган асрнинг охирига келибгина, яъни 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 40-моддасида “Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга”лиги кафолатланди. Бугунги кунда 1997 йил 1 мартда кучга кирган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 38-боби “Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш” деб номланиб, 703-708 моддалари доирасида белгиланган ҳақ эвазига тиббий хизматлар кўрсатилмоқда. Бироқ, илмий техникавий инқилоб янги ижтимоий муносабатларни вужудга келтириши ХХ асрда қабул қилинган меъёрлар қамровидан ташқаридаги муносабатларнинг вужудга келишига сабаб бўлди.

Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, ривожланаётган рақамли технологияларнинг тиббиётга жорий қилиниши натижасида инсон аъзоларининг трансплантацияси соҳасини тартибга солиш учун Ўзбекистон Республикасининг “Инсон аъзолари ва тўқималарининг трансплантацияси тўғрисида”ги қонуни, инсоннинг юрак хасталиги билан боғлиқ касалликларни даволашнинг ҳуқуқий тартибга солиш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Юрак-қон томир касалликларининг олдини олиш ва даволаш сифатини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори жумладан сунъий уруғлантириш масаласида Соғлиқни сақлаш вазирининг “Ёрдамчи репродуктив технологиялардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи каби бошқа бир қанча ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинишига зарурият пайдо бўлди. Бундан ташқари, ХХI асрда суррогат оналик муносабатларининг вужудга келиши ушбу муносабатларнинг Ўзбекистонда кундалик ҳаётда

учрашига қарамай расмийлаштирилмаганлиги сабабли миллий қонунчилигимиз ва соҳа амалиётида ушбу институтнинг “де-юре” жорий қилиниши зарурати мақоламизнинг нечоғли долзарб эканлигини кўрсатади.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикасида тиббий хизмат кўрсатишга оид мазкур муносабатларнинг барчаси шартномавий-ҳуқуқий тартибга солинганми ёки йўқми?

Тиббий хизмат кўрсатиш шартномавий-ҳуқуқий муносабатларида шартнома тарафларидан бўлган тиббиёт муассасаси (давлат ёки хусусий) ва тиббиёт хизматида эҳтиёжи учун мурожаат қилган шахснинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ишлаб чиқилганми?

Юрак-қон томир касалликларини даволашда стентлаш амалиёти жараёнида, инсон аъзолари ва тўқималарининг трансплантацияси ёки ёрдамчи репродуктив технологиялардан фойдаланиш масалаларида тиббиёт муассасасининг ўз мажбуриятларини бажармаслиги ёки лозим даражада бажармаслиги оқибатида, мазкур амалиётни амалга оширган тиббиёт муассасаларининг мутасадди шахсларининг жиноий жавобгарликка тортилишидан ташқари шартнома тарафи ҳисобланган мижоз олдида қандай шартномавий ҳуқуқий жавобгарликлар мавжуд?

Мазкур муносабатларда шартномавий ҳуқуқий жавобгарликнинг моддий ва маънавий қиймати қандай кўринишда тўлаб берилади ёки қопланади? , – деган ҳақли саволлар туғилади.

Бундан кўринадики, тиббий хизмат кўрсатишга оид муносабатларни шартномавий ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш масаласини илмий-назарий таҳлил қилиш жуда муҳим ҳисобланади.

Мазкур соҳани тартибга солиш амалиётига назар ташласак МДҲ, жумладан Россия давлатида “Россия Федерациясида Соғлиқни сақлаш тўғрисида”, “Хусусий тиббий фаолиятни тартибга солиш тўғрисида”, “тиббий хизматлар, тиббий асбоблар ва дори-дармонларни реклама қилиш тўғрисида” федерал қонун лойиҳалари ва

бошқалар Россия давлат Думасида кўриб чиқилмоқда.” Демак, Россия Федерациясида тиббий хизмат кўрсатиш билан боғлиқ шартномавий ҳуқуқий муносабатлар норма ижодкорлигида ҳам ўз аксини топган.

Ривожланган мамлакатлар нафақат мазкур муносабатларни балки, тиббий хизмат кўрсатишга оид муносабатларни шартномавий ҳуқуқий тартибга солишда бу хизматни амалга оширадиган хизматчилар, яъни врачларнинг фаолиятига оид нормалар ҳам қабул қилишган.

Бундан ташқари, ғарб мамлакатларида тиббий хизмат кўрсатишга оид муносабатларни шартномавий ҳуқуқий тартибга солишдан ташқари бу хизмат қамровида учинчи шахслар томонидан жиноятлар содир этилмаслиги учун ҳам қатор тадбирлар кўрилмақда. Хусусан, 2002 йилги NHS ислоҳоти ва соғлиқни сақлаш касблари тўғрисидаги қонун соғлиқни сақлаш касбларини тартибга солиш бўйича кенгашни тузди. Кенгаш қонун билан белгиланган ваколатларга эга, агар у жамоат манфаатларига хизмат қилмаётган деб ҳисобласа ёки назорат қилувчи орган ўта энгил деб ҳисобланган санкцияни қўллаган бўлса, аралашувни амалга ошириш имконини беради.

Юқоридаги маълумотлардан аён бўладики, ривожланган давлатлар тажрибасида тиббий хизмат кўрсатишга оид муносабатларни шартномавий ҳуқуқий тартибга солишдан ташқари мазкур соҳада фаолият кўрсатадиган субъектларнинг фаолиятини тартибга солиш масалалари ҳам норма ижодкорлигида ва илмий-назарий тадқиқотларда таҳлил қилинмоқда.

Инсониятнинг мавжудлиги давомида жамият, хусусан, оила институти, ахборот, коммуникация, тиббиёт ва бошқа технологияларнинг жадал ривожланиши туфайли ўзгариши, тараққий этиши табиий жараён ҳисобланади. Сўнгги ўн йил ичида тиббиётнинг жадал ривожланиши туфайли тиббий хизматлар ўзининг кўлами, миқдори ва ҳажми жиҳатидан сезиларли даражада ривожланди.

Тиббий хизмат кўрсатишга оид муносабатларни шартномавий ҳуқуқий тартибга солиш мураккаб тузилишга эга. Чунки, мазкур шартнома бошқа шартномалардан фарқли равишда қамрови доирасининг кенглиги, шунингдек, бошқа шартномаларнинг элементларини ўзида акс этганлиги билан фарқланади.

Ҳуқуқий нуқтаи назардан, инсон аъзолари ва тўқималарининг трансплантацияси амалиётида ўзида трансплантацияни қилдирувчи шахс яъни бемор, донор вазифасини бажарувчи шахс ҳамда трансплантация жараёнларини амалга оширувчи тиббиёт ташкилоти, юрак-қон томир касалликларини даволаш жараёнида стентлаш амалиётини амалга оширишда бемор ҳамда

стентлаш амалиётини амалга оширувчи тиббиёт ташкилоти ва ёрдамчи репродуктив технологиялардан фойдаланиш билан боғлиқ амалиётда сунъий уруғлантиришни амалга оширувчи қонуний эр-хотин ва сунъий уруғлантириш амалга ошириш лицензиясига эга тиббиёт ташкилотлари қатнашади.

Суррогат оналик дастурида суррогат она, суррогат оналик дастурида иштирок этувчи фарзанд кўра олмаслиги биологик нуқтаи назардан исботланган қонуний эр-хотин ҳамда белгиланган тартибда рухсатномага эга тиббиёт ташкилоти иштирок этади. Бунда кўчирилган донор эмбрионини ўз танасида белгиланган муддат кўтариб юрган аёлнинг суррогат оналик дастури натижасида вужудга келган бола билан генетик алоқаси йўқлиги туфайли фуқаролик ҳуқуқий муносабатида мазкур шартнома ўзига хос аҳамият касб этади.

**Тиббий хизмат кўрсатишга оид муносабатларни шартномавий ҳуқуқий тартибга солиш билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатларни таҳлил қилиш натижасида қуйидаги муаммоларни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин:**

- тиббий хизмат кўрсатиш шартномасининг шакли ва предмети;

- тиббий хизмат кўрсатиш шартномаси тарафларининг мажбуриятларини бажаришдан бош тортиши ва қандай шароитларда бунга йўл қўйилиши;

- тиббий хизмат кўрсатишга оид муносабатларнинг якунида ва кейинчалик тиббий хизмат кўрсатилган шахс умумий ва кундалик аҳволининг қониқарли ёки яхши, аъло даражада эканлиги;

- инсон аъзолари ва тўқималарининг трансплантацияси амалиётидан кейин донор вазифасини бажарган шахснинг саломатлиги даражаси;

- тиббий хизмат кўрсатиш муносабатларида нарх масаласи ва уни белгилашда давлатнинг иштироки лозим ёки лозим эмаслиги;

- юрак-қон томир касалликларини даволашда стентлаш амалиётидан кейин беморнинг умумий аҳволи ва унга кейинчалик кўрсатилиши лозим бўлган хизмат турлари;

- агар тиббий хизмат кўрсатиш муносабатларида мазкур дастур амалиётига мижоз ёки бемор сифатида қатнашувчи тарафнинг тиббий кўрсатмаларга амал қилмаслиги оқибатлари ёки тиббиёт ташкилотининг хатоси аниқланса, мазкур хато натижасида унга нисбатан қандай ҳуқуқий чора қўлланилиши мумкинлиги каби

*муаммоли вазиятлар мавжудлигини шартнома тарафларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларидан келиб чиқиб таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.*

Маълумки, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасини бекор қилишда умумий қоида бўйича шартнома тарафларнинг келишуви-га мувофиқ ўзгартирилиши ёки бекор бўлиши мумкин. Буюртмачи хизматларнинг белгиланган баҳосини батамом тўлаш шarti билан ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасини бекор қилишни талаб қилишга ҳақли, шартнома ижро-чининг айбли ҳаракатлари туфайли бекор қи-лингaн ҳоллар бундан мустасно. Бирок, тиббий хизмат шартномаларининг ҳаммасига нисбатан ҳам ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси-нинг бекор қилиш тартибини қўллаб бўлмайди. Сабаби, мазкур шартномаларнинг натижаси моддий ашё билан эмас, амалиёт якунида шахс сихат-саломатлиги билан боғлиқлигидадир. Биз-нинг фикримизча масалага шу нуқтаи назардан келиб чиқиб ёндашмоқ лозим.

Тиббий хизмат кўрсатишга оид муносабат-ларни шартномавий ҳуқуқий тартибга солишни таъминлаш мақсадида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин;

биринчидан, тиббий хизмат кўрсатишга оид муносабатларни шартномавий ҳуқуқий тартиб-га солиш мавзусида мамлакатимизда мавжуд норма ижодкорлигида зарурий ўзгартириш ва қўшимчаларни киритиш лозим;

иккинчидан, Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролик кодекси”да берилган таърифлар-нинг турлича талқин қилинмаслиги ҳамда бир хилдаги атамаларнинг қўлланилишини таъмин-лаш мақсадида мазкур кодекс таркибига тиб-бий хизмат кўрсатишни ҳақ эвазига ёки бепул амалга ошириш, тиббий хизмат кўрсатишга ҳақ тўлаш, тиббий хизмат кўрсатиш шартномаси-ни бузганлик учун тарафларнинг жавобгарлиги тўғрисида модда(лар) ҳам киритилиши лозим. Фикримизча, мазкур ўзгартиришлар мамлақати-мизда оила ва фуқаролик ҳуқуқи соҳасида олиб борилаётган сиёсатга мувофиқ ҳисобланади;

учинчидан, Ўзбекистон Республикаси фуқа-ролик ҳуқуқида тиббий хизмат кўрсатиш муно-сабатларини тартибга солиш мураккаб жараён-дир. Шу сабабли тиббий хизмат кўрсатиш билан боғлиқ ҳужжатлар ва тиббий хизмат кўрсатиш зарурлиги қонунчиликда тўғридан-тўғри белги-лаб қўйилиши лозим. Тиббий хизмат кўрсатиш муносабатлари алоҳида табиий хусусиятига эга бўлади. Алоҳида табиий хусусиятлар (соғлиқ, бе-морнинг амалиётдан кейинги саломатлигининг аҳволи), амалиётнинг сарф-харажатлари, амали-ёт иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ акс эттирилиши лозим;

тўртинчидан, тиббий хизмат кўрсатиш шарт-номаси тарафларидан бирининг шартнома шартларини бажармаганлиги ёки лозим дара-жада бажармаганлиги натижасида тарафлар-нинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш зарурати вужудга келади. Шуни ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролик ко-декси”га ҳамда “Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида”ги қонунининг тегишли моддаларига ўзгартириш ва қўшимчаларни киритиш мақсад-га мувофиқдир;

бешинчидан, тиббий хизмат кўрсатиш шарт-номасининг нархи ва ҳисоб-китоблар тартиби, шартноманинг амал қилиш муддати, тиббий хиз-мат кўрсатиш шартномаси тарафларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек, жавобгарлиги, тиббий хизмат кўрсатиш шартномасини ўзгар-тириш, тугатиш ва бекор қилиш, айрим тиббий хизмат кўрсатиш шартномаларининг махфий-лиги, низоларни ҳал этиш тартиби, шартномага оид қўшимча шартларни ўз ичига олган “Тиббий хизмат кўрсатиш шартномасининг намунавий лойиҳаси”ни ишлаб чиқиш ҳамда шу усулда мазкур муносабатларни ҳуқуқий тартибга со-лиш масаланинг ечими бўлади.

Юқоридаги ўзгаришларнинг қонунчилик-да акс этиши мамлакатимизда тиббий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаб аҳолининг тиббий хизматлардан фойдаланиш сифат даражасини кўтаришга хизмат қилади.

**Жамшид АБДУЛЛАЕВ,**

*юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD).*

### Фойдаланилган адабиётлар:

- Allsop J. Regulation and the medical profession. In: Allsop J, Saks M, eds. Regulating the Health Profession. London: Sage, 2002.
- Жамкова Ольга Евгеньевна. “Правовое регулирование оказания медицинских услуг по законодательству Российской Федерации” Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук Специальность 12 00 03 —гражданское право, предпринимательское право, семейное право, международное частное право. Москва – 2007.
- Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 27.01.2022 й., 07/22/103/0070-сон, 07.04.2022 й., 06/22/98/0279-сон; 13.06.2023 й., 06/23/92/0366-сон; 08.09.2023 й., 07/23/296/0687-сон.
- Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.02.2020 й., 10/20/3217/0136-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 17.05.2021 й., 10/21/3217-1/0463-сон, 28.07.2021 й., 10/21/3313/0724-сон.
- Samanta A, Samanta J, Gunn M. Legal considerations of clinical guidelines: will NICE make a difference? J R Soc Med 2003;96: 133-8
- Fuqarolik huquqi. Q.II / M. Abdusalomov, X. Azizov, B.Axmadjonov va boshq.; O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi, Toshkent davlat yuridik instituti. - Toshkent: Adolat, 2007. 296-6et.
- “Халқ сўзи” газетаси, 1992 йил 15 декабрь, 243 (494)-сон; Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 й., 1-сон.
- <https://www.gazeta.uz/uz/2023/04/19/transplantation/>
- <https://www.gazeta.uz/uz/2021/09/21/senate/>
- <https://yuz.uz/news/interventsion-kardiologiya-stentlash-amaliyoti-qanday-bemorlarda-otkaziladi>
- <https://biotexcom.uz/how-to-participate/>

# СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАРНИ БОШҚАРИШ ҚОНУНЧИЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

## АННОТАЦИЯ:

*ушбу мақолада ҳозирги даврда бўлган экологик муаммоларнинг ер майдонларига таъсири, суғориладиган ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий тартиби, ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш қонунчилигини такомиллаштириш масалалари, сувдан фойдаланишнинг ҳуқуқий табиати ҳақида фикр юритилади.*

**Калит сўзлар:** *ер, суғориладиган ерлар, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар, барқарор ривожланиш мақсадлари, иссиқхона, трансчегаравий сувлар.*

Суғориладиган ерлар деганда қишлоқ хўжалиги мақсадларида, одатда, каналлар, қудуқлар ёки бошқа тизимлар орқали сунъий равишда сув билан таъминланган ҳудудлар тушунилади. Сунъий суғориш табиий ёғингарчилик экинларнинг ўсиши учун етарли бўлмаган қурғоқчил ёки ярим қурғоқчил ҳудудларда қишлоқ хўжалиги ҳосилдорлиги учун зарурдир. Суғориладиган ерларни тартибга солишнинг ҳуқуқий табиати сув манбаларини бошқаришни таъминлаш, нотўғри фойдаланиш, самарали деҳқончилик амалиёти тарғиб қилиш учун ушбу ҳудудларни муҳофаза қилиш ва тартибга солишга қаратилган бўлади. Суғориладиган ерлар ҳуқуқий режимининг ўзига хослиги юрисдикция ва маҳаллий шароитга қараб фарқ қилиши мумкин. Яъни, ҳар бир ҳудуднинг ички ҳуқуқий ҳужжатлари бир-биридан тубдан фарқ қилади. Шу сабабли ҳам иқлим шароитидан келиб чиққан ҳолда хорижий тажрибаларни ҳам тадқиқ этиш аҳамият касб этади.

**Ўзбекистон Республикасида ер фонди ерларидан фойдаланиш белгиланган асосий мақсадига кўра бир нечта тоифаларга бўлинади: Хусусан, Ер кодексининг 8-моддасига асосан, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар тоифаси ҳам келтирилган:**

*қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар — қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун берилган ёки ана шу мақсадга мўлжалланган ерлардир. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар суғориладиган ва суғорилмайдиган (лалмикор), ҳайдаладиган ерлар, пичанзорлар, яйловлар, кўп йиллик мевали дов-дарахтлар ва тоқзорлар эгаллаган ерларга бўлинади;*

*қишлоқ хўжалигида фойдаланиш ва суғориш учун ярқли бўлган, сув манбалари шу ерларни суғоришни таъминлай оладиган суғориш манбаи билан боғланган доимий ёки муваққат суғориш тармоғига эга бўлган ерлар суғориладиган ерлар жумласига киради.*

Янада аниқроқ айтадиган бўлсак, сув объектларидан қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун фой-

даланиш орқали суғориладиган ер майдонлари вужудга келади.

Бугунги кунда суғориладиган ер майдонларидан фойдаланиш ва уларни ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилишнинг аҳамиятини статистик маълумотлардан ҳам англаш қийин эмас. Жумладан, 2022 йил 1 январь ҳолатига кўра Ўзбекистон Республикасининг умумий майдони жами 44 миллион 892 минг 400 гектарни ташкил этса, шундан 4 миллион 331 минг 700 гектари, яъни жами ер майдонларининг атиги 9.7 фоизи суғориладиган ерлардан иборат.

Шу кунга қадар электрон тизим орқали 24 миллион гектар қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар тўлиқ ҳисобга олинган. Шундан 23 миллион гектари (93,6) давлат рўйхатидан ўтказилди. Рўйхатдан ўтказилган ерларнинг 54 фоизи суғориладиган ер майдонларидан иборат.

Ушбу маълумотлардан тушунишимиз мумкинки, суғориладиган ер майдонларини муҳофаза қилиш муҳим вазифалардан бири бўлиши керак. Ер кодексининг 44-моддаси 2-қисмида сув хўжалиги органлари суғориладиган ери бўлган ер эгалари ва ердан фойдаланувчиларни суғориш ишлари учун манбаларнинг серсувлигини ҳисобга олган ҳолда жорий этилган лимитлар бўйича сув тўғрисидаги қонунчилик билан белгиланадиган тартибда сув билан таъминлашлари шарт эканлиги белгиланган.

Шунингдек, рўйхатдан ўтказилган ерларнинг асосий қисми қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар бўлиб, 54 фоизи ташкил этади. Бунинг бўғинида кичик тоифалар шакланган бўлиб, улар фермер хўжаликлари, кластер, МЧЖ, корхона ва ташкилотлар, ёрдамчи хўжаликлар, деҳқон хўжаликлари, Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш кўмитасига қарашли ерлар ва бошқа қишлоқ хўжалиги мақсадларида фойдаланиладиганлар жумласига киради.

Маълумки, Маъмурий судлар ерга оид низоларни кўриб чиқади. Судлар томонидан кўрилган ишлар статистикасини кўриб чиқадиган бўлсак, 2021 йил якуни бўйича ер билан боғлиқ жами 3 798 та оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб

чиқадиган ариза (шикоят)лар кўриб чиқилиб, шулардан, 1 694 та қаноатлантирилган, 1 693 та рад қилинган, 195 та кўрмасдан қолдирилган ва 216 та иш юритиш тугатилган бўлса, 2022 йил якунига кўра ер билан боғлиқ жами 3 965 та оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ариза (шикоят)лар кўриб чиқилиб, шулардан, 1 468 та қаноатлантирилган, 2 026 та рад қилинган, 208 та кўрмасдан қолдирилган ва 263 та иш юритиш тугатилган.

2023 йилнинг дастлабки 9 ойи бўйича ер билан боғлиқ жами 2 495 та оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ариза (шикоят)лар кўриб чиқилиб, шулардан, 967 та қаноатлантирилган, 1 154 та рад қилинган, 185 та кўрмасдан қолдирилган ва 189 та иш юритиш тугатилган. Статистик маълумотлардан кўришимиз мумкинки, сўнгги йиллардаги ижобий ўзгаришларга қарамадан ерга оид низолар кўпайиб бормоқда. Эътиборлиси шундаки, асосий аризалар қаноатлантирилмасдан қолмоқда, бу эса, суд амалиётининг тўғри қўйилаётганлиги ёхуд маъмурий органларга ён босиш ҳолатлари бўлмаётганлигини шубҳа остига қўяди.

Ер кодексида асосан, суғориладиган ерларга бўлган бир қатор талаблар мавжуд.

Суғориладиган ерлардан фақат қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш, шунингдек боғдорчилик, узумчилик ва кўп йиллик дов-дарактлар етиштириш учун фойдаланилиши мумкин.

Суғориладиган ерлар махсус муҳофаза қилиниши лозим. Бундай ерларни суғорилмайдиган ерлар сирасига ўтказиш алоҳида ҳолларда, тупроқ-мелиоратив ва иқтисодий шароитлар, ерларнинг сув билан таъминланганлиги, улардаги мавжуд сув манбалари ҳамда бу сувларга белгиланган лимитлар инobatга олинган ҳолда Қишлоқ хўжалиги, Сув хўжалиги вазирлигининг ҳулосасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан амалга оширилади.

Суғориладиган ерларни қишлоқ хўжалигидан бошқа мақсадлар учун, шу жумладан саноат ва фуқаролик объектлари (бинолар ва иншоотлар) қурилиши учун, шунингдек унумдор тупроқ талаб этилмайдиган илғор технологияларнинг (гидропоника ва бошқалар) янги усуллари қўлланиладиган иссиқхоналар қурилиши учун ажратишга йўл қўйилмайди.

Суғориладиган ерларда қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда уларга тупроқ унумдорлиги пасайишига олиб келадиган тарзда усуллар билан ишлов бериш ёки уларнинг шикастланишига олиб келувчи бошқа усуллари қўллаш таъқиқланади.

Ушбу талаблардан келиб чиқиб кўришимиз мумкинки, иссиқхоналар қурилиши учун суғориладиган ер майдонларидан фойдаланишга ерлар ажратилмайди. Аммо бугунги имкониятлардан

келиб чиққан ҳолда сувни тежаш имконини берувчи ҳамда ҳосил унумдорлигини оширишга хизмат қилиши мумкин бўлган иссиқхоналарга ҳам мазкур тоифадаги ерларнинг ажратилиши ҳақида тадқиқот ишларининг олиб борилиши зарурлиги кўринади. Агротехнологиялар ривожланиши жараёнида қишлоқ хўжалиги ривожланган давлатларда бир неча қаватли сунъий иссиқхоналар ҳам яратилган. Бу эса ерлардан икки ҳисса фойдаланишга имконият яратиб бермоқда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Атроф-муҳит бўйича дастури (УНЕП), Пан Африка Котибияти (ПАСС) томонидан нашр қилинган С.О.Окиди мақоласида суғориладиган ерлардан фойдаланишда сув ҳавзаларини бошқаришни такомиллаштириш мақсадида ёмғир сувини йиғиш, ердан фойдаланишнинг экологик хавфсиз усулларини қабул қилиш ва улардан фойдаланишни рағбатлантириш мажбуриятини белгилашни илгари сурган. Замон технологиялари ривожланган бир вақтда ерлардан фойдаланишда экологик ҳолатнинг аҳамияти долзарб эканлиги кўринади. Хусусан, нафақат тоғли ҳудудларда балки аҳоли яшаш пунктларида ҳам дренаж тизимларини ривожлантириш орқали ёмғир сувларидан оқилона фойдаланиш имкониятларини кўриб чиқиш мумкин.

Ўрганишимиз давомида айтишимиз мумкинки, сувдан оқилона фойдаланишда рақамлаштириш ирригация тизимларини бошқариш ва улардан фойдаланишда инқилоб қилиш имкониятини вужудга келтиради. Жумладан, масофадан зондлаш ва мониторинг қилиш имконияти мавжудлиги асосланади. Бу орқали сунъий йўлдош тасвирлари, ҳаво дронлари ва ерга асосланган сенсорлар суғориш сувидан фойдаланиш, экинларнинг соғлиги ва тупроқ намлиги даражаси бўйича реал вақт режимида маълумотларни тўплаш учун ишлатилиши мумкин. Бу маълумотлар фермерлар ва сув хўжалиги субъектларига суғориш жадвалини тузиш бўйича асосли қарорлар қабул қилиш, сув таъсиридаги ҳудудларни аниқлаш ва суғориш амалиётини оптималлаштириш имконини беради.

Шунингдек, аниқ суғориш тизимини рақамлаштириш ҳам мумкин. Томчилатиб суғориш ва сувни тўғридан-тўғри ўсимлик илдиз зонасига етказиб берадиган пуркаш тизимлари каби нозик суғориш усулларини жорий этиш орқали суғориладиган ерларнинг муҳофаза қилиниши қулайлаштирилади. Бу эса сувлардан оқилона фойдаланиш ҳамда сув исрофгарчилигини назорат қилишга хизмат қилади.

Ерлардан фойдаланиш бўйича ҳуқуқбузарликларга жавобгарлик масалаларини ҳам қайта кўриб чиқиш керак. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 65-моддасида ерга эгаллик қилувчилар, ердан фойдаланувчилар ва ижа-

рачилар томонидан бир гектаргача майдонга эга ер участкасида суғориладиган ерларни яхшилаш ҳамда муҳофаза қилиш, шу жумладан ерлардан мақсадли, оқилона фойдаланишни, тупроқнинг қайта тикланишини ва ҳосилдорлиги оширилишини таъминлаш бўйича мажбуриятларнинг ба- жарилмаслиги учун маъмурий жавобгарлик бел- гиланган. Ёки бўлмаса, сувларни ифлослантириш ёки булғатиш, сувтўплагич иншоотларида сувни муҳофаза қилиш режимини бузиш, шунингдек сув объектларига оқинди сувларни оқишига йўл қўйиш шартлари тўғрисидаги талабларни бузиш (72-модда), сувдан фойдаланиш ва сув истеъмо- ли қоидаларини бузиш (74-модда)га нисбатан ҳам жавобгарлик белгиланган бўлса-да, мазкур тоифадаги ҳуқуқбузарликларни аниқлаш учун етарли механизмлар яратилмаган. Аксарият ҳолларда, ҳуқуқбузарларнинг ҳаракатлари яши- рин равишда, аниқланмасдан қолиб кетмоқда. Шу сабабли сўнги йилларда ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берганлик учун рағбатлантириш- ни ушбу муносабатларга жорий этиш масала- ларини кўриб чиқиш керак. Хусусан, ерлардан фойдланишнинг бевосита “экологик ҳалокат”га, экологик жараёнларнинг эса, суғориладиган ер- лардан фойдаланишга таъсирларини инобатга олган ҳолда ушбу муносабатларда белгилан- ган ҳуқуқбузарликлар (Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 65, 72, 74, 76 - модда- лари) ҳақида хабар берганлик учун шахсларга рағбатлантириш чораларини кўриб чиқиш мақ- садга мувофиқ бўлади.

Умумий асослардан хулоса қилишимиз мум- кинки, ҳозирги даврда суғориладиган ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишда юқо- рида келтирилган бир қатор чора-тадбирларни амалга ошириш истиқболларини ўрганиб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Чунки, қишлоқ хўжалиги бевосита сув билан таъминлашга асос- ланган бўлиб, ундан оқилона фойдаланишни ҳамда халқаро шартномаларда назарда тутил- ган келажак авлод учун ҳам табиий манбаларни муҳофаза қилишни тақозо этади.

Юқорида таъкидланганидек, ерларни суғо- риш жараёнида рақамлаштириш технологияла- рини жорий этиш орқали автоматлаштирилган сув тақсимлаш тизимлари экинларга бўлган та- лаб, сув мавжудлиги ва тарқатиш тармоғининг қувватига қараб сув тақсимотини оптималлашти- риши мумкин. Бу сувнинг керагидан ортиқ сарф- ланишини таъминлайди. Ернинг мелиоратив ҳолатига ижобий таъсир этади. Натижада, суғо- риладиган ер майдонларини муҳофаза қилиш ҳуқуқий жиҳатдан ҳам осонлашади.

Бундан ташқари, сувлардан фойдаланишда мобил иловалар орқали қишлоқ хўжалиги субъ- ектлари учун электрон назоратни яратиш мум- кин. Мазкур иловалар фойдаланувчиларга суғо-

риш тизимларини масофадан туриб кузатиш ва бошқариш имконини беради. Улар ўзларининг смартфонлари ёки бошқа қурилмалари ёрда- мида исталган жойдан тизим ишлаши, суғориш жадвалларини назорат қилиш ва созиламаларни ўзгартириш ҳақида реал вақт режимда огоҳлан- тириш олишлари мумкин. Мобил иловаларни яратиш бўйича давлат грантларини эълон қилган ҳолда тадбиркорлик субъектларини жалб қилиш мумкин бўлади.

Шунингдек, трансчегаравий сув манбалари кўп мамлакатларда жойлашган ерларни суғориш билан таъминлаши мумкин. Бундай вазиятларда суғориладиган ерларнинг ҳуқуқий режимлари ҳамкорликда бошқарувни, адолатли тақсимлаш- ни ва иштирок этувчи давлатлар ўртасидаги ни- золарни ҳал қилишни таъминлаш учун халқаро шартномаларни тузиш зарурлигини намоеън қи- лади. Маълумки, “Khaama Press” маълумотлари бўйича, 2022 йилдан бошлаб Афғонистон Аму- дарё ўзанидан Қўштепа каналини қуриш ишлари- ни бошлади. Лойихага кўра, канал узунлиги 285 километрни ташкил қилади. У Амударёнинг Балх вилояти қисмидан бошланиб, Жузжон орқали Фарёбда тугайди. Лойиха уч босқичдан иборат бўлиб, биринчи босқич 108 километрни ташкил этади ва у 2024 йил давомида амалга оширили- ши кутилмоқда. 177 километрни ташкил этувчи иккинчи ва учинчи босқич эса беш йил ичида яқунланиши белгиланган. Бу эса, ўз навбатида Туркменистон ҳамда Ўзбекистон учун бевосита таъсир этади. Афғонистоннинг ҳеч бир халқаро шартномага қўшилмаганлиги эса, ушбу ҳолатни ҳуқуқий тартибга солишда муаммоларни вужуд- га келтирмоқда. Шу сабабли ҳам трансчегара- вий сувлардан фойдаланишда икки томонлама, минтақалараро халқаро шартномалар тузиш им- кониятларини ўрганиш ҳам долзарблигича қол- моқда.

### Шахбозбек ШОЯДБЕКОВ,

*Судялар олий мактаби кабинет мудир,*  
*Тошкент давлат юридик университети*  
*магистранти.*

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ер ҳуқуқи. Дарслик. Муаллифлар жамоаси // Масъул муҳаррирлар: юридик фанлар доктори, профессор Ж.Т. Холмўминов. - Тошкент: ТДЮ, 2019.-252 б. 9-бет.
2. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси 01.07.1998-йил.
3. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Сув ва сувдан фойдала- ниш тўғрисида”ги қонуни, 06.05.1993 йилдаги 837-XII-сон.
5. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳу- зуридаги Кадастр агентлиги томонидан 2022-йил 22-апрел кунги ўтказилган матбуот анжумани материаллари.
6. Файзиев Ш.Х. “Теоретические проблемы правового обеспечения экологической политики Республики Узбекистан” докторлик диссертацияси, Тошкент-2004.

# Тўзғишган гуноҳ



**Бир киши донишманд ҳузурига бориб:**

**– Мен гийбат ва чақимчилик қилиб қўйдим. Қилмишимдан пушаймонман, тавба қилмоқчиман. Тавбам қабул бўлиши учун нима қилсам бўлади? – деди.**

**Донишманд:**

**– Эртага пар ёстиқ олиб кел, – деди.**

**Эртаси кун қўлидаги пар ёстиқни кесиб, патларни тўкишни буюрди. Патлар учиб, ҳар тарафга ёйилиб кетди.**

**Донишманд:**

**– Энди ҳаммасини йиғиб кел, – деди.**

**Одам ҳайрон бўлди:**

**– Бунинг сира иложи йўқ, – деди.**

**Донишманд:**

**– Одамларнинг орқасидан гапирганинг ҳам шундай тарқалиб кетди. Шу боис сен гийбат қилган одамларга яхшилик қил. Илгари хатоларини гапирган бўлсанг, энди яхшиликларидан сўз оч. Олдин хафа қилган бўлсанг, энди севинтир. Шояд, уларни рози қилиб, нажот топсанг, – деди.**

# “РИЭЛТОР”МИ ЁКИ “МАКЛЕР”?

## АННОТАЦИЯ:

*мақолада бугунги кунда аҳоли орасида кенг тарқалган ва кўчмас мулк бозорини бевосита тартибга солишда хизмат қиладиган риэлторлик фаолияти билан боғлиқ ҳаракатлар ҳамда кўчмас мулк соҳасида амалга оширилаётган ижобий ишлар ҳақида сўз боради. Бундан ташқари, риэлтор, маклер ва брокер сўзларининг лугавий маънолари ва уларнинг асл фаолиятларига алоҳида урғу берилади.*

**Калит сўзлар:** риэлтор, маклер, брокер, кўчмас мулк, бозор, олди-сотди шартномаси, битимлар, қонунчиликка тақлиф, қонун.

Бугунги кунда тадбиркорлик соҳасининг ажралмас қисми сифатида кўчмас мулк бозорини кўрсатишимиз мумкин. Қаерга қарамайлик, турар ёки нотурар жойларни сотишга мўлжалланган реклама роликлари, баннерлар ва бошқа материалларга кўзимиз тушади. Баъзи фуқаролар, қурилиш фирмалари ёки шу каби юридик шахслар кўчмас мулк олди-сотдисини ўзлари тақлиф қилсалар, бошқа бир шахслар риэлторлар орқали шартнома расмийлаштиришни мақсадга мувофиқ, деб биладилар. Лекин, айрим бир олғир, ўзларининг тилида айтганда “ишбилармон” кимсалар, риэлтор ёки маклер ниқоби остида одамларни чув тушираётганлиги ачинарли ҳол, албатта. Қарс икки қўлдан чиқади деганларидек, аслида фуқароларнинг ўзи ҳам риэлтор, маклер ёки брокер ҳақида тушунчага эгами”, - деган ҳақли савол туғилади. Аксарият одамлар булар бир хил шахс, яъниким “уйфурушлар” деган фикрдалар. Риэлтор ёки маклер билан муомалага киришаётганда на уларнинг сертификати, на ташкилотнинг лицензияси ва на шартнома шартлари ёки наинки қўйилаётган баҳонинг сабаби сўралади. Бундай муносабат фақатгина истеъмолчи ҳуқуқларининг бузилишига олиб келибгина қолмай, моддий томондан ҳам зарар келтириб чиқаради.

Биринчи навбатда риэлтор аслида ким?, - деган саволга эътибор қаратамиз.

Риэлтор бу - кўчмас мулк бозорида ҳақ эвазига хизмат кўрсатувчи шахсдир.

Риэлторлик эса - шахсий фикримизча тарафлар (жисмоний ва юридик шахслар)нинг кўчмас мулк объектлари (турар ва нотурар жойлар)га ва уларга бўлган ҳуқуқларга доир битимлар (шартномалар) тузиш билан боғлиқ бўлган ҳаракатларни қонунда белгиланган тартибда шартномавий муносабат шаклида кўрсатиш бўйича фаолиятдир.

Мухтасар айтганда, риэлторлик фаолияти - муҳим ижтимоий масъулиятли бизнесдир. Кўчмас мулк бозори аҳоли турмуш даражаси ва сифати, шунингдек, барча мулкчилик шаклидаги корхона ва ташкилотларнинг ривожлантириш кўрсаткичларини ифода этадиган бозор иқтисодиётининг таркибий қисмларидан биридир.

Энди маклер тушунчасининг таърифига тўхталиб ўтамыз.

Маклер (немисча Makler) — сотувчи ва харидор ўртасидаги воситачи, товарлар, қимматли қоғозлар, хизматлар ва бошқа олди-сотди ишларида воситачилик қиладиган шахс. Биржа маклерлари ходимлар таркибига киради, товар секцияларида савдо қилади. Биржа аъзолари бўлган айрим маклерлар ўз ҳисобидан қимматли қоғозларни сотиб олади ва сотади, харидор ва сотувчи брокерларнинг олди-сотди бўйича оғзаки келишувларини рўйхатга олади. Маклер келишувда қатнашган томонларнинг ҳар биридан олди-сотди қийматининг муайян фоизи миқдорида ҳақ олади.

Берилган таърифлардан риэлтор ва маклернинг бир-бирдан фарқини кўришимиз мумкин. Энди брокер сўзига таъриф бериб ўтамыз.

Брокер (инглизча - broker) — фонд, товар, валюта биржаларида олди-сотди битимлари тузишда воситачилик (даллолик) қиладиган айрим шахс ёки фирмалар. Брокерлар одатда, мижоз топшириғига кўра ва унинг ҳисобига иш юритади, кафолат берувчи ҳисобига ўз номидан савдо битимлари тузиши ҳам мумкин. Воситачилик битимлари асосан брокерлик идоралари, фирмалар ёки уларнинг филиаллари орқали расмийлаштирилади. Воситачилик қилгани учун томонларнинг келишувига кўра, биржа кўмитаси жорий этган такса (қатъий баҳо)га мувофиқ олди-сотдининг муайян фоизи миқдорида ҳақ — брокераж олади (одатда брокер ҳақи амалга оширилган шартнома ёки битим қийматининг 0,25—3 фоизини ташкил қилади). Йирик брокерлик идоралари харидорга қарз беришда банклар билан ҳамкорлик қилади, айрим ҳолларда ўзлари кредитор бўладилар, битимлар бажарилишига кафиликни ҳам ўз зиммаларига оладилар. Катта брокер гофброкер деб аталади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, риэлторлик фаолияти маклерлик ва брокерлик фаолиятдан анча фарқ қилади.

Берилган тарифлардан бир қарашда бу соҳаларни бир-бирига боғлашнинг имкони мавжуд эмас. Лекин, уларнинг ўхшашлик томони мавжуд бўлиб, булар бевосита кўчмас мулк ва фонд бозорини тартибга солишдан иборат.

Демак, жисмоний ва юридик шахсларда риэлтор ва маклер ҳақида тушунча мавжуд эмас ёки нотўғри тушунча шаклланган. Бундан ташқари, улар томонидан тартибга солинадиган соҳалар ҳам бир-биридан фарқ қилади.

Фуқаролик кодексининг 83-моддасига кўра мол-мулк фуқаролик ҳуқуқлари объекти сифатида кўчмас ва кўчар мулкка бўлинади.

Кўчмас мулк жумласига ер участкалари, ер ости бойликлари, бинолар, иншоотлар, кўп йиллик дов-дарахтлар ва ер билан узвий боғланган бошқа мол-мулк, яъни белгиланган мақсадига номутаносиб зарар етказмаган ҳолда жойини ўзгартириш мумкин бўлмайдиган объектлар киради.

Қонунда бошқа мол-мулк ҳам кўчмас мол-мулк қаторига киритилиши мумкин. Кўчмас мол-мулкка бўлган ҳуқуқларни қўлга киритиш ва улар бекор бўлишининг хусусиятлари қонунлар билан белгилаб қўйилади. Кўчмас мулк жумласига кирмайдиган мол-мулк кўчар мулк ҳисобланади. Кўчар мулкка бўлган ҳуқуқларни рўйхатдан ўтказиш талаб этилмайди, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Фуқаролик кодексининг 83-моддасида кўчмас



мулкнинг таснифи, умумий тавсифи ва унинг давлат рўйхатидан ўтказилиши қондаси белгиланганини кўришимиз мумкин. Кўчмас мулкнинг таснифи унинг таърифини очиб бера олмаганлиги учун, бизнинг фикримизча, кўчмас мулкларга нисбатан қўлланидиган ягона таъриф ишлаб чиқиб, ушбу моддага қўшимча киритиш лозим. Яъни, кўчмас мулклар – ер майдони, ер ости бойликлари ва унинг устки қисмида жойлашган ҳамда мустақкам боғлиқ бўлган объектлар, қўзғалмас ва алмаштириб бўлмайдиган, алоҳида қийматга эга бўлган ашёлардир.

Кўчмас мулкнинг олди-сотди шартномасига биноан сотувчи ер участкаси, бино, иншоот, квартира ёки бошқа кўчмас мулкни сотиб олувчига мулк қилиб топширишни ўз зиммасига олади. Сотиб олувчи эса бунинг учун тегишли ҳақни тўлаши лозим.

Маклерлик эса воситачиликнинг бир кўриниши бўлиб унга ҳуқуқий адабиётлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда етарлича таъриф бериб ўтилмаган.

Бундан кўриниб турибдики, юқоридаги иккала фаолият ҳам кўчмас мулк билан боғлиқ бўлиб, риэлторлик фақатгина кўчмас мулк билан боғлиқ бўлса, маклерлик ушбу фаолият билан шуғулланувчи воситачилардан биридир, деган тушунча вужудга келади.

Риэлторлик фаолиятини барча фуқаролар ўзича талқин қилади. Баъзи бир шахслар риэлторларни мутахассис сифатида билсалар, бошқа шахслар уларни “фирибгарлар” деган тушунчадалар.

Танганинг икки тарафи бўлганидек, риэлторлик ташкилоти сифатида қонунда белгиланган тартибда лицензия олиб, риэлторлик сертификатига эга бўлган шахслар билан бирга ҳеч қандай қонун-қондаларга амал қилмаётган, олғир, бировнинг ҳақидан қўрқмайдиган сохта риэлторлар ҳам йўқ эмас.

Риэлторлик ташкилотлари ҳозирда “Риэлторлик фаолияти тўғрисида”ги қонунга асосан лицензия асосида кўчмас мулк соҳасида тегишли хизмат турларини амалга ошириб келмоқда. Уларда 15-20 йиллик тажриба ва малака сертификатига эга бўлган мутахассислар фаолият юритади. Риэлторлик ташкилотлари лицензияга асосан 4 та фаолият турини амалга ошириши белгилаб қўйилган. Ҳозирда онлайн аукцион савдоларининг йўлга қўйилиши натижасида риэлторлик ташкилотлари томонидан кўчмас мулк объектлари савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш деярли имконсиз бўлиб қолди.

Бугунги кунда юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган нотурар кўчмас мулк объектларининг олди-сотди шартномалари, ижара шартномаларини тузишда ҳам риэлторлик хизматлари кўрсатилиши йўлга қўйилган. Бу дегани фуқаролар томонидан нотурар жойларни нотариал тасдиқламасдан, риэлторлар орқали олди-сотди қилишлари ҳамда давлат рўйхатидан ўтказишлари кифоя қилади.

2019 йилдан бошлаб кадастр ва олди-сотди шартномаси тузиш учун солиқ ва электр энергияси бўйича маълумотномаларини ҳамда олди-сотди шартномаси тузилган кўчмас мулк ҳақидаги ахборотни интернет орқали юбориш каби онлайн хизматлар ишга туширилди. Шу сабабли риэлторлик ташкилотлари олдида бир қатор муаммолар пайдо бўла бошлади. Ушбу қулай имкониятларнинг йўлга қўйи-

лиши билан ундан фойдаланишни назарда тутувчи барча меъёрий ҳужжатларда риэлторлик ташкилотлари назардан четда қолиб кетмоқда. Яъни, ушбу хизматлардан риэлторлар фойдаланиш имконияти мавжуд эмас.

Илгари юқоридаги қонуннинг 18-моддасига асосан риэлторлар томонидан тегишли ташкилот ва корхоналарга ёзма мурожаат юбориб, маълумот талаб қилиш ҳуқуқи мавжуд эди. Лекин, онлайн хизматларнинг ривожланиб бориши туфайли ташкилотлар томонидан ёзма маълумот тақдим қилиниши чекланиб бормоқда ва риэлторлик ташкилотлари ўзига зарур маълумотларни тўплашда имконсиз бўлиб, ташкилотлардан маълумот сўрашга мажбур бўлмоқда. Бу ўз навбатида ортиқча оворагарчиликлар ҳамда бюрократияни вужудга келтиряпти.

Шу ва шунга ўхшаган муаммо ва камчиликларни енгиб ўтиш мақсадида тегишли мутасадди ташкилотлар ҳуқуқий тарғибот тадбирларини олиб бораётган вақтда қонуний риэлторлар билан сохта “риэлтор” ва “маклер”ларнинг фарқини аҳолига тушунтириб боришлари, риэлторлик шартномаси тузишда тарафларга ёзма равишда тузишни қатъий талаб сифатида қўйиш кераклиги, қонуний риэлторлар фаолиятига кенг имкониятлар яратиш ҳамда уларни бошқа ташкилотлар билан интеграция қилиш зарурлиги тақлиф қилинади.

Кўчмас мулк бозори талаби алоҳида бозордаги истеъмолчиларнинг индивидуал талаблари йиғиндисида боғлиқлиги сабабли бошқа бозорлардан фарқ қилади. Кўчмас мулк бозори талаби ва тақлифи эса маълум бозордаги истеъмолчиларнинг индивидуал талабларини қўшиш орқали олиниши мумкин. Кўчмас мулк бозорида ноқонуний фаолиятни олиб бориш, ўз навбатида бозор мувозанати бузилишига олиб келади. Чунки, кўчмас мулк бозорининг алоҳида хусусияти шундаки, бозорда доимо мувозанат ҳолати рўй беравермайди. Балки, тақлифга қараганда талаб устун юради ва бу нархнинг юқори бўлишига олиб келади. Ноқонуний ҳаракатлар натижасида биринчи навбатда истеъмолчи зарар кўради. Қонуний тадбиркор бўлган риэлтор фаолиятига жиддий зарба берилади.

Юқоридаги ҳолатлар амалга оширилса мамлакат миқёсида риэлторлик соҳасига талаб ҳам кескин ошиб боради. Тадбиркорлик ҳуқуқий муносабатларда кўчмас мулк бозори ва риэлторлик фаолиятининг ривожланиши жамият ривожига муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

**Фурқат АСҚАРОВ,**

*Судьялар олий мактаби тингловчиси.*

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Муаллифлар жамоаси. Фуқаролик ҳуқуқи. Дарслик. – Т.: Илм-Зиё, 2008.
2. Раҳмонкулов Ҳ.Р. Хусусий мулк ва унинг дахлсизлиги. – Т.: Адолат, 2000.
3. “Риэлторлик фаолияти тўғрисида”ги ЎРҚ-269-сонли қонуни.
4. Х.Ёдгоров, Б.Тангабаев, Б.Саидмуратов Кўчмас мулк ва мулк ҳуқуқи. Амалий қўлланма. – Т.: Baktria Press, 2017.
5. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 10 майдаги 129-сонли қарори билан тасдиқланган “Риэлторлик фаолиятини лицензиялаш тўғрисида”ги низом.
7. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
8. [www.president.uz](http://www.president.uz)
9. [www.wikipedia.uz](http://www.wikipedia.uz)



## ИҚТИСОДИЙ СУДЛАРДА АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТИТУТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

**Суд ҳужжатларини қайта кўриш тизими суд қарорларининг қонунийлиги ва асослигини процессуал қонунда белгиланган тартибда текшириш вазифалари ўзига топширилган инстанцияларнинг одил судлов соҳасида тарихан юзага келган тузилмасидан иборат.**

Қонунчилигимизда ишда иштирок этувчи шахсларга, шунингдек ишда иштирок этишга жалб қилинмаган, аммо ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида суд ҳал қилув қарори қабул қилган шахсларга биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарори устидан апелляция шикоятни бериш ҳуқуқи берилган.

Судья апелляция шикоятини (протестини) иш юритишга қабул қилиш, қабул қилишни рад этиш ёки қайтариш тўғрисидаги масалани шикоят (протест) иш билан бирга судга келиб тушган кундан эътиборан 5 кундан кечиктирмай якка тартибда ҳал қилади.

**Апелляция шикоятининг иш юритишга қабул қилиниши судья томонидан қуйидаги ҳолларда рад этилиши мумкин:**

- ➔ апелляция шикоятни ҳал қилув қарори устидан шикоят қилиш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс томонидан берилган бўлса;
- ➔ апелляция шикоятни қонунга мувофиқ апелляция тартибида шикоят қилиниши мумкин бўлмаган суд ҳужжати устидан берилган бўлса;
- ➔ апелляция шикоятни апелляция тартибида кўрилган суд ҳужжати устидан берилган бўлса;
- ➔ апелляция шикоятини беришнинг ўтказиб юборилган муддати тикланиши рад этилган бўлса;
- ➔ апелляция шикоятдан уни берган шахс воз кечганлиги сабабли апелляция шикоятни бўйича иш юритишни тугатиш тўғрисида ажрим мавжуд бўлса.

Иш жараёнида суд ишни апелляция инстанциясида кўриш чоғида биринчи инстанция суди ҳал қилув қарорининг қонунийлигини ва асослигини текширишдан ташқари янги далилларни кўздан кечириш ва янги фактларни аниқлаши мумкин. Апелляция инстанцияси суди биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини тўлиқ ҳажмда текшириши шарт. Биринчи инстанция судида кўриб чиқиш предмети бўлмаган янги талаблар апелляция инстанцияси суди томонидан қабул қилинмайди ва кўрилмайди.

Шу ўринда бир жиҳатни айтиб ўтиш ўринли бўларди. Олий суднинг Иқтисодий ишлар бўйича судлов хайъатида тафтиш тартибида кўрилган ишлар юзасидан суд ҳужжатлари, шунингдек тафтиш тартибида қабул қилинган суд ҳужжатлари устидан Олий суднинг раиси, Бош прокурор томонидан протест келтирилганда — Олий суднинг Раёсати томонидан кўрилади.

Тафтиш тартибидаги шикоят ишини тафтиш тартибида кўрадиган Қорақалпоғистон Республикаси суди,

вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари номига йўлланади, бироқ ҳал қилув қарорини қабул қилган судга берилади.

Амалиётдан келиб чиқиб тўхталадиган бўлсак, биринчи инстанция суди томонидан қабул қилинган, қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори, ажрим янги очилган ҳолатлар бўйича шу ҳал қилув қарорини, ажримни қабул қилган суд томонидан қайта кўрилади.

Янги очилган ҳолатлар юзасидан апелляция, кассация ёки тафтиш инстанцияси судининг қайси қарорлари ва ажримлари билан суд ҳужжати ўзгартирилган ёки янги суд ҳужжати қабул қилинган бўлса, ўша қарорлар ва ажримларни қайта кўриш суд ҳужжатини ўзгартирган ёхуд янги суд ҳужжати қабул қилган инстанция томонидан амалга оширилади.

**Қонуний кучга кирган суд ҳужжатларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш учун асослар қуйидагилардан иборат:**

- ★ суд ҳужжати қабул қилинган пайтда мавжуд бўлган, лекин аризага маълум бўлмаган ва маълум бўлиши мумкин бўлмаган, иш учун муҳим ҳолатлар;
- ★ экспертнинг била туриб ёлгон хулоса берганлиги, гувоҳнинг била туриб ёлгон кўрсатувлар берганлиги, била туриб нотўғри таржима қилинганлиги суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланган бўлса ва мазкур иш бўйича қонунга хилоф ёки асосланмаган суд ҳужжати қабул қилинишига сабаб бўлган бўлса;
- ★ ишда иштирок этувчи шахс ёки унинг вакилининг ёхуд судьянинг мазкур ишни кўриш чоғида содир этилган, суднинг қонуний кучга кирган ҳукми, ажрими билан аниқланган жиноий қилмишлари;
- ★ иқтисодий суднинг, фуқаролик ишлари бўйича суднинг, жиноят ишлари бўйича суднинг ёки маъмурий суднинг мазкур иш бўйича суд ҳужжатини қабул қилишга асос бўлган суд ҳужжати ёхуд бошқа органнинг шундай ҳужжати бекор қилинганлиги.

Қонуний кучга кирган суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар юзасидан қайта кўриш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш натижалари юзасидан суд аризани қаноатлантириш ва илгари ўзи қабул қилган суд ҳужжатини бекор қилиш ҳақида ёки аризани қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида ажрим чиқаради. Бу ажримнинг кўчирма нусхаси ишда иштирок этувчи шахсларга юборилади. Ўз ўрнида ажрим устидан шикоят қилиниши мумкин.

**Гуландом ЭРНАЗАРОВА,**

Судьялар олий мактаби тингловчиси.

# КИБЕРЖИНОЯТЛАРНИ СУДДА КЎРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

**Мамлакатимизда соғлом интернет-муҳитга эга ахборотлашган жамиятни ривожлантириш, миллий сайтлар сонини ошириш орқали инсонларнинг виртуал олам имкониятларидан янада кенг ва қулай тартибда фойдаланишлари учун шароитлар яратиш юзасидан бир қанча ишлар амалга оширилмоқда.**

Мазкур ўзгаришлар ҳаёт сифатини яхшилаш билан бир қаторда жиноятчиликнинг янги шакли сифатида интернет тармоқлари орқали содир этилаётган жиноят турларининг юзага келишига замин яратди ҳамда ҳаётимизга “кибержиноятчилик” тушунчасини олиб кирди. Бу эса ўз навбатида, инсонларни интернет ҳамлаларидан ҳимоялаш, ахборот олиш ва тарқатиш маданиятини тарғиб қилиш, тармоқ хавфсизлигини таъминлаш масалаларига ҳам жиддий эътибор қаратиш заруратини юзага келтирмоқда.

Интернет билан боғлиқ хавфсизликни таъминлаш бўйича халқаро Symantec Security ташкилотининг маълумотларига кўра, ҳозирда ҳар сонияда дунёдаги 12 нафар инсондан биттаси интернет ҳужуми қурбони бўлмоқда ва ҳар йили 556 миллиондан кўпроқ киберҳужум уюштирилади ва бунда жабрланувчилар кўрайдиган зарар миқдори 100 миллиард АҚШ долларидан кўпроқдир.

**Ўзбекистон Республикаси ИИБ Киберхавфсизлик маълумотларига кўра, кибержиноятчиликнинг қуйидаги турлари кўп содир этилмоқда:**

- *фирибгарлар пластик карта фойдаланувчиларига келган СМС хабарномадаги кодларни тўловни амалга ошириш, ютуқни бериш каби баҳоналар орқали эгаллаб, ундаги маблағларни ўзлаштириши;*

- *шахсий маълумотларни эгаллаш ҳамда уларни ошкор қилиш билан кўрқитиб товламачилик қилиши (кибертовламачилик);*

- *ижтимоий тармоқда зўрлик ишлатиш билан кўрқитиши, ҳақорат, суицид ҳолатлари (кибербуллинг) ва бошқалар.*

Жумладан, Тошкент шаҳар ИИББ хабарига кўра, яқинда фуқаролардан бири бошқармага мурожаат қилиб, ўз номига очилган омонат ҳисоб рақамида бўлган 460 миллион сўм пул номаълум шахслар томонидан ечиб олинганини маълум қилган ва ушбу шахсларни топиб, қонуний чора кўришни сўраган. Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот технологиялар соҳасидаги жиноятларга қарши курашиш бошқармаси томонидан олиб борилган тадбирлар давомида жинорий гуруҳ азолари ашёвий далиллар билан ушланган.

Маълум бўлишича, улар жабрланувчининг шахсий маълумотларини қўлга киритган ҳолда унга тегишли пулларни мобил иловалар орқали ечиб олган.

Қайд этилишича, ҳолат юзасидан Жиноят кодексининг 169-моддаси билан жиноят иши кўзгатилган. Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот технологиялар соҳасидаги жиноятларга қарши курашиш бошқармаси томонидан жинорий гуруҳнинг бошқа шу турдаги жиноятларга алоқадорлиги текширилмоқда.

Мана шундай жиноятларни олдини олиш ва судларда одилона кўрилиб, ўзига хос жиҳатларига эътибор берилишини таъминлаш мақсадида 2022 йилнинг 19 октябрь куни Президентимиз “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонунни имзолади.

Хусусан, Жиноят кодексининг 168-моддасига киритилган ўзгартишларга биноан, фирибгарликни ахборот тизимидан, шу жумладан ахборот технологияларидан фойдаланиб содир эт-

ганлик учун жавобгарлик кучайтирилди. Эндиликда ушбу жиноят учун БҲМнинг 300 бараваридан 400 бараваригача жарима ёки 2 йилдан 3 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд муайян ҳуқуқдан маҳрум этиш, 5 йилдан 8 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланилади.

Шунингдек, 169-моддада компьютер тизимига рухсатсиз кириб, ундан қонунга хилоф равишда фойдаланганлик учун ҳам 5 йилдан 8 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгилаб қўйилди.

Киритилган мазкур ўзгартиришлар ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилган фирибгарлик жиноятларини фош этиш юзасидан ўтказиладиган тезкор суриштирув ишларини амалга оширишда ҳам эътибор қаратилиши лозим бўлган жиҳатларни белгилаб беради. Бунга мисол сифатида, ариза билан мурожаат қилган шахсдан олинадиган дастлабки маълумотларга аниқлик киритиш талаб этиладиган қуйидаги ҳолатларни қайд этиш мумкин, булар:

- унинг akkaунтининг номи ва рақами (ID), телефон рақами, электрон почта манзили, шунингдек, фишинг хатини юборган жиноятчининг akkaунтининг номи, юборган вақтидаги маълумотлари (кейинчалик маълумотлар ўзгартирилиши мумкин);

- бундан ташқари, фишинг хатида юборилган ҳавола орқали ўтган сайтнинг ташқи кўриниши, ушбу хатни юборган фойдаланувчининг электрон манзили ёки akkaунти, ушбу сайтда уни қандай маълумотларни киритишга ундашганини, айнан қайси ҳаволани босгани, ҳаволанинг номи, ушбу сайтда киритилган онлайн тўлов тизимига бириктирилган пластик карта маълумотлари ёки электрон почта манзили;

- почта жўнатмаси қандай мақсадда юборилганлиги, яъни фирибгарликнинг мақсади (товарларни сотиб олиш, алмаштириш, хизматларни сотиб олиш, лотереяда ютиш ва ҳ.к.), шунингдек хат юборган шахс билан алоқалари (олдиндан таниш бўлган, бўлмаганлиги), ўзини ким деб таништирганлиги, келишув мавзуси, хат ёки хабарлар қандай ҳаракатларни бажариш учун юборилганлиги (ҳавола бўйича ўтиш ёки пластик карта, akkaунт маълумотларини киритиш)ни талаб қилганлиги, келишув пулининг миқдори;

- маблағларни ўтказиш йўли орқали бўлса, кимнинг номига ўтказилганлиги, ушбу шахснинг манзили, агар воситачи орқали бўлса, пул қайси вақтда ва қайси жойга ўтказилганлиги, пул ўтказилган шахснинг батафсил тавсифи (жабрланувчи уни таний олиши мумкинлиги ва фоторобот туза олиши сўралади);

- воситачи машинада бўлганлиги (транспорт воситасининг кўриниши, алоҳида белгилари, автоуловнинг давлат рақами), агар маълум бир мобиль телефон рақами ёки банкдаги ҳисоб рақамига ўтказиш йўли билан бўлса, маблағлар қаерга, қачон ва қандай ўтказилганлиги, суриштирув иши учун муҳим бўлган бошқа ҳолатлар сўраб олинади ва тушунтириш хатида батафсил кўрсатилади.

**Нурбек ЭШҚОБИЛОВ,**

*Судьялар олий мактаби тингловчиси.*

# ОЗОДЛИКДАН МАҲРУМ ҚИЛИШ БИЛАН БОҒЛИҚ БЎЛМАГАН ЖАЗОЛАР: ТАРИХ ВА БУГУН

*Тарихдан маълумки юртимизга араблар итилоси амалга оширилгандан сўнг узок вақт мобайнида жамиятда жиноят ва жазо масалалари айнан шариат қоидалари бўйича тартибга солиб келинган. Аммо, унғача бўлган даврларда ҳам жиноят ва жазо масалалари тартибга солинган. Мисол учун “Авесто”да Яқин ва Ўрта Шарқ халқларининг ҳуқуқий қарашлари ўз ифодасини топган. Бироқ, унда ҳуқуқий қоидалар тартибли ва тизимли бўлмаганлиги учун ўрганиш объектини шариат қоидаларидан бошлашни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.*

Бугунги кунда мусулмон жиноят ҳуқуқи масалалари билан шуғулланган ҳуқуқшунос олимлар шариатда жазо турларини бир нечта гуруҳга бўлиб, турлича фикр билдириб келмоқдалар.

Жумладан, М.Ражабова ўзининг “Шариатда жиноят ва жазо” номли монографиясида шариатдаги барча жиноятлар жазо белгиланиши ва тажовуз объектига қараб учта гуруҳга, яъни ҳад, қасос, товон ёки каффорот ва таъзир жазо турларига ажратган.

Шариатда белгиланган жазоларни мазкур тартибга кўра тоифаларга ажратилса, бугунги кундаги озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ҳад жазо турига (дарра уриш, қўл ёки оёғини кесиш) киритиш мумкин.

Шариат қоидалари мазмунига кўра, шахсга тан жароҳати етказилганлиги учун “жонга-жон, қонга-қон” тарзида қасос олинган.

Шунингдек, таъзир жазо турида огоҳлантириш, жамоат иззаси, жарима, салла ўраб юриш ҳуқуқидан маҳрум қилиш ва уч даррадан ўттиз тўққиз даррагача уриш каби муқобил жазолар назарда тутилган.

Ҳуқуқшунос М.Садагдар мусулмон ҳуқуқиде жазони қуйидаги турларга, яъни қасос – ўч олиш, дия – товон ҳақи, ўлим жазоси, тошбўрон қилиш, қўл-оёғини кесиш, савалаш, дарра уриш, сургун ва бадарға, мол-мулкни мусодара қилиш ва бошқаларга бўлган.

Юртимизда шариат қоидалари асосида жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти XIX асрнинг охирида чор Россияси томонидан мустамлака ҳаракатлари амалга оширилгунга қадар тўлиқ амалда бўлган бўлса, рус босқинидан сўнг шариат қоидалари ва чор Россияси қонун-қоидалари биргаликда амал қилган.

Ўтган асрнинг бошларидаги инқилобдан сўнг чор Россияси империясида амалда бўлган қонун қоидалар ўрнига янги жиноят қонунчилиги ишлаб чиқилган ва 1926 йилда Ўзбекистон ССРнинг биринчи Жиноят кодекси қабул қилинган.

Мазкур кодексда халқ душмани деб эълон қилиш ва СССР ҳудудидан бутунлай бадарға қилиш, қаттиқ режим билан озодликдан маҳрум

қилиш, қаттиқ режимсиз озодликдан маҳрум қилиш, озодликдан маҳрум қилмасдан ахлоқ тузатиш ишлари, муайян ҳуқуқлардан маҳрум қилиш, муайян муддатга СССР ҳудудидан чиқариш, Ўзбекистон ССР ҳудудидан чиқариш, мансабдан четлатиш, муайян мансабда бўлишни тақиқлаш, жамоат иззаси, мол-мулкни мусодара қилиш, жарима ва огоҳлантириш каби жазо чоралари назарда тутилган эди.

Аҳамиятли жиҳати шундаки, Ўзбекистон ССРнинг 1926 йилдаги биринчи жиноят кодексининг жазо тизими оғир жазодан енгилга қараб шаклланган.

1959 йилда Ўзбекистон ССРнинг янги ЖК қабул қилинган ҳамда ушбу жиноят кодексида аввалгисидан фарқли равишда фавқулодда жазо тури сифатида ўлим жазоси, ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш ва интизомий батальонга юбориш каби ўзгаришлар ўрин олган.

Собиқ иттифоқ даврида жиноят учун озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган муқобил жазо турлари кўпроқ бўлган бўлса-да, лекин мазкур жазолар орасида инсон қадр-қимматини камситувчи жазолар ҳам таллайгина эди.

1991 йилда Ўзбекистон давлат мустақиллигини қўлга киритгандан сўнг, бутун ҳуқуқий тизим, шу жумладан жиноят қонунчилиги ҳам демократизм ва инсонпарварлик қоидалари асосида қайта кўриб чиқилди.

1994 йил 22 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги ЖК қабул қилинди ва албатта ушбу кодексда жиноий жазо тизими тубдан қайта кўриб чиқилиб, жиноий жазолардан инсон қадр-қимматини камситувчи, ҳақ-ҳуқуқларини бошқача тарзда бузадиган жазолар чиқариб ташланиб, умуминсоний қоидаларга йўғрилган тамойиллар белгиланди.

Мазкур жиноят кодексида белгиланган жазоларда инсон қадр-қимматини камситувчи, ҳақ-ҳуқуқларини бошқача тарзда бузадиган белгилар бўлмасада, лекин озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган альтернатив жазо-

лар кам эди, шунинг учун жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши кун тартибидаги долзарб масалалардан бири бўлиб келган.

2001 йил 29 августда Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримов ташаббуси билан “Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун қабул қилинди. Мазкур қонуннинг қабул қилиниши жамиятни демократлаштириш, суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларни чуқурлаштириш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этди.

Жиноий жазоларни либераллаштириш жараёнида жиноят содир этган шасларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни қўллашни кенгайтириш ва айрим жазоларни ЖКдан чиқариб ташлаш муваффақиятли равишда ҳал этилди.

Жумладан, жиноятлар таснифидаги ўзгаришлар ва жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши, судларга озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни кенгроқ қўллаш имкониятини яратди.

2015 йил 10 августда “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонуни қабул қилиниши натижасида Жиноят кодексини жазолар тизимига янги — озодликни чеклаш (48<sup>1</sup>-модда) жазоси киритилди. Мазкур норма мувофиқ озодликни чеклаш суд томонидан маҳкумга нисбатан яшаш жойини у ёки бу сабаб билан тарк этишни бутунлай тақиқлашдан ёки сутканинг муайян вақтида яшаш жойидан чиқишни чеклашдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексини жазо тизими Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 29 мартдаги ЎРҚ-421-сонли қонунига асосан қамоқ жазосининг ўрнига “мажбурий жамоат ишлари” жазоси билан тўлдирилди.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 29 мартдаги ЎРҚ-421-сонли қонунини асосида ЖКнинг 47-моддаси иккинчи қисм билан тўлдирилди. Унга кўра, хизмат бўйича чеклаш жазо чораси ушбу Кодекс Махсус қисмининг моддасида назарда тутилган ҳолларда икки ойдан уч йилгача муддатга қўлланилади. Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят ёки оғир оқибатларни келтириб чиқармаган эҳтиётсизлик орқасидан содир этилган жиноят учун суд иш ҳолатлари ва маҳкумнинг шахсини ҳисобга олган ҳолда уч йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки ахлоқ тизмат ишлари жазоси ўрнига шу муддатга хизмат бўйича чеклаш жазосини қўллаши мумкин.



Юқоридагилардан келиб чиқиб, сўз юритилаётган мавзуда амалга оширилган ислохотлар бардавом бўлиши ва жиноят учун жазо ҳар доим муқаррар бўлиши лозим.

Қонунчиликнинг шунча такомиллашишига қарамасдан бугунги кунда жиноят қонунчилигимизда айрим масалалар очиклигича қолиб келмоқда.

Жумладан, фирибгарлик жинояти учун жавобгарлик назарда тутилган ЖКни 168-моддасининг бешинчи қисмида “Етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди” дейилган императив норма киритилган. Мазкур модданинг тўртинчи қисми санкцияси “Базавий ҳисоблаш миқдорининг тўрт юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки саккиз йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади” деб белгиланган.

Судлар томонидан фирибгарлик билан боғлиқ жиноятларни кўришда судланувчи томонидан етказилган зарарнинг ўрни тўлиқ қопланган ҳолларда судланувчига нисбатан унинг моддий аҳволи ва бошқа ҳолатлар инobatга олинган ҳолда жарима жазосидан бошқа альтернатив жазо тайинлаш имконсиз бўлиб қолади.

Юридик жиҳатдан олиб қаралганда, юқоридаги каби ҳолатда суд модда санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазосидан келиб чиқиб, ЖКнинг 57-моддасини қўллаган ҳолда судланувчига жазо тизимидаги бошқа енгилроқ жазолардан бирини тайинлаши мумкин. Бироқ – ЖКнинг 57-моддаси мазмуни буни тўлиқ инкор этади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 455-моддасида суд ҳукми қонуний, асосли ва адолатли бўлиши шартлиги белгиланганидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорида судлар томонидан юқоридаги ҳолатларда ЖКнинг 57-моддасини қўллаш масаласи аниқ ёритиб ўтилиши мақсадга мувофиқ бўларди.

**Рустам КОРАБАЕВ,**

*Судьялар олий мактаби тингловчиси.*

## МАЪМУРИЙ СУД ҲУЖЖАТЛАРИНИ ИЖРО ЭТИШГА ОИД ҚОНУНЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

*Маъмурий судлар томонидан қабул қилинадиган суд ҳужжатлари қонуний ва асослан-тирилган бўлиши, моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари билан тўлиқ мос келиши, иш ҳужжатлари ва суд аниқлаган ҳолатларга мувофиқ бўлиши билан бир қаторда суд ҳуж-жатларининг ўз вақтида ижро этилиши - маъмурий процессуал қонунчилик талабидир.*

Маъмурий судларнинг биринчи навбатдаги вазифаси фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг давлат органлари билан муносабатларида қонун устуворлигини таъминлаш, қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилиш ва давлат органлари қарорлари устидан берилган шикоятларни кўриб чиқишда маъмурий судларнинг ролини кучайтиришдан иборат.

Бу вазифани бажаришда суд ҳужжатларининг ўз вақтида ижро этилиши муҳим аҳамиятга эга.

Тарафлар ўртасида вужудга келган низо мазмунан ҳал бўлгач, суд томонидан чиқарилган қарор юзасидан ижро ҳаракати давлат ижрочиси томонидан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси ижро ҳаракатларини шу йўналишдаги қонун ҳужжатларини қўллаб амалга оширади.

Давлат ижрочиси одил судловни амалга оширишга ваколатли бўлмаганидек суд ҳам ижро ҳужжатларини мажбурий ижро эттира олмайди. Шу боис ижро ишини юритишга маъмурий процесснинг бир қисми сифатида қараш мумкин эмас, чунки маъмурий процесс ва маъмурий ҳуқуқ ижро иши юритишда вужудга келадиган ҳуқуқий муносабатларни тартибга солмайди. Маъмурий ҳуқуқ ижро иши юритишдан анча фарқ қиладиган мақсад ва вазифага эга. Давлат ижрочисининг вазифаси талабни моҳиятан ўзгартирмасдан, ижро иш юритувининг махсус механизми ёрдамида мажбурий ижро этишдир.

Суд қарорлари эса мажбурий характерга эга бўлган ҳужжатдир. Чунки, суд қарор қабул қилгунга қадар тегишли меъёрларга асосланиб фаолият олиб боради, у бир жараён сифатида кечади ва бу жараён натижаси, яқуни сифатида қарор қабул қилади.

Ишнинг мазмунан ҳал этилишини белгилайдиган суд ҳужжатлари, яъни ҳал қилув қарори чиқариш орқали судлар ўзларига юклатилган вазифаларни бажаради ва давлат – ҳуқуқий ваколатларини амалга оширади.

Маъмурий суднинг ҳал қилув қарори кириш, асослантирувчи қисм, хулоса ва қарор қисмдан иборат бўлиб, қарор қисмида яқуний хулоса - суд қарори баён этилиб, унда қарорнинг оқибатлари кўрсатилади, суд ҳужжатларининг ҳуқуқий таъсир этиш характери айнан шу қисмда белгиланади.

Шунингдек, суд томонидан чиқарилган ажрим ҳам суд ҳужжатларининг бир тури бўлиб, у суд муҳо-

камаси давомида ҳал этилиши керак бўлган, бироқ ишни мазмунан қараб чиқмайдиган масала юзасидан чиқарилади. Маъмурий судлар томонидан ишни кўриб чиқиш жараёнида суд жарималари ва дастлабки ҳимоя чораларини қўллаш каби ажримларнинг қарор қисмида ҳуқуқий таъсир чораси қўлланади.

Маъмурий суд томонидан иш якунига кўра чиқарилган ҳужжатларнинг ижросини таъминлаш орқали, шунингдек тегишли орган ёки мансабдор шахс томонидан ушбу мажбуриятлар бажарилган тақдирда ҳал қилув қарори ижро этилган ҳисобланади, натижада ижро иши юритуви ўз якунига етади. Суд ҳужжати ижросининг натижаси туфайли фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари тикланиб, низо ўз ечимини топади, бартараф этилади, фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланиши натижасида уларнинг судга бўлган ишончи ортади.

Маълумки, МСИЮтКнинг 16-моддаси суд ҳужжатларининг ижросига бағишланган бўлиб, унда қонуний кучга кирган суд ҳужжатлари барча давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийлиги ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ижро этилиши лозимлиги қайд этилган.

Суд ҳужжатлари қонуний кучга киргач ижрога қаратилади, бундан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда дарҳол ижро этиш ҳоллари мустасно. Суд ҳужжатининг ижроси ҳал қилув қарори асосида, пул маблағларини мажбурий ундириш бўйича суд ҳужжатининг ижроси эса суд томонидан бериладиган ижро варақаси асосида амалга оширилади.

Шунингдек, идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги суд ҳужжатини ижро этиш масаласи Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 182-183-моддаларида белгилаб ўтилган. Жумладан, Кодекснинг 182-моддасида суднинг идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ишни кўриш натижаси бўйича қабул қилган ҳал қилув қарори у қабул қилинган пайтдан эътиборан қонуний кучга кириши белгиланган.

Суд томонидан тўлиқ ёки қисман ҳақиқий эмас деб топилган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат ёки унинг айрим қисмлари суднинг ҳал қилув

қарори қонуний кучга кирган пайдан эътиборан қўлланилмайди ва улар ҳужжатни қабул қилган орган томонидан нисбатан юқори юридик кучга эга бўлган қонун ҳужжатига мувофиқлаштирилиши керак.

Шунингдек, ушбу кодекснинг 183-моддасига кўра идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги иш бўйича қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори суд томонидан давлат органларининг низолашилаётган ҳужжат эълон қилинган расмий нашрларига юборилади ҳамда кўрсатилган нашрларда дарҳол эълон қилиниши лозим.

Шундай қилиб, қонунчиликда идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича низолашиш ҳолатлари юзасидан суд қарорларини ижро этиш учун алоҳида қоидалар мавжуд. Афсуски, бундай қоидалар суд ҳужжатларини ижро этишини тартибга солувчи қонунчиликда, шу жумладан "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги қонунда акс этмаган.

**Бундан ташқари, "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги қонунда маъмурий суд қарорлари ижро этиладиган ҳужжатлар таркибига киритилмаган. Жумладан, қонуннинг 5-моддасида белгиланган қоидаларга биноан қуйидагилар ижро этилиши лозим:**

- ★ фуқаролик ишлари ва иқтисодий низолар бўйича судларнинг ҳал қилув қарорлари, ажримлари ва қарорлари;
- ★ жиноят ишлари бўйича судларнинг ҳукмлари, ажримлари ва қарорларининг мулкий ундиришга оид қисми, шунингдек жарима тариқасидаги жазони назарда тутувчи ҳукмлари, ажримлари ва қарорлари;
- ★ маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича суд қарорларининг мулкий ундиришга оид қисми;
- ★ алиментлар тўлаш тўғрисидаги нотариал тарзда тасдиқланган келишувлар;
- ★ нотариусларнинг ижро хатлари;
- ★ меҳнат низолари комиссияларининг қарорлари;
- ★ маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатига эга органлар (мансабдор шахслар) чиқарган қарорлар;
- ★ ҳакамлик судининг қарорлари;
- ★ Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ёки халқаро шартномасида назарда тутилган ҳолларда чет эл судлари ва арбитрларнинг қарорлари;
- ★ ўзбошимчилик билан турар жойни эгаллаб олган ёки авария ҳолатида деб топилган уйларда яшаётган шахсларни маъмурий тартибда кўчириш тўғрисидаги прокурорларнинг қарорлари;

★ давлат ижрочиларининг ушбу қонунда назарда тутилган ҳоллардаги;

★ қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда бошқа органларнинг ҳужжатлари.

Кўриниб турибдики, мазкур қонунда маъмурий суд қарорларини ижро этиш қоидаси билан бир қаторда идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича низолашиш ҳолатлари юзасидан ҳам суд қарорларини ижро этиш учун алоҳида қоидалар киритилгани муҳим аҳамиятга эга. Бу ҳолат суд қарорлари ижросини назорат қилишни сезиларли даражада камайтирадиган шунингдек, суд ҳужжатларини ижро этиш амалиётининг бир хиллигини таъминлашга салбий таъсир кўрсатадиган омил ҳисобланади.

**Фуқаролар ва юридик шахсларнинг ижро иши юритувидаги ҳуқуқларини амалга ошириш борасидаги муҳим кафолат ижро ҳужжатларига қўйиладиган талабларда ўз ифодасини топган. Шунини таъкидлаш лозимки, МСИЮТ-Книнг 2-моддасида маъмурий суд ишларини юритиш вазифалари:**

- маъмурий органлар билан муносабатларда қонун устуворлигини, фуқаролар, шунингдек корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг (юридик шахс) ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш;

- маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлар соҳасида фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ёки низолашаётган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;

- маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлар соҳасида қонунийликни мустаҳкамлаш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга кўмаклашиш;

- қонун ва судга нисбатан ҳурмат муносабатини шакллантиришдан иборатлиги белгиланган.

Суд томонидан фуқаролар ҳамда юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мамлакатда қонун устуворлигини намоён этади.

Бу борада айнан ижро қонунчилигини ягона тартибда белгилаш муҳим масалалардан биридир. Шу нуқтаи назардан қараганда, ижро иши тўғрисидаги қонунчиликда суд ҳужжатларини мажбурий ижро этиш механизми мустаҳкамланиши керак. Ушбу механизм нафақат барча суд қарорларини ижро этишда, балки идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисидаги суд қарорларини ижро этишга ҳам тааллуқлидир.

**Аббос ДОНИЁРОВ,**

Судьялар олий мактаби тингловчиси.

# МУСТАҚИЛ СУД ҲОКИМИЯТИ — АДОЛАТ ПОЙДЕВОРИ

**Бугунги кунда жаҳонда геосиёсий вазият кундан-кунга кескинлашиб, давлатнинг миллий манфаатларига қарши турли кўринишдаги хавф-хатарлар ортиб бориши ҳар бир давлат олдида биринчи навбатда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиб жинси, ирқи, миллати, тили, дини, эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар ҳар бир инсоннинг фаровон ҳаёт кечирishi учун зарур шарт-шароитлар яратиш тизимини изчиллик билан такомиллаштириб боришни талаб этмоқда.**

Ушбу стратегик муҳим вазифаларни рўйбга чиқаришда суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлаш долзарб аҳамият касб этади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, суд ҳокимияти мустақиллигининг долзарблиги асосан қуйидаги иккита муҳим омил билан бевосита боғлиқ;

биринчидан, суд ҳокимияти мустақиллиги инсон ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилиш учун муҳимдир. Шу боис, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг 10-моддасида ҳар бир инсон ўзининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари билан боғлиқ бўлган ишининг мустақил суд томонидан кўриб чиқилиши ҳуқуқига эгаллиги белгилаб қўйилган. Бу мазкур халқаро ҳужжатга қўшилган ҳар бир давлат зиммасига суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш мажбуриятини юклайди;

иккинчидан, суд ҳокимиятининг қай даражада мустақиллиги ҳар бир мамлакатда ҳуқуқ устуворлигининг қандай ҳолатда эканлигидан далолат беради. Бутунжаҳон одил судлов дастури халқаро нотижорат ташкилоти (The World Justice Project – WJP) дунё мамлакатларида ҳуқуқ устуворлиги рейтингини ҳар йили эълон қилиб боради. Баҳолаш мезонларидан бири сифатида суд ҳокимияти мустақиллигининг ҳолати инобатга олинган.

Бизнингча, “судларнинг мустақиллиги” атамасини икки хил мазмунда тушунтириш мумкин:

- институционал ёки структуравий мустақиллик. Бу шуни англатадики, судьялар суд ҳокимиятининг ҳар қандай бошқа тармоғидан мустақил, яъни улар ҳеч қандай бошқа давлат органларига, жумладан, қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимиятига бўйсунмайди ва улар олдида жавоб бермайди. Барча бошқа давлат муассасалари суд қарорларини ҳурмат қилиши ва уларга риоя қилиши керак. Суд ҳокимиятининг институционал мустақиллиги судларнинг ташкилий-бошқарув ва молиявий мустақиллигини ҳам ўз ичига олади;

- индивидуал мустақиллик. Бу айнан судьяларнинг бошқа давлат ва нодавлат тузилмалар ҳамда уларнинг мансабдор шахсларидан, оддий фуқаролар ва ҳаттоки, бир суд доирасидаги судьялар ёки юқори инстанция судьяларидан мустақиллигини англатади.

Суд ҳокимиятининг институционал мустақиллиги суд ҳокимиятининг индивидуал мустақиллигига нисбатан бирламчи аҳамиятга эга. Чунки, суд ҳокимиятининг институционал мустақиллигини тўлиқ таъминламай туриб унинг индивидуал мустақиллигини таъминлаш бир мунча мушкулдир.

Бу тамойил Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам ўз ифодасини топган. Хусусан, Конституциянинг 130-моддасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятдан, сиёсий партиялардан, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларидан мустақил ҳолда иш юритиши, 136-моддасида судьялар мустақил ва дахлсиз эканлиги, фақат қонунга бўйсунишлари, судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашшига йўл қўйилмаслиги ва бундай

аралашши қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлиши каби муҳим меъёрлар белгилаб қўйилган.

Шу билан биргаликда, судьяларнинг одил судловни мустақил ва холис амалга оширишининг кафолати уларнинг ўз ваколати муддатида алмаштирилмаслиги ҳисобланади. Ушбу тамойил деярли барча халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам мустақамланган. Хусусан, судьялар алмаштирилмаслиги тўғрисидаги меъёр Франция, Молдова, Россия, Испания, Хорватия, Португалия, Греция ва Озарбайжон каби мамлакатлар конституцияларида ҳам ўз аксини топган.

Ўзбекистон Республикаси “Судлар тўғрисида”ги Қонунининг 67-моддасига кўра, судьяларнинг мустақиллиги қуйидагилар орқали таъминланади:

уларни қонунда белгиланган тартибда судьяликка сайлаш, тайинлаш ва судьяликдан озод қилиш;

уларнинг дахлсизлиги;

одил судловни амалга оширишдаги қатъий таомил;

қарор чиқариш чоғида судьялар маслаҳатининг сир тутилиши ва уни ошкор қилишни талаб этишнинг тақиқланиши;

судга ҳурматсизлик ёки муайян ишларни ҳал қилишга аралашганлик, судьялар дахлсизлигини бузганлик учун жавобгарлик; судьяга давлат ҳисобидан унинг юксак мақомига муносиб моддий ва ижтимоий таъминот бериш.

Ўзбекистон Республикасида суд органларининг нуфузини янада ошириш, судьяларнинг чинакам мустақиллиги ва фақат қонунларга асосланиб иш юритишини таъминлаш ҳамда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш соҳасида қатор ўзгаришлар амалга оширилди ва ошириб келинмоқда. Жумладан, давлатимизда судья лавозимида бўлишнинг биринчи маротаба беш йиллик, навбатдаги ўн йиллик ва муддатсиз даври белгиланганлигини, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг ташкил қилинганлигини судьялар мустақиллигини таъминловчи муҳим қадамлардан бири сифатида таъкидлаш мумкин.

БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармасининг маълумотларига кўра, дунёнинг айрим мамлакатларида суд ҳокимияти мустақиллиги ва судьяларнинг ўз фаолиятларини эркин амалга ошириши ҳалигача хавф остида қолмоқда. Судьялар ўз профессионал фаолиятларини амалга оширишларида таҳдидлар, аралашилар, кўрқитишлар ва ўзбошимчалик билан қўлга олишларга дучор бўлмоқда.

Қолаверса, бугунги кунда суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш соҳасида бир қатор ютуқлар бўлишига қарамай, бу соҳада айрим фикр-мулоҳазаларнинг ҳам борлигини кўриш мумкин. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 130-моддасини тил ва мантиқ нуқтаи назаридан таҳлил қилганимизда суд ҳокимиятининг структуравий мустақиллиги билан боғлиқ декларатив норма суд ҳокимиятининг айнан қайси органлар ва ташкилотлардан мустақил эканлигини чегаралаб қўйгандек. Яъни бу суд ҳокимияти фақатгина қонун чиқарувчи ва ижро этувчи



хокимиятлардан, сиёсий партиялардан, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларидан мустақил ҳолда иш юритади, деган ҳулосага келишга сабаб бўлиши мумкин.

Зотан, олиб борилган конституциявий ва давлат бошқарувидаги ислохотлар натижасида давлат ҳоқимиятининг биронта тармоғига мансуб бўлмаган давлат ҳоқимияти органлари вужудга келди. Буларга Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Президент Администрацияси, прокуратура органлари тизими, Давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардия, Ҳисоб палатаси, Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги, Марказий банк, Марказий сайлов комиссияси кабиларни киритиш мумкин. Ўз навбатида, алоҳида мақомга эга бўлган мазкур давлат органлари нисбатан кўпроқ ресурсларга эга эканлигини ҳам таъкидлаш жоиз. Аслида урта ҳоқимият тармоғига мансуб бўлмаган давлат органларининг юзага келиш тенденцияси Ш.Монтескье томонидан давлат ҳоқимиятининг тақсимланишига доир назария илгари сурилганидан деярли уч аср кейин шаклланган эди.

Ваҳоланки, суд ҳоқимиятининг структуравий мустақиллигини унинг индивидуал мустақиллигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Бинобарин, суд ҳоқимиятининг институционал мустақиллигини тўлиқ таъминламасдан, унинг индивидуал мустақиллигини таъминлаш кийин. Судьялар ахлоқининг Бангалор тамойилларига (Гаага, 2001 йил) берилган шарҳларда ҳам айнан бунга алоҳида урғу берилган. Шу маънода, суд ҳоқимиятини алоҳида мақомга эга бўлган давлат органларидан институционал мустақиллигини де-юре таъминлаш мақсадида Конституциянинг 130-моддасини бугунги кун талаблари асосида қайта кўриб чиқиш тавсия этилади.

Ҳулоса ўрнида таъкидлаш мумкинки, Ўзбекистон Республикасида суд ҳоқимиятининг мустақиллигини таъминлаш борасида тизимли ислохотлар амалга ошириб келинмоқда. Бу албатта, муайян даражада ўзининг ижобий самарасини ҳам бермоқда. Айни вақтда, суд ҳоқимиятини чинакам мустақил ҳоқимият тармоғига айлантиришга қаратилган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш юзасидан тегишли чора-тадбирларни изчиллик билан амалга оширишга бўлган эҳтиёж сақланиб қолмоқда. Бу ўз навбатида, суд ҳоқимияти мустақиллигининг назарий-ҳуқуқий асосларини, мавжуд амалиёт ва бу борадаги ташкилий-ҳуқуқий муаммоларни тизимли таҳлил қилиш ҳамда илгор хориж тажрибаси асосида уларнинг самарали ечимларини ҳам ишлаб чиқишни тақозо этади.

**Азат ИМАТОВ,**

*Судьялар олий мактаби тингловчиси.*

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. // [Электрон манба]. - Кириш тартиби. - URL: <http://uz.uz/oz/politics/onun-ustuvorligi-va-inson-manfaatlarini-taminlash-yurt-tara-07-12-2016> (мурожаат вақти: 27.11.2023).
2. <https://cyberleninka.ru/article/n/sud-okimiyatining-davlat-izhtimoiy-funktsiyasini-amalga-oshirishdagi-ishiroki/pdf>
3. [https://www.ohchr.org/EN/UDHR/Documents/UDHR\\_Translations/eng.pdf](https://www.ohchr.org/EN/UDHR/Documents/UDHR_Translations/eng.pdf)
4. <https://worldjusticeproject.org/rule-of-law-index/factors/2020/Constraints%20on%20Government%20Powers/>
5. <https://lex.uz/docs/6445145>
6. <https://president.uz/uz/lists/view/5484>
7. <https://cyberleninka.ru/article/n/zbekistonda-sud-okimiyati-mustaqilligiga-oid-hal-aro-u-u-iy-standartlarni-implementatsiya-ilish-masalalari>
8. Husanov O.T. Konstitutsiyaviy huquq: darslik. To'ldirilgan va qayta ishlangan ikkinchi nashr. – Toshkent: Yuridik adabiyotlar publish, 2020. – B. 361-362.
9. Montesquieu G. Comparative Administrative Law. – 2011. – P. 129.
10. Commentary on the Bangalore Principles of Judicial Conduct. The Judicial Integrity Group, March 2007. – P. 35.
11. <https://president.uz/uz/lists/view/5484>

## ЖИНОЯТ ИШЛАРИНИ СУДДА КЎРИБ ЧИҚИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

*Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 1-моддаси талабларига асосан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жиноят ишларини юритиш тартиби ушбу кодекс билан тартибга солинган, бундан ташқари ушбу кодекснинг 3-моддасида суд муҳокамаси юритилаётган пайтда амалда бўлган қонунчиликка мувофиқ олиб борилиши назарда тутилган.*

Жиноят иши бўйича тергов ҳаракатлари тамомланиб жиноят иши айблов далолатномаси ёки айблов ҳулосаси ёхуд тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш ҳақидаги масалани кўриб чиқиш учун ишни судга юбориш тўғрисидаги қарор билан қабул қилиб олинган кундан ва Жиноят ишини судда муҳокама қилишга тайинлаш тўғрисида судьянинг ажрими чиқарилган вақтдан бошлаб кўпи билан ўн беш суткада суд ишни кўришни бошлаши лозим. Жиноят ишини судда муҳокама қилиш муддати ишни муҳокама қилиш бошланган кундан эътиборан икки ойдан ошмаслиги керак, жиноят ишларини кўриб чиқиш муддатини тўрт ойдан кўпроққа узайтиришга алоҳида ҳолларда фақат мураккаб ва кўп воқеали ишлар бўйича йўл қўйилади. Биринчи инстанция судининг ажримига асосан беш ойгача бўлган бундай узайтириш Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари ва олти ойгача бўлган шундай узайтириш Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси томонидан амалга оширилади. Агарда ишни муҳокама қилиш узоқ вақт талаб қиладиган бўлса, ишда захирадаги халқ маслаҳатчиси қатнашиши талаб қилинади ва у ишни муҳокама қилиш бошланган пайтдан эътиборан суд мажлиси залида ҳозир бўлади ҳамда судья ҳуқуқларидан фойдаланади.

Суд муҳокамаси деганда, суд мажлисида жиноят ишини кўриб чиқиш орқали жиноят содир этилган ёки содир этилмаганлигига, судланувчи ушбу жиноятни содир этган ёки содир этмаганлигига, судланувчининг айби бор ёки йўқлигига, судланувчи жавобгарликка тортилиши ва жазоланиши керак ёки керак эмаслигига, жазонинг тури ва миқдори қандай бўлишига, жазо қандай ўталиши ёки жазодан озод қилиш кераклиги, шунингдек мазкур жиноят иши билан боғлиқ бошқа масалаларни ҳал этишга қаратилган, ҳукм ёки ажрим чиқариш билан яқунланадиган мунозара, тортишув жараёни тушунилади.

Суд муҳокамаси жиноят процессининг марказий босқичи бўлиб, унда суд судланувчининг айбдорлиги ёки айбсизлигига ҳамда унга нисбатан жиноий жазони қўллаш ёки қўлламасликка доир масалани ҳал қиладди. Одил судловнинг энг муҳим ҳужжати бўлмиш суд ҳукми фақат суд муҳокамаси натижасидагина чиқарилиши мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, суд муҳокамаси деганда судга келиб тушган жиноят ишини қонуний, асосли ва адолатли кўриб чиқиши назарда тутилади.

**Шавкат БАЙСАРИЕВ,**

*Судьялар олий мактаби тингловчиси.*



## КИБЕРМАКОНДА ШАХСИЙ ДАХЛСИЗЛИК ҲУҚУҚИ

*Кибермакон — яъни, ахборот технологиялари ёрдамида яратилган виртуал муҳитда бугунги кунда дунё бўйлаб ҳар йили 500 миллиондан ортиқ киберхужумлар уюштирилади. Ҳар сонияда дунёдаги 15 нафар инсондан бири кибермаконда содир этилган хужумлар қурбонига айланмоқда. Хусусан, АҚШ, Франция, Англия, Бельгия, Германия, Люксембург каби давлатларда кибержиноятчилик кўрсаткичи умумий жиноятчиликнинг 60–65 фоизини ташкил этади.*

Интернетда содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва киберхавфсизликни таъминлаш борасида мамлакатимизда кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда, жумладан Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 15 апрелда қабул қилинган “Киберхавфсизлик тўғрисида”ги қонунининг 3-моддасида куйидаги тушунчаларга урғу берилган яъни, **киберхужум** — кибермаконда аппарат, аппарат дастурий ва дастурий воситалардан фойдаланган ҳолда қасддан амалга ошириладиган, киберхавфсизликка таҳдид соладиган ҳаракат. **Киберҳимоя** — киберхавфсизлик ҳодисаларининг олдини олишга, киберхужумларни аниқлашга ва улардан ҳимоя қилишга, киберхужумлар оқибатларини бартараф этишга, телекоммуникация тармоқлари, ахборот тизимлари ҳамда ресурслари фаолиятининг барқарорлигини ва ишончилигини тиклашга қаратилган ҳуқуқий, ташкилий, молиявий-иқтисодий, муҳандислик-техник чора-тадбирлар, шунингдек, маълумотларни криптографик ва техник жиҳатдан ҳимоя қилиш чора-тадбирлари механизми бевосита қонунчиликда мустаҳкамланган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон фармонида фуқароларнинг ахборот олиш ва тарқатиш эркинлиги борасидаги ҳуқуқларини янада мустаҳкамлаш, ахборот коммуникация воситаларидан фойдаланиш маданиятини ошириш, шахсий ва сир сақланиши лозим бўлган маълумотларни интернет тармоғида ошкор қилиш билан боғлиқ дахлсизлик ҳуқуқи бузилишининг олдини олиш, кибержиноятчилик профилактикаси тизимини яратиш борасида алоҳида мақсад белгилаб берилди. Бу йўналишдаги чора-тадбирларни такомиллаштириш борасида алоҳида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, амалиётга жорий этилганлиги ўз навбатида интернет тармоғи орқали содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда, шунингдек, профилактиканинг самарадорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Зеро, бугунги глобаллашув жараёни кимки ахборотга эгалик қилса, ўша дунёга ҳукмронлик қилади, деган

фикр бежизга айтилмаганлигини тасдиқлайди. Ҳозирги шароитда ахборот технологиялари жаҳон иқтисодиётининг ривожланиши ва ижтимоий муаммоларнинг ҳал этилиши учун муҳим омилга айланди. Шу боис ахборотлаштириш миллий тизимини шакллантириш, уни иқтисодиёт ва ҳаётнинг барча соҳаларига ялпи жорий этиш ва ундан фойдаланиш, замонавий ахборот технологиялари, компьютер техникаси ва телекоммуникациялар, фуқароларнинг ахборотга нисбатан ўсиб бораётган эҳтиёжларини иложи борица тўлиқ қондириш, жаҳон ахборот ҳамжамиятига кўшилиши учун қулай шароитлар яратиш, ҳамда дунё ахборот ресурсларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш ҳозирги жамият тараққиётининг устувор йўналишларидандир.

Киберхавфсизликни таъминлаш ва ахборот хавфсизлиги борасида содир этилаётган ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш масалалари кўриб чиқиладиган бир пайтда ёш авлод таълим-тарбияси ҳамда аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш масалалари вақти келганлигини англаб етган ҳолда, ушбу соҳани тизимли тарзда ривожлантириш ва замон талаблари доирасида такомиллаштириш лозим.

Хулоса ўрнида кибермаконда, шахс, жамият ва давлат манфаатларини ташқи ва ички таҳдидлардан ҳимоя қилиш, давлатнинг хавфсизлигини таъминлашнинг устувор вазифаси эканлигидан келиб чиқиб кибержиноятлар ҳамда киберхавфсизликка таҳдид солувчи ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги мурожаатлар ва маълумотларни рўйхатдан ўтказиш, улар юзасидан қонунчиликда белгиланган тартибда ўз вақтида чоралар кўриш билан бир қаторда уларнинг содир этилишига имкон берган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг умумий, виктимологик профилактик чора-тадбирларини тўғри ишлаб чиқиш ва амалиётда самарали қўллаш бугунги куннинг энг муҳим масаласидир.

**Севара ЮЛДАШЕВА,**

*Судьялар олий мактаби тингловчиси.*

# СУДЛАР ТОМОНИДАН ЖИНОЯТ УЧУН ЖАЗО ТАЙИНЛАШ: НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ

**Судларнинг жиноят учун жазонинг тўғри тайинлаши одил судловни амалга оширишнинг муҳим кафолати ҳисобланади. Лекин, шу нарсани ҳисобга олиш керак-ки, Жиноят кодексининг 10-моддасида назарда тутилган жавобгарликнинг муқаррарлик принципи ҳар доим ҳам жазо қўлланилиши шартлигини аниқлатмайди. Шу туфайли судлар, ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган, чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва жиноятнинг очилишига фаол ёрдам берган, етказилган зиённи қоплаган шахсларни ЖКнинг 65, 66, 70, 71-моддаларига мувофиқ жавобгарликдан ёки жазодан озод қилишлари ҳам мумкин.**

Жиноят-процессуал кодексининг 467-моддасининг биринчи қисми талабига биноан ҳукмда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар кўрсатилиши лозим. Хусусан, ЖКнинг 55-моддаси жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар доирасини чекламайди. Шу сабабли жазо тайинлаш пайтида ушбу моддада кўрсатилмаган бошқа ҳолатлар ҳам жазони енгиллаштирувчи ҳолат сифатида ҳисобга олиниши мумкин (масалан, ижтимоий ҳавфлиги катта бўлмаган жиноятнинг биринчи марта содир этилиши, судланувчининг ёш боласи борлиги, жиноятнинг бировга раҳмдиллик кўрсатилиши сабабли содир этилиши, айбдор томонидан бевосита жиноят содир этилганидан сўнг жабрланувчига тиббий ёки бошқа тарзда ёрдам кўрсатилиши ва ҳ.к.). Бундай ҳолатнинг жазони енгиллаштирувчи, деб топилганлиги ҳақидаги ҳулоса ҳукмда асосланганлиги керак.

Агар жиноят содир этилганлиги факти бўйича қўзғатилган иш юзасидан уни содир этган шахс аниқланган бўлмаса, шахснинг ўз қилмиши тўғрисида ихтиёрий равишда берган аризаси ёки хабари айбни бўйича олиш, деб баҳоланиши керак. Шунингдек, жиноий жавобгарликка тортилган шахснинг ўзи содир этган бошқа, тергов органларига маълум бўлмаган жиноятлар тўғрисидаги аризаси ҳам айбни бўйича олиш, деб қаралади. Икки ёки ундан ортиқ жиноят содир этилиб, улардан айримлари бўйича шахс айбини бўйича олиб келган бўлса, бу ҳолат жазони енгиллаштирувчи сифатида фақат бўйинга олиш тўғрисида ариза берилган жиноятлар учун жазо тайинлаш пайтида ҳисобга олинади.

Жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар доираси ЖКнинг 56-моддасида қатъий белгиланган бўлиб, у суд томонидан кенгайтирилиши мумкин эмас. Бироқ, муайян жиноятнинг хусусиятларидан келиб чиқиб, сабабларини ҳукмда асосланган ҳолда суд улардан бирортасини ҳам жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб топмаслиги мумкин. Жиноят кодекси 56-моддасининг биринчи қисмида кўрсатилган ҳолатлар, агар улар жиноят таркибининг белгиси сифатида назарда тутилган бўлса, жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб саналмайди.

Такроран ва рецидив жиноят содир этилиши қонунда белгиланган асослар ва доирада оғирроқ жазо тайинланишига олиб келишини инобатга олиб, ҳар бир иш бўйича ЖКнинг 77-80-моддаларига мувофиқ тугалланган ёки олиб ташланган судланганлик ҳолати мавжудлиги ҳақидаги материаллар текшириб чиқилиши ва шунга асосланиб, рецидив жиноят бор-йўқлиги тўғрисидаги масала ҳал этилиши керак.

Рецидив жиноят мавжудлиги ҳақидаги масалани ҳал этишда шахс судланаётган ёки муқаддам судланган қасддан содир этилган жиноят тамом бўлган ёки тамом бўлмаган жиноят эканлиги, шунингдек ушбу жиноятлардан қай бирида бўлсин шахс бажарувчи ёки иштирокчи бўлганлиги аҳамиятга эга эмас. Шахсни ўта ҳавфли рецидивист деб топиш ҳақидаги масалани ҳал этишда шуни назарда тутиш лозимки, ЖКнинг 34-моддаси олтинчи қисмига биноан, ўн саккиз ёшгача содир қилинган жиноят учун судланганлик шахсни ўта ҳавфли рецидивист, деб то-

пишда ҳисобга олинмайди. Шундан келиб чиқиб, агар шахс муқаддам бир неча жиноят учун судланган бўлиб, улардан айримларини вояга етмаган ёшда содир этган бўлса, фақат вояга етган даврда содир этилган жиноятлар учун судланганлик эътиборга олинади.

Қасддан такроран ёки илгари содир этилган жиноят учун судлангандан сўнг қасддан янги жиноят содир этилиши, агар биринчи жиноят учун жиноий жавобгарликка тортиш муддати ўтиб кетган, судланганлик белгиланган тартибда тугалланган ёки олиб ташланган ёхуд шахс муқаддам содир этган жиноий хатти-ҳаракат учун қонунда жавобгарлик бекор қилинган тақдирда, шунингдек ЖКнинг 65, 66, 66<sup>1</sup>, 68, 69, 70, 71, 76-моддаларига биноан шахс илгари содир этган жинояти учун жиноий жавобгарликдан ёки жазодан озод этилган бўлса, жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида эътироф этилмайди.

Жиноят қонунчилигида, бир неча жиноят содир этганлик учун жазо тайинлаш билан бирга бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлаш қоидалари ҳам мавжуд бўлиб, бу институтларни бирга келтирилишидан мақсад судлар амалиётида шундай ҳолатлар ҳам мавжуд-ки, бунда ҳар икки қондан баробар тадбиқ қилиниши ишни тўғри ҳал қилинишига асос бўлишини кузатишимиз мумкин. Масалан, “Қамолиддин” исмли шахс фирибгарлик жинояти учун иш ҳақининг 15 фоизини давлат фойдасига ушлаб қолган ҳолда 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган. “Қамолиддин”нинг мазкур жиноят иши бўйича ҳукм чиқарилгандан сўнг уни яна бошқа жиноятларда айбдорлиги аниқланган, жиноятлардан айримлари биринчи ҳукм чиқарилгунга қадар бошқалари эса ҳукм чиқарилгандан сўнг содир этилган. Энди, ушбу иш юзасидан жазо тайинлаш ҳам жиноятлар жами учун ҳам бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлаш қоидаларини тадбиқ қилинишини назарда тутати. Бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлаш қоидалари ЖКнинг 60-моддасига мувофиқ қуйидаги тартибда белгиланган:

- агар маҳкум ҳукм чиқарилганидан кейин жазони тўла ўтамай туриб, янги жиноят содир этса, суд янги ҳукм бўйича тайинланган жазо муддатига илгариги ҳукм юзасидан ўталмай қолган жазо муддатини тўла ёки қисман қўшади;

- бир неча ҳукм юзасидан ҳар хил турдаги жазоларни қўшиш ёки жазо тайинлашда ЖКнинг 61-моддасида назарда тутилган қоидаларга амал қилиниб, жазонинг оғирроқ тури узил-кесил тайинланади;

- бир неча ҳукм юзасидан ахлоқ тузатиш ишларига ёки хизмат бўйича чеклашга ҳукм қилиниб, иш ҳақи ёки пул таъминотидан ушлаб қолишнинг ҳар хил миқдори белгиланган ҳолатларда бу жазоларнинг фақат муддатлари қўшилади;

- илгариги ҳукм юзасидан ижро этилмай қолган қўшимча жазолар ҳукмлар жами тариқасида тайинланган асосий жазога қўшиб тайинланади.

**Абдиғаффор БОЙНАЗАРОВ,**  
Судьялар олий мактаби тингловчиси.



## ЖИНОЙ ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ҚИЛИШ ҚОИДАЛАРИНИ ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

**Маълумки, жиной жавобгарлик ва жазодан озод қилиш жиноят ҳуқуқининг муҳим институтларидан бири ҳисобланади. Жиноят кодексининг 12 боби 64-68 моддаларида жиной жавобгарликдан озод қилиш тўғрисидаги нормалар ўз ифодасини топган бўлиб, бунда Жиноят кодексининг инсонпарварлик принципи намоён бўлади.**

Жиноят кодексининг 7-моддасида: “Жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари жисмоний азоб бериш ёки инсон кадр-қимматини камситиш мақсадини кўзламайди”, дейилади. Демак, бу моддада жиноят қонунининг инсонпарварлик тамойили белгиланган бўлиб, унда жисмоний азоб бериш ва инсон кадр-қимматини камситишга асосланмаган жиной жавобгарликка тортиши ёки жиной жавобгарликдан озод қилиб, бошқа ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш назарда тутилади.

Жиной жавобгарлик ва жазодан озод қилиш институтлари бир-биридан тубдан фарқ қилади. Жумладан, жавобгарликдан озод қилиш – жиноят содир этган шахсни давлат томонидан унга нисбатан ҳукм чиқариш йўли билан жазолашдан воз кечиш бўлиб, суд томонидан айблов ҳукми чиқарилгунига қадар, жиноят ишини тугатишда намоён бўлади.

Бу борада М.Рустамбоев томонидан янада аниқроқ тушунчалар келтирилиб, “жавобгарликдан озод этиш, ваколатли давлат органининг судлов ёки айбловини бекор қилиш, шунингдек жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан давлат мажбурлов чорасини қўллашни бекор қилиш ҳақидаги акти” эканлиги тўғри таъкидланган.

Жиной жавобгарликдан озод қилиш шахсни жиной жавобгарликка тортилмай қўлланилади, жиной жазодан озод қилиш эса жиной жавобгарликка тортилгандан сўнг қўлланилиши мумкин. Демак, ҳали тайинланмаган жазодан озод қилиш мантиқий жиҳатдан жазодан озод қилиш ҳисобланмайди. Жазодан озод қилиш деганда, айнан суд ҳукми билан тайинланадиган жазодан озод қилиш назарда тутилади.

Дарҳақиқат, жиной жавобгарликдан озод қилишнинг муҳим шартларидан бири, жиноят содир этган шахсга жиной жазо қўлламасдан ҳам ахлоқан тузатиш мумкин, деган ҳулосага келинишидир. Ушбу ҳолда, муҳими, юқорида таъкидланганидек, шахс жазонинг муқаррарлигини англаши лозим.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят кодексига жавобгарликдан озод қилишнинг қуйидаги турлари назарда тутилган:

1. Жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиб кетганлиги муносабати билан жиноят учун жавобгарликдан озод қилиш (ЖК 64-моддаси).

Бунда агар жиноят содир этилган кундан бошлаб қуйидаги муддатлар:

а) *ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этилган кундан бошлаб — икки йил;*

б) *унча оғир бўлмаган жиноят содир этилган кундан бошлаб — тўрт йил;*

в) *оғир жиноят содир этилган кундан бошлаб — саккиз йил;*

г) *ўта оғир жиноят содир этилган кундан бошлаб — ўн тўрт йил ўтган бўлса, шахс жавобгарликдан озод қилиниши.*

2. Қилмиш ёки шахс ижтимоий хавфлигини йўқотганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш (65-моддаси).

Бу билан ишни тергов қилиш ёки судда кўриш вақтида шароит ўзгарганлиги туфайли содир этилган қилмиш ўзининг ижтимоий хавфлигини йўқотган деб топилса, жиноят содир этган шахс жавобгарликдан озод қилиниши мумкинлиги, шунингдек, ишни тергов қилиш ёки судда кўриш вақтида шароит ўзгарганлиги туфайли жиноят содир этган шахс ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотган, деб топилса, жавобгарликдан озод қилиниши мумкинлиги.

3. Айбдор ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш (66-моддаси) да ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган шахс, агар у айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилган, чин кўнгилдан пушаймон бўлган, жиноятнинг очилишига фаол ёрдам берган ва келтирилган зарарни бартараф қилган бўлса, жавобгарликдан озод қилиниши мумкинлиги;

4. Ярашилганлиги муносабати билан жиной жавобгарликдан озод қилиш (66<sup>1</sup>-моддаси)да жиноят кодекси махсус қисмида белгиланган жиноятларни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, жиной жавобгарликдан озод этилиши мумкинлиги, бунда оғир ёки ўта оғир жиноятларни содир этганлик учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахслар ярашилганлиги муносабати билан жиной жавобгарликдан озод қилинмаслиги.

5. Касаллик туфайли жавобгарликдан озод қилиш (67-моддаси)да агар жиноят содир этган шахсда ҳукм чиқарилгунига қадар ўз ҳаракатларининг аҳамиятини англай олмайдиган ёки уларни бошқара олмайдиган тарзда руҳий ҳолатнинг бузилиши юзага келган бўлса, у жавобгарликдан озод қилиниши.

6. Амнистия акти асосида жавобгарликдан озод қилиш (68-моддаси)да жиноят содир этган шахс амнистия акти асосида жавобгарликдан озод қилиниши мумкинлиги белгилаб қўйилган.

Жавобгарликдан озод қилиш қоидаларини қўллашда содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси, жиноятларнинг турлари, судланганлик, жиноят содир этган шахснинг хавфлилик даражаси, шахсга оид хусусиятлар, жазони ижро этиш мобайнида ички тартиб қоидаларга риоя этганлик ва бошқа жиҳатлари эътиборга олиниши керак.

Ҳулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят қонунчилигида “жавобгарликдан ва жазодан озод қилиш” институтининг мустақамланиши инсонпарварлик, қонунийлик, одиллик принципларининг аҳамиятини сезиларли даражада оширганлигининг яққол ифодасидир.

**Улуғбек МУЗАФФАРОВ,**  
Судьялар олий мактаби тингловчиси.

# НОГИРОНЛАРНИНГ УМУМЭЪТИРОФ ЭТИЛГАН ХУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ АЙРИМ ЖИХАТЛАРИ

*Ногиронларнинг ижтимоий-ҳуқуқий муҳофазаси жараёнида уларнинг халқаро умумэтироф этилган ҳуқуқларини таъминлаш алоҳида аҳамият касб этади. Чунки фуқаролик ишлари низоларини кўриб чиқиш суд органлари фаолиятининг энг катта қисмини ташкил қилади. Шу боис, тегишли халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда ногиронларга суд жараёнида иштирок этишлари учун ҳар қандай давлат зарур шароит яратиб бериши шартлиги тўғрисида махсус қоидалар мавжуд.*

Жумладан, “Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенциянинг 13-моддасига асосан иштирокчи давлатлар ногиронлар бошқалар билан тенг равишда одил судловдан самарали фойдаланиш имкониятини таъминлаш, шу жумладан юридик жараённинг барча босқичларида иштирокчи сифатида ролини самарали бажаришларини энгиллаштиришга қаратилган процессуал ва ёшларига мувофиқ тузастишлар киритиш мажбуриятини олган.

Ушбу конвенция Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 7 июндаги ЎРҚ-695-сонли қонуни билан ратификация қилинган ва Ўзбекистон Республикаси учун 2021 йил 28 июлдан кучга кирган. Шу сабабли ногиронларнинг фуқаролик ишлари бўйича одил судловни амалга ошириш чоғида халқаро умумэтироф этилган ҳуқуқлари мамлакатимиз қонунчилигига имплементация қилинган. Жумладан, асосий қонунимизнинг 57-моддасида ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидалиги, давлат аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд тоифаларининг турмуш сифатини оширишга, жамият ва давлат ҳаётида тўлақонли иштирок этиши учун уларга шарт-шароитлар яратишга ҳамда уларнинг асосий ҳаётий эҳтиёжларини мустақил равишда таъминлаш имкониятларини кенгайтиришга қаратилган чораларни кўриши белгиланган.

Шунингдек, “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 28-моддасида давлат органлари, ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари ногиронлиги бўлган шахсларнинг бузилган ҳуқуқ ва эркинликлари тикланишини ҳамда уларнинг қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш юзасидан ўз ваколатлари доирасида чоралар кўриши шартлиги, эшитиши ва нутқи бўйича ногиронлиги бўлган шахсларга фуқаролик ишлари юзасидан суд процессларида иштирок этиш чоғида сурдо-таржимон хизматлари кўрсатилиши белгиланди.

Фуқаролик процессуал кодексига Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш кафолатланган, фуқаролик ишлари бўйича одил судлов фуқароларнинг ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун ва суд олдида тенглиги асосида амалга оширилиши ва таржимоннинг хизматларидан фойдаланиш ҳуқуқи белгиланган, бунда ногиронларга зарур бўлган ҳолларда сурдотаржимон хизматлари таъминланиши назарда тутилган. Жумладан, агарда фуқаролик ишлари бўйича одил судловни амалга ошириш жараёнида тараф бўлган ногиронга зарурият бўла туриб сурдотаржимон хизматлари таъминланмаган ҳолатда ҳал қилув қарори Ўз.Р ФПКнинг 399<sup>3</sup>-моддаси 2-қисми 3-бандига асосан, яъни иш кўрилаётганида иш юритилаётган тилга доир қоидалар бузилганлиги сабабли бекор қилиниши мумкин.

Фикримизча, суд-ҳуқуқ ислохотларини амалга ошириш чоғида ногиронларнинг одил судловдан фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтириш чораларини кўриш зарур. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат божи тўғрисида”ги қонунининг 8-моддаси 1-қисми 3-бандига биноан, даъвогарлар — меҳнатда майиб бўлганлиги ёки соғлигининг бошқача тарзда шикастланганлиги туфайли етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъволар юзасидан фуқаролик ишлари бўйича судларда давлат божларидан озод қилинган.

Мазкур модда доирасида агарда ногиронлик меҳнатда майиб бўлганлиги ёки соғлигининг бошқача тарзда шикастланиши натижасида вужудга келган бўлса, бунда вужудга келган зарар ўрнини қоплашда ногиронлар давлат божидан озод қилинади. Бироқ, мазкур моддада назарда тутилган фуқаролик ишлари бўйича одил судлов жараёнида ногиронлар учун яратилган имтиёз етарли эмас, деб ҳисоблаймиз. Чунки, бошқа давлатларнинг бу борадаги ҳуқуқий тажрибасига эътибор берадиган бўлсак, уларда ногиронларни фуқаролик судларига мурожаат қилиш борасида давлат божини тўлашдан тўлиқ озод қилиш каби инсонпарвар ва одамий амалиёт мавжуд.

Жумладан, Россия Федерацияси ва Қозоғистон Республикаси қонунчилиги талабларига биноан, биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари фуқаролик судларига даъвогар сифатида мурожаат қилаётганида давлат божини тўлашдан озод қилинган.

Ўзбекистонда ҳам ижтимоий давлатни барпо этишга қаратилган суд-ҳуқуқ ислохотлари амалга оширилган экан, ушбу илғор ва инсонпарварлик тамойилидан фойдаланиш ўринли бўлар эди, деб ҳисоблаймиз ва “Давлат божи тўғрисида”ги қонунининг 8-моддаси 1-қисмини “даъвогарлар — биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари ўзининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш даъволари юзасидан” мазмундаги қўшимча банд билан тўлдиритишни таклиф этамиз. Бу чора ногиронларнинг фуқаролик ишлари бўйича одил судловдаги имкониятларидан фойдаланишларини янада осонлаштиришга хизмат қилиши ва ижтимоий давлат моҳиятига мос келиши шубҳасиз.

**Алишер КАМАРОВ,**

*Судьялар олий мактаби тингловчиси.*

## Фойдаланилган адабиётлар:

1. Батафсил қаранг : [https://online.zakon.kz/Document/?doc\\_id=30803112&pos=8;-45#pos=8;-45](https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=30803112&pos=8;-45#pos=8;-45) ; [https://www.consultant.ru/law/podborki/invalidy\\_1\\_gruppy\\_osvobozhdeny\\_ot\\_uplaty\\_gosposhliny/](https://www.consultant.ru/law/podborki/invalidy_1_gruppy_osvobozhdeny_ot_uplaty_gosposhliny/)
2. “Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенция -<https://lex.uz/docs/5501227>
3. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси - <https://lex.uz/docs/6445145>
4. “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни-<https://lex.uz/docs/5049511>
5. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик-процессуал кодекси - <https://lex.uz/docs/3517337>
6. Ўзбекистон Республикаси “Давлат божи тўғрисида”ги Қонун - <https://lex.uz/docs/4680944#4682417>



**Сабир КАДЫРОВ,**  
Ветеран суда

## ДЕСЯТЬ ПРАВИЛ СУДЬИ

*Предубеждение – заранее быть убежденным в виновности (невиновности) подсудимого.*

*Быть заранее убежденным в виновности (невиновности) подсудимого – самый опасный враг судьи, враг правосудия.*

*Судью должны всегда одолевать сомнения в виновности (невиновности) подсудимого.*

*Судья должен заходить в зал судебного заседания с сомнениями в виновности (невиновности) подсудимого.*

Судья, который, заходя в зал судебного заседания, убежден в виновности подсудимого, не имеет совести. Он не судья, он, по меньшей мере, обвинитель, если не палач.

Убеждение о виновности (невиновности) подсудимого должно возникнуть у судьи даже не в судебном заседании; убеждение о виновности (невиновности) подсудимого должно возникнуть в совещательной комнате при постановлении приговора (определения).

Изучив уголовное дело, никогда не был заранее убежден в виновности (невиновности) подсудимого.

**Это было первым и основным правилом для меня.**

Как я излагал выше, никогда не заходил в зал судебного заседания и не начинал рассмотрение дела, предварительно не изучив уголовное дело.

Любое, даже однотоимое дело, всегда кажется огромным делом, непреодолимой крепостью. После изучения даже многотомного дела, оно уже не кажется таким сложным и громоздким.

Изучение уголовного дела, переданного мне, для рассмотрения по первой инстанции, сопровождалось записями в специально отведенном журнале, с таблицами, схемами, листами дела с выдержками показаний, существенных моментов дела, вещественных доказательств, перечнем возникших вопросов, анализом правильности квалификации преступных действий и сопоставлением предъявленного обвинения и обвинительного заключения, изучением постановлений Пленума и комментариев, составлением предварительного плана судебного следствия (тут не указаны вопросы организации рассмотрения дела) и т.д.

Путем сопоставления обвинения, предъявленного обвиняемому в постановлении о привлечении в качестве обвиняемого и обвинения, изложенного в обвинительном заключении, во многих случаях выявлялась между ними разница в частях, пунктах статей обвинения; не указывались квалифицирующие признаки обвинения, а если указывались, то не расшифровывались по каким признакам, например, умышленное убийство совершено с особой жестокостью. Было несколько уголовных дел, когда обвиняемому вменялось умышленное убийство, указывались обстоятельства и подробности совершенного преступления, но в предъявленном обвинении не указыва-

лось, что он совершил преступные действия с целью умышленного убийства. В таких случаях отменялся приговор и дело направлялось для производства дополнительного расследования.

Изучая уголовное дело, поступившее для рассмотрения в кассационном порядке, изучал уголовное дело так же, как уголовное дело, поступившее для рассмотрения дела по первой инстанции. Одновременно составлял проект определения и записывал анкетные данные, излагал фабулу преступления, доводы жалоб или протеста. Таким образом, на рассмотрение дела заходил в зал судебного заседания, не только зная все об уголовном деле, но и с определением, готовым на 50 процентов. Это помогало справляться с большой нагрузкой, облегчало составление определения кассационной (надзорной) коллегии.

Аналогично, одновременно с изучением уголовного дела и доводов надзорной жалобы или протеста, готовился проект протеста или заключения об отсутствии оснований для внесения протеста по делу.

Обратил внимание на то обстоятельство, что доводы кассационной жалобы (в наше время не было апелляционной инстанции) всегда полностью повторяют доводы, которые обвиняемый, подсудимый приводил на предварительном, а затем судебном следствии. Поэтому при рассмотрении уголовного дела по первой инстанции, много времени уделял тщательной проверке всех доводов подсудимого, а затем и оценке доводов подсудимого в приговоре (определении). В наше время никто не ограничивался такой шаблонной фразой в судебном решении: “доводы подсудимого даны для того, чтобы избежать ответственности”.

В народном суде и Ташкентском городском суде, я, в основном, рассматривал уголовные дела по первой инстанции. В Верховном суде стал рассматривать уголовные дела в кассационном и надзорном порядках. И приходилось целыми днями листать и изучать материалы уголовных дел на основании жалоб и протестов. Привыкнуть к этому было нелегко. Были моменты, когда хотелось бросить все это и попросить руководство направить на работу в суды нижестоящих инстанций. Потому что в суде первой инстанции сам рассматриваешь дела и выносишь решение. В кассационной или надзорной же инстанциях только листаешь материалы дела и находишь ошибки и недостатки суда и органов предварительного расследования.

Рассматривая дела в Верховном суде, исходил из критериев и требований, которые я предъявлял себе, при рассмотрении дела в суде первой инстанции. Наверное, поэтому около 80 процентов приговоров (определений) судов по моему докладу отменялись или изменялись.

Следует отметить, что за весь период работы в народном суде и Ташкентском городском суде вышестоящими судами не было отменено ни одного приговора (определения), вынесенного судом под моим председательством.

Таким образом, никогда не заходил в зал судебного заседания и не начинал рассмотрение дела, не изучив уголовное дело.

#### **Это было вторым правилом для меня.**

По каждому делу не ленился, тщательно изучал уголовное дело и доводы жалобы, протеста. И по каждому делу мог найти доказательства по делу или обстоятельства дела, которые могли правильно разрешить дело или в корне поменять судьбу принятого по делу решения и которое могли повлиять на принятие единственного правильного решения по делу.

#### **Это было третьим правилом для меня.**

Рассматривал уголовное дело всегда с соблюдением всех процессуальных требований УПК.

#### **Это было четвертым правилом для меня.**

С самого первого уголовного дела, которое было рассмотрено под моим председательством, я приучил себя рассматривать дело с соблюдением всех процессуальных требований. При этом пользовался подготовленными записями. В дальнейшем это превратилось в привычку и теперь я знаю все процессуальные действия наизусть.

Когда суд под моим председательством заходил в зал судебного заседания, как я уже говорил, встречали нас стоя. Состав суда некоторое время стоял у своих кресел. Я же осматривал весь зал суда, как бы оценивал обстановку в зале. С устремленным взглядом я замирал на несколько секунд. Все замирали, и зал замолкал. Никто не двигался. Таким необычным способом я научился подчинять всех присутствующих своей воле и порядку в зале суда. Участники судебного разбирательства и присутствующие в зале не смели лишний раз двинуться или разговаривать.

Поздоровавшись, садился за кресло. После чего садился все в зале.

Я держал под контролем всех присутствующих в зале, одновременно руководил судебным заседанием, следил за показаниями допрашиваемого, подсудимого, потерпевшего или свидетеля.

Большое внимание уделял составлению протокола судебного заседания, **и это пятое правило.**

Судебное заседание вел с таким расчетом, чтобы секретарь судебного заседания успевал(а) записывать показания, действия суда. Кроме того, сам запи-

сывал ключевые моменты показаний и действия суда. Каждый день, после окончания судебного заседания, на свежую голову, проверял протокол судебного заседания, вносил дополнения, уточнения из собственных записей. Секретарь судебного заседания на следующий день представлял(а) мне готовый протокол судебного заседания.

Надо отметить, что в наше время протоколу судебного заседания уделялось огромное значение. Так как в протоколе должно было быть все то, на что ссылается суд в приговоре (определении). Особенно огромное внимание уделяли этому вопросу суды кассационной и надзорной инстанций. Они всегда читали протокол и сопоставляли с выводами приговора (определения) суда. И если они не совпадали, приговор суда отменяли или изменяли. Протокол судебного заседания был действительно зеркалом судебного процесса.

К сожалению, отношение к протоколу судебного заседания менялось. Если приговор (определение) ныне постановляют путем копирования многих моментов обвинительного заключения, то протокол судебного заседания составляют путем копирования показаний, данных на предварительном расследовании. Суды первой инстанции и вышестоящих инстанций не уделяют должного внимания этому вопросу.

После ознакомления с протоколом судебного заседания, решения вопросов, связанных с организацией рассмотрения дела, я приступал к изучению материалов дела, связанных с показаниями подсудимого или свидетеля, чьи показания планировалось заслушать в судебном следствии на следующий день. Изучал не только показания, но и протоколы очных ставок, протоколы проверки показаний с выездом на место преступления, другие материалы дела, связанные с показаниями. Делал записи ключевых моментов показаний, доказательств. Готовил вопросы, уточняющие ключевые моменты и устраняющие противоречия в показаниях. Заходя на следующий день в зал судебного заседания, я знал, кого и о чем спросить, что и как выяснить, уточнить, огласить, какие материалы дела исследовать.

Такой подготовкой к судебному заседанию и с учетом исследованных в судебном заседании доказательств, всегда опережал возможные ходатайства прокурора или адвоката о вызове дополнительного свидетеля, проведении какой-либо экспертизы и т. д. Всегда сам предлагал участникам процесса высказать свое мнение о вызове дополнительного свидетеля или о назначении какой-либо экспертизы. К моменту обсуждения этих вопросов у меня был уже подготовлен проект определения суда о назначении, например, экспертизы. Участников процесса я опережал на несколько шагов, как в игре в шахматы.

Допрашивая подсудимого, обращался к нему на вы, не унижал его человеческое достоинство.

#### **Это шестое правило.**

